

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

РУЗМЕТОВА МУҲАББАТ ШАКИРОВНА

**ЧЕТ ТИЛ ЭГАЛЛАШНИНГ ТАЯНЧ ДАРАЖАСИДА
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК
ТАДБИҚИ**

/ МОНОГРАФИЯ /

**ТОШКЕНТ
2022**

Монография “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти” миллий тадқиқот университет Илмий Кенгашининг 2021 йил 23 декабрдаги йиғилишида (4-сонли баённома) куриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.

Мазкур монографик тадқиқот ишида чет тил эгаллашнинг таянч даражасида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг лингводидактик тадбиқи асослари баён қилинган. Дастребки бобда чет тил эгаллашнинг таянч даражасида инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий асослари очиб берилган. Иккинчи бобда чет тил эгаллашнинг таянч даражасида инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш методикасига эътибор қаратилган. Учинчи бобда чет тил эгаллашнинг таянч даражасида инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантиришнинг методик самарадорлиги масалалари ёритилган.

Монография чет тил ўқитиш тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар, умумий ўрта таълим мактаблари чет тил муаллимлари, талабалар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган

Масъул мухаррир: Г.С. Собирова

Тақризчилар:
Г.С. Собирова

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти” миллий тадқиқот университети в.б., доценти.

Д.Исройлова

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Андижон давлат университети в.б., доценти

М.Ш. Рузметова

/ Чет тил эгаллашнинг таянч даражасида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг лингводидактик тадбиқи /
Монография. –Т.: “ТИҚХММИ” МТУ, 2022. - 174 бет.

**© “ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ (“ТИҚХММИ” МТУ), 2022 й.**

КИРИШ

Глобаллашув нуқтаи назардан қаралса, бугун башарият, инсоният ҳаёти, турмуш асосларининг кескин ўзгариши билан боғлиқ даврга гувоҳ бўлмоқда. Мазкур жараён дунё миқёсида жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олаётган шароитда, чет тил таълими зиммасига бир қанча муҳим вазифаларни юклади. Дунё ҳамжамиятида таълим муассасаларида ёшларга сифатли таълим бериш ва малакали кадрлар тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Айниқса, умумий ўрта таълим мактабларида чет тилларни, хусусан инглиз тилини ўқитиши масаласи айни дамда кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Канада, Франция, Германия, Бразилия, Россия, Финландия каби ривожланган мамлакатлар тажрибаси, юқори синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш учун ўқув жараёнига интерфаол релевант ўқитиши методларини тадбиқ қилиш, машқлардан мувофиқларини танлаш, замонавий мультимедиал ўқув ресурслар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида глобал инглиз тилини ўқитишида бир қанча компетенцияларни шакллантириш, чет тил ўқитиши таълимини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ташкил қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, CEFR малака талаблари бўйича ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида лингвистик, социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш, замонавий ўқитиши усулларини эркин танлаш, лингвометодик машқлардан ва мультимедиал таълим дастурларидан фойдаланишининг лингводидактик таъминотини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарвое, ривожланаётган Ўзбекистоннинг З ренессанс шароитида барча соҳаларга “рақамли иқтисодиёт” атамаси кириб келди. Зеро, биз жамиятимизни дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирав эканмиз, бу борада трансформация қилинган яъни янгилangan сунъий ақл ва когнитив интеллектуал технологиялар (Artificial Intelligence technologies) жадал тараққий топяпди. Мазкур турдаги технологияларни инглиз тилини ўқитишида қўллаш кун сайин ойдинлашмоқда. Қисқача айтадиган бўлсак, ушбу долзаб масалани чет тил ўқув предмети ривожи билан тасаввур қўлсак, амалдаги инглиз тилини ўқитиши жараёнини автоматлаштириш ҳамда ўқувчиларни ўз навбатида замонавий технологиялардан фойдаланиб инглиз тилини ўрганишга тайёрлаш зарур.

Амалдаги инглиз тилини ўқитишга оид дарслик мажмуаларининг айрим ўкув ҳамда мультимедиал таълим ресурс материалларида лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни тўлиқ ўзлаштириш ўкувчиларда интерференция келтириб чиқарди. Буни бартараф қилиш учун ўкувчиларга инглиз тилини ўқитиш маҳсус технологиялардан (Define It, Drawing Dictation (Playful Pictures), Run to the Board, Memory Story, Board Race, Pictuanary Race, Lip Reading, Opinion/Running Dictations, Word by Word Story, Sleep and Wake Up), машқлардан ва мультимедиал таълим дастурларидан фойдаланиб ташкил қилиниши зарур. Бу эса, ўкувчиларни CEFR малака талаблари бўйича яратилган давлат таълим стандартида кўрсатилган компетенцияларни муваффақиятли эгаллашларига хизмат қиласди.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим тизимида ўкувчиларга инглиз тилини ўқитишда самарали усулларидан фойдаланиш, хорижий тажрибалар асосида чет тил ўргатишни ташкил қилиш, ўкувчиларда лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базаси яратилди. “Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши лозим. Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суюниш муҳим”¹ устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада инглиз тилини ўқитишда лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикаси, тизими, лингводидактик таъминоти асосларини аниқлаштириш, коммуникант (реципиент, продукционент) ва когнезант шахсини камолга етказиш йўналишларида илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг педагогик имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон “Иқтидорли ёшлиарни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги 281-сон “Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш

¹«Халқ сўзи» газетаси, № 174 (7373), 24.08.2019. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши.

механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мазкур тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш учун дастурул амал бўлмоқда. Ушбу муҳим хужжатлар асосида ишлаб чиқилган йўл ҳаритаси умумий ўрта таълим тизимини ривожлантиришга асос бўла олмоқда. Шунингдек, унда профессионал кадрларни тайёрлаш ҳамда ўқитиш методикаларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш масалаларининг ҳал қилиниши белгилаб берилган². Мазкур вазифалар умумий ўрта таълим чет тил ўкув предметини мавжуд ҳолатини яхшилаш, сифат ва самарадорликни ва модернизациялашга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи банди (Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари)да таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу муҳим хужжатда, узлуксиз таълим тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим муассасаларини компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар ҳамда бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш³ устувор вазифалар қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тиллар ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарори ҳамда юқорида баён этилган давлат аҳамиятига оид бўлган хужжатларда қайд этилган масалаларни муваффақиятли ҳал этилиши, халқ таълими тизимидағи чет тил ўқув предметини ўқитишга тегишли камчиликларни бартараф этишда ушбу амалга ошираётган тадқиқот иши бевосита ўз хиссасини қўшади. Жумладан, меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5712-сон. 2019 йил 29 апрель. <http://www.lex.uz/docs/4312785>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг турли босқичларида чет тил ўқитиш муаммолари Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Саттаров, Г.Т.Маҳкамова, Л.Т.Аҳмедова, М.Ж.Джусупов, Д.Ў.Хошимова, Х.С.Мухиддинова ва бошқаларнинг тадқиқотларида батафсил ўрганилган⁴.

Чет тил ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришнинг лингводидактик имкониятлари, замонавий методик тамойиллар, машқлар ва технологиялар хорижлик олимлар Хармер Жареми (Harmer Jeremy), Жак С.Ричардс (Jack C.Richards), Теодор С.Роджерс (Theodore S.Rodgers), Джон Равен (John Raven), В.Хутмачер (W.Hutmacher), Россия олимлари А.В.Хоторской, Р.П.Мильруд, И.А.Зимняя, М.К.Колкова, Э.И.Попова, Ф.М.Филатова, Л.В.Щерба каби олимлар томонидан инглиз тилини чет тил сифатида ўқитиш таълимига татдиқ қилинган⁵.

Умумий ўрта таълим мактабларида юқори синфларда чет тил ўкув предметини ўқитишининг муҳим хусусиятлари К.Е.Драницникова, Р.А.Азизханова, З.И.Ильясова, О.В.Шунтова, И.Э.Риске, Д.А.Карпов, Ш.С.Атлуханова сингари хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида ёритиб берилган⁶.

⁴ Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – Б. 294.; Саттаров Т.Қ. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка) Авторефер. дис... докт.пед.наук. – Т.: 2000. С-32.; Махкамова Г.Т. Формирование навыков и умений устной иноязычной речи у дошкольников: Автореф.дис ...кан.пед.наук. – Т.: УзДЖТУ, 2004. С-24.; Ахмедова Л.Т. Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений// Conference.Fledu.uz; Джусупов М.Ж. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане//Русский язык за рубежом. – Специальный выпуск. Москва, 2017. С.50-57. Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковых взаимодействий: Дисс. ... докт.пед.наук. – Т.:, 2007. С-209. Мухиддинова Х.С. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт. дисс. автореф... – Т.: 2011. Б-50.

⁵ Harmer Jeremy. The Practice of English Language Teaching: 3rd edition. – Longman.: 2001. – 384 p.; Jack C.Richards and Theodore S.Rodgers. Approaches and Methods in Language Teaching: Third Edition.: 2014 416-P.; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. – М.: Когито-центр, 2002. С– 396.; Hutmacher Walo. Key competencies for Europe // Report of the Symposium Berne, Switzerland. – 27-30 March, 1996; Council for Cultural Cooperation (CDCC) // Secondary Education for Europe Strasburg, 1997. Хоторской А.В. Компетентностный подход в обучении. Научно-методическое пособие. – М.: Издательство «Эйдос»; Издательство Института образования человека, 2013. С.– 73; Мильруд Р.П. Методика преподавания английского языка. English Teaching Methodology. – М.: 2005. 254-Р; Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. – М.: 2003. № 5. С-12-13; Колкова М.К. Формирование дискурсивной компетенции у учащихся старших классов при обучении письменной речи. Методика обучения иностранным языкам в средней школе: –М.:, 2006. С-221-226.; Попова Э.И. Обучение монологическому высказыванию учащихся 6-7 классов средние общеобразовательные школы: Дис...кан.пед.наук. –Л.:, 1985. С-220; Филатова В.М. Методика обучения иностр.языкам в начальной и основной общеобразовательной школе.: –Р-на-Д.:, 2004. С-325; Щерба. Л.В. Преподавание иностранных языков в школе. Общие вопросы теории: –М., Академия: 2002. С-150-155.:

⁶ Драницникова К.Е. Развитие коммуникативных способностей младших школьников на уроках английского языка// Журнал: Иностранные языки в школе. – М.: 2013. № 5. С–202-205. Электрон ресурс. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitiye-kommunikativnyh-sposobnostey>; Азизханова Р.А. Обучение экспрессивной устной английской речи учащихся 7-8 классов лезгинской школы в условиях билингвализма.

Чет тил, хусусан инглиз тилини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш масалалари хорижлик Грахам Станли (Graham Stanley), Айша Уокер (Aisha Walker), юртимиз тадқиқотчилари Д.Р.Джуманова, О.В.Абдувалиева, Г.С.Собирова, Ф.Ш.Тажибаев, Д.А.Таджибаева ва бошқаларнинг илмий изланишларида муҳокама қилинган⁷.

Бугунги кунда 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш алоҳида диссертацион тадқиқот обьекти қилиб ўрганилмаган. Шу муносабат билан ушбу монографиянинг асосий мақсади А2 даража битирувчиларига инглиз тилини ўқитишда лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу монографиянинг вазифалари:

5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг мамлакатимиз олимлари тадқиқотлари ва хорижий тажрибалар асосида илмий-амалий моҳиятини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

чет тил бўйича А2 даража учун давлат таълим стандарти, амалдаги 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишга мўлжалланган дарслик мажмуналарини таҳлил қилиш ҳамда лингвистик, социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш принципларини белгилаш;

А2 даража учун лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича самарадор технологиялардан, рецептив ва

Авторефер. дис... кан.пед.наук. – Махачкала: 2006. С–28.; Ильясова З.И. Обучение учащихся 5-6 классов лакской школы коммуникативной речи грамматическими средствами английскому языку. Авторефер. дис... кан.пед.наук. – Махачкала: 2004. С–24; Шунтова О.В. Формирование лингвистической компетенции на второй ступени обучения в школе с углубленным изучением иностранного языка: (на материале испанского языка). Авторефер. дис... кан.пед.наук. – М: 2010. С–29; И.Э.Риске. Формирование социокультурной компетенции у учащихся старшей ступени обучения: На материале английской поэзии. Дис...кан.пед.наук. – М: 2010. С–259.; Карпов Д.А. Культуроедческий подход к обучению коммуникативному чтению учащихся старших классов школ с углубленным изучением английского языка. Дис...кан.пед.наук. – М: 2009. С–283; Атлуханова Ш.С. Методика обучения предлогам английского языка в 5-7 классах лезгинской школы. Автореф.дис...кан.пед.наук. –Махачкала: 2005. С-30.;

⁷ Graham Stanley. Language Learning with Technology (Cambridge Handbooks for Language Teachers). – Cambridge University Press: 2013. P-275. Aisha Walker. Technology Enhanced Language Learning: Connecting Theory and Practice (Oxford Handbooks for Language Teachers). – Cambridge University Press: 2013. P-214. Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях языкового контактирования: Дисс. ...д.ра.филол.наук. – Т., 2016. С– 266; Абдувалиева О.В. Методика обучения модальным глаголам английского языка на базе компьютерный технологий: Пед.фан.ном.... дисс.автореф. – Т., 2009. С–28; Сабирова Г.С. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси: пед.фан.бўйича фал.д-ри (PhD). Дисс. автореф. – Т., 2017. С– 41; Тажибаев Ф.Ш. Бошлангич синф ўқувчиларига чет тил ўрқитишда коммуникатив ёндашув. пед.фан. бўйича фал.д-ри (PhD).... Дисс. – Т., 2019. Б-154; Таджибаева Д.А. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш (немис тили мисолида) пед.фан.бўйича фал.д-ри (PhD).... Авторефер. –Т.: – 2020. –Б.53;

репродуктив машқлардан фойдаланишнинг лингводидактик таъминотини такомиллаштириш;

дидактик материаллардан иборат ўқитувчилар учун услубий қўлланма, мультимедиал ўқув ресурслар яратиш ҳамда инглиз тилини ўқитишга тегишли дарсликлар мазмунини такомиллаштирувчи илмий асосланган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш;

лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича таклиф қилинган методика асосида баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, ўтказиш ҳамда олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш;

Монографиянинг **илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

компетенцияларни ривожлантириш бўйича хорижий олимлар тажрибалари таҳлили асосида инглиз тилини ўқитишнинг назарий асослари аниқлаштирилган;

чет тил ўқитиш методикасидаги лингвистик, дидактик, психологик-психолингвистик, методик тамойиллар таҳлили асосида 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитиш тамойиллари белгиланган;

юқори синф ўқувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган методик таъминот A2 ва A2+ даража учун таълим мазмунида қайд этилган (кундалик ва ижтимоий ҳаёт, таълим ва маданиятга оид) мавзулар контентига – TBL (Task Based Learning) га асосланган Аудиовизуал ва Аудиолингуал ўқитиш шаклларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

инглиз ва ўзбек лисоний олам тасвирини ифодаловчи ижтимоий-маданий стереотипларга оид асосий нутқий меъёрларни тушуниш кўникмалари ўқиш ва тинглаб тушунишга оид “Pre-, While-, Post-“ машқ турларини ажратиш орқали такомиллаштирилган.

І БОБ. ЧЕТ ТИЛ ЭГАЛЛАШНИНГ ТАЯНЧ ДАРАЖАСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Компетенцияга оид тушунчалар мазмуни ҳамда уларнинг чет тил таълимидаги илмий-амалий моҳияти

Ўзбекистонда жамиятимизни дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришишида трансформация қилинган, яъни янгиланган когнитив интеллектуал технологиялар жадал тараққий топмоқда. Мазкур турдаги технологияларни инглиз тилини ўқитишида қўллаш зарурати аён бўлмоқда. “Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши лозим. Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиши методлари, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суюниш муҳим”⁸. Амалдаги инглиз тилини ўқитишида релевант технологиялардан фойдаланиб инглиз тилини ўргатишида коммуникатив компетенцияни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги давр, хорижий тиллардан амалий фойдаланиш самарадорлиги чет тил ўқув предметининг ҳам, таълимнинг ҳам асосий муаммосига айланган. Компетенциявий ёндашувга асосланган муқобил ўқитиши технологияларини танлашга оид тадқиқотлар билан бир қаторда, ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиши орқали интеллектуал салоҳиятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инглиз тилини ўқитиши орқали келажакда давлат нуфузини ривожлантиришга эриша оладиган ёшларга таълим тарбия-бериш, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган тарзда таълим сифатини ошириш, валидитацияли мукаммал дарсликларни яратиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб қилмоқда.

Янгиланаётган З ренессанс Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим мазмуни, сифати, таълим дастурлари, технологияларнинг ислоҳ қилиниши оқибатида бир қанча ижобий ўсишлар амалга оширилмоқда. Ўқув муассасаларида таълим жараёнини умумжаҳон талабларига мувофиқ ташкил қилиш мақсадида, барча фанлар учун

⁸ Народное слова. 24 августа 2019 года, N 174 (7373). видео селекторное совещание по вопросам развития системы народного образования, повышения квалификации педагогов и их авторитета в обществе, духовно-нравственного воспитания молодого поколения.

компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари янгидан ишлаб чиқилди, амалиётга тадбиқ қилинди.

Чет тил ўқув предметини ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган таълим, келажакда билимли, маънавиятли, салоҳиятли, эгаллаган билим ва малакаларни амалий қўллай оладиган компетентли шахс, когнезант, коммуникантни вояга етишига асосий омил бўла олади.

Компетенцияларга асосланган таълимни ташкил қилиш бўйича мамлакатимиз олимлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан салмоқли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ҳамда эришилган натижалар амалиётга тадбиқ қилинган. Қуйида таълимнинг турли босқичларида чет тил ўқитишига тегишли компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбиқ қилиш бўйича юртимиз олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлари хусусида мухокама қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг хукумат хужжатларида таянч компетенциялар коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий ҳамда математик саводхонлик, фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш ва бошқа компетенциялардан иборат [29; 5-б; 135]. Ушбу компетенцияларни амалиётга тадбиқ қилишда М.М. Ваҳобов томонидан, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимнинг умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларининг концептуал модели яратилган ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш таклиф қилинган [29; 7-8-б].

Й.М. Асадов томонидан физика ҳамда она тили умумтаълимий фанлар бўйича компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбиқ қилиш методологияси ишлаб чиқилган. Олимнинг тадқиқотларида “Компетенция” атамасига қўйидагича таърифлар умумлаштирилган. “Competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса “мусобақалашишга лаёқатлилик” маъносига эга. Илмий педагогик, психологик манбаларда берилishiча, компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўргина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Атаманинг моҳияти шунингдек, “самарадорлик”, “мослашувчанлик”, “ютуқлилик”, “муваффақиятлилик”, “тушунувчанлик”, “натижалилик”, “уқувлилик”, “хосса”, “хусусият”, “сифат”, “миқдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланган. [135; 8-б].

Н.Н. Нарзиева томонидан таянч компетенциялар асосида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўнималарини ташхислаш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи томонидан ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўнималарини шакллантиришга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини ривожлантириш юзасидан интерфаол машғулотлар ишланмалари, маҳсус тренинг дастурлари методикаси яратилган [71; 6-8-б].

О.В.Абдувалиева томонидан амалга оширилган тадқиқотда, 5-9 синфларда компьютер технологиялари асосида модаль феълларни ўқитиш методикаси такомиллаштирилган. Тадқиқотчи ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида тил компетенциясини ривожлантиришга эътибор қаратган [17; 11-13-б].

Г.С. Собирова томонидан 5-9 синфларга инглиз тилини ўқитишида тил компетенцияга тегишли олмошларни, ахборот технологиялари воситасида ўқитиш методикаси яратилди [88; 5-8-б].

Ғ.Ш. Тажибаев фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация иши орқали бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишида коммуникатив ёндашув методикасини такомиллаштириди. Тадқиқотчи асосий эътиборни бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитишида, ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни самарали шакллантириш методикасини яратди [92; 10-б].

У.У. Жуманазаров томонидан таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш амалга оширилган. Ушбу тадқиқот асосида лисоний манбаларга таяниб, семантик, стилистик ва функционал фразеологик компетенциялар аниқланган ҳамда дастурли таъминот ишлаб чиқилган [137; 8-б].

Д.А. Таджибаева немис тилини ўқитишида кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тил коммуникатив компетенциясини шакллантириш методикасини такомиллаштириди. Тадқиқотчи томонидан коммуникатив компетенцияга йўналтирилган машқлар тизими орқали, бошланғич синф ўқувчилари учун немис тилини самарали ўрганишга қаратилган «Mein erstes Sprachenportfolio» («Менинг биринчи тил портфолиом») ҳамда 1-синфи учун «Deutsch mit Spaß 1» ўқув-методик мажмуаси амалиётга жорий қилинган [93; 8-9 б].

Юқоридаги номлари зикр этилган олимлар амалга оширган тадқиқот ишлари натижалари, мамлакатимизда чет тилларни ўқитишида турли компетенцияларни самарали эгаллашга хизмат қилмоқда. Эндиғи эътиборни

хорижлик олимлар томонидан мұхокамага тортилған мавзу юзасидан амалға оширилған тадқиқтларга қаратамиз.

“Компетенция” атамаси тарихига назар ташлар эканмиз, үрганған хорижий адабиётларимизга таяниб, унинг илк бора Америка Құшма Штатлари Массачусетс университетида 20-асрнинг 60-70 йилларида Ноам Хомский томонидан тил назарияси ва трансформацион грамматикага оид назарий маълумотларни шакллантиришда вужудға келгандылығы гувоҳ бўлдик. Бу эса, тилшуносликка Ноам Хомский томонидан “тил компетенцияси” (*language competence*) атамаси орқали киритилган [26; 70-71-б]. Н.Хомский фикрича, “Компетенция – тилни қўллаш жараёнидаги фаолиятга йўналған билим, малака ва қўникмалар мажмуи”дир. Ўша даврда (1959-60 й.лар) Р.Уайт фаолиятида “Компетенция – инсон ҳаёти шахс мотивациясига (*motivation reconsidered the concept of competence*) асосланган яхлит концепция” сифатида таҳлил қилинган [36; 243-б]. Ғарбий Европада бу атама 1970-йилларда намоён бўла бошлади. Н.Хомскийнинг издошлари тилни потенциал билиш ва ҳақиқий тил эгасининг ўз тили ҳақидаги билим, яъни тил компетенцияси ҳамда ҳар қандай ҳолатларда тил қўникмаларини қўллаш, яъни тил фаоллиги тушунчаларини ўзлаштира бошлашди.

Н. Хомский, В. Хутмахер, Р. Уайт, Дж. Равен, Н.В. Кузьмина, А.К. Маркова, В.Н. Куницина, Г.Э. Белицкая, Л.И. Берестова, В.И. Байденко, А.В. Хоторской, Н.А. Гришанова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқтларига биноан, таълим тизимида компетенцияли ёндашув учта босқичга ажратилған [48; 7-9-б]. **Биринчи босқичда** – (1960-70 й.й) “Компетенция”, “Компетентлик” атамаларининг фарқини аниқлаш, Дел Хаймс томонидан хорижий тилларни ўқитиш жараёнида “Коммуникатив компетенция” яратилди. Унинг фикрича, бу жараён коммуникатив фаолиятни ифодалаб, асосий эътибор ўқувчида кундалик ҳаётга оид маълумотларни ўз нутқида ифода қила олиш малакасини шакллантиришни ўз ичига олади [146; 5-6-б]. **Иккинчи босқичда** – (1970-90 й.й) бирорта хорижий тилни эгаллаш, бошқарув, мулоқотга ўргатиш жараёнларида ижтимоий компетенция ва шахснинг компетентлиги вужудға келди, 1984 йилда Дж.Равен ўзининг “Замонавий жамиятда компетентлик” мавзусида тадқиқот юритди. Шунингдек, у 37 та турли компетенцияларни ишлаб чиқди ҳамда амалиётга тадбиқ қилишни таклиф қилди. Ушбу компетенциялардан “тайёргарлик”, “жавобгарлик”, “бирор нарсани қилишга қодир бўлиш”, “ўзига ишониш”, “эркин фикрлаш”, “танқидий тафаккур” кабилар йирик планда Дж.Равен издошлари ёш олимларнинг тадқиқот объектига айланиб, ўрганилди. **Учинчи**

босқичда – Европа кенгаши томонидан (1990 йил) стратегик, социал, социолингвистик, тил ва ўқув-когнетив компетенциялар ишлаб чиқилди. Сўнгра, Россиялик бир қанча Н.В.Кузьмин, И.А.Зимняя, А.К.Маркова, Л.А.Петровская, Л.М.Митино ва бошқа тадқиқотчилар турли компетенцияларни амалиётга татбиқ қилишди. Шунингдек, компетенцияли ёндашув асосидаги таълимнинг ривожланишида ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан бир қанча муҳим компетенциялар ўзига хос хусусиятга эга эканлигини белгилаб берди.

1996 йил 27-30 март кунлари Бернеда ўтказилган симпозиумда, Европа кенгаши томонидан таълим тизимини ислоҳ қилиш учун асосий компетенцияларни (Key competences) аниқлаш, самарали натижаларга эришишга имкон бериши муқаррар эканлиги алоҳида эътироф этилади. Н.Хомский издоши В.Хутмахернинг ўз маъruzасида “компетенция”ни англаш, ҳар қандай ўқув предметини ўрганишда “Нима эканлигини биламан” маъносини эмас балки, “Қандай қилишни биламан” маъносига эга деган фикрини симпозиум иштирокчилари бир овоздан маъқуллашган [123; 34-б].

Компетенция атамаси нафақат бирор масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган билим ва кўникмага эга бўлиш, балки муайян бир натижага олиб келувчи ҳаракат ҳақидаги маҳсус билимга ҳам эга бўлишни билдиради.

Педагогика фанининг ривожланиш босқичларида компетенция тушунчасининг пайдо бўлиши хусусида аниқ йиллар қайд этилмаган. “Компетенция” термини луғатларда турли маъноларда таржима қилинган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида компетенцияга шундай таъриф берилган: **Компетенция** – (лот. Compete – эришяпман, муносибман, лойиқман) [97; 357-358-б]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида, Компетенция – (лот. Competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1. Муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий хужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор – бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси [98; 129-б]. Ўзбекистон СССР фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг Русча–ўзбекча луғатнинг I-томида компетенция қўйидагicha таржима қилинган. 1) бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала. 2) ваколат, ҳуқуқ, ихтиёр. **Компетентнӣый, -ая, ое, -тен, -тна** – етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) Компетенцияга яъни ҳуқуққа эга бўлган; ваколатли; **Компетентность** эса чукур билимга эгалик; чукур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик [67; 223-б].

Академик И.А.Зимняя фикрича *Компетентлик* – инсоннинг ижтимоий-касбий ҳаёт фаолиятида билимга асосланган интеллектуал ва шахсий тажрибаси ҳамда таълим жараёнининг самарали натижаси [48; 8-6].

А.К. Маркова ўқувчининг *Компетентлиги* унинг билим ва кўникмалари, психологик позициялари, унинг шахсига оид хусусиятларни ўз ичига олади.

Е.И.Огорёв фикрича, *Компетентлик* – инсоннинг махсус фаолият обьекти сифатида тавсифланади. Мазкур тушунчанинг луғавий маъносига кўра, шахснинг ижодий қобилияtlари ривожланиши, малакали иш бажаришга, муаммоли вазиятлардан оқилона қарор қабул қилишга ва муаммони ижобий ҳал қилишни режалаштириш ва бажаришга имкон беради [16].

Дж. Равен фикрича, *Компетентлик* – ўз вазифаларига жавобгарликни тушуниб, соҳалар бўйича билим, кўникма, малакаларни эгаллашда мустақил ҳаракатларни самарали бажаришдир [37].

Н.С.Сахарова *Компетентлик* – компетенция тушунчасидан фарқ қилиб, бирор ҳаракатни бажариш, бирор масала юзасидан қарор қабул қилиш ёки бирор нарса ҳақида фикр юритишга имкон берувчи билим, кўникма ва ҳаётий тажрибага эга бўлишдир. У мазкур заҳиралар йиғиндисини қўйидагиларга ажратган [26]:

- бирор соҳа бўйича атроф-муҳит билан ижобий ҳаракат қилиш учун зарур бўлган малакалар билан боғлиқ, шахсга оид комплекс заҳира;
- ўз қасбига қадрият сифатида муносабатда бўлиш ёки шахснинг ўз қасбий фаолиятини сифатли амалга ошириш истагига эга бўлиш;
- бирорта мутахассиснинг муаммоларни мустақил ечишга имкон берувчи малакалари ёки унинг шахсий позицияларини белгилаш;
- мутахассиснинг фаолият соҳасидаги белгиланган меъёр ва стандартларга қўйилган талабларга мос келиши.

О.Н. Ярыгин таъбирича *Компетентлик* – белгиланган компетенция доирасида шахснинг мақсадга эришиш йўлида унинг билимлари, қобилияtlари ва субъектив хусусиятларини биргаликда йўналтирилган таъсири [21];

Ю.Г. Татур фикрича, *Компетентлик* – шахснинг бирор соҳада муваффақиятли фаолият олиб бориши учун ўз потенциали, яъни кучини (билим, кўникма, тажриба ва шахсга оид сифатлар) амалда қўллаши, қобилияти ва интилишини таърифловчи яхлит хусусият [81];

А.В. Хоторский фикрича, *Компетентлик* – таълимда, ўқувчиниг ўрганадиган барча фанлардан эгаллаган билимлари комплекси ва кўникмалардан ўзи англаган ҳолда фойдалана олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган тайёргарлик сифатининг яхлит тавсифидир [81]. А.В.Хоторский компетенцияли ёндашув ҳақида “Инсоннинг билимлари ва кўникмаларини конкрет ҳаётий вазиятда қўллай билишга тайёрлиги” деб, “Компетентлик” ўқувчининг шахсий билим ва кўникмалари қобилиятини бирор аниқ соҳада қўллай билиши деб таъриф берган [137; 73-б].

М.А.Кобзеванинг фикрича, “Компетенция – инсоннинг бирор аниқ фаолиятга қаратилган харакатларни бажаришга бўлган лаёқатини, қобилиятини аниқловчи сифат компонентларидан биридир. Бу инсоннинг жамиятдаги меҳнат фаолиятига қўйилган талаблар даражасидир” деб изоҳлайди.

И.А. Зимняя ҳам компетенциялар хусусида фикр юритар экан, у компетенцияларнинг таълим жараёнига тадбиқ қилинишида учта босқични ажратиб кўрсатади [48; 34-42-б]: *Биринчи босқич* (1960-1970 йиллар) – “Компетенция” терминининг илмий аппаратга киритилиши; тил ўргатиш назариясида коммуникатив компетенцияни тадқиқ қилиш; “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларини мазмун-моҳиятини бир-биридан ажрата билиш амалга оширилди. *Иккинчи босқич* (1970-1990 йиллар) – хорижий тил ўргатиш назарияси ва амалиётида “Компетенция” ва “Компетентлик” категорияларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. *Учинчи босқич* (1991-1999 йиллар) Европа Кенгашининг “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжатда (CEFR) кўрсатилган компетенцияларни Россия таълим тизимига киритиш амалга оширилди [49; 34-42-б].

Юқоридаги фикрлардан аён бўлади-ки, чет тил таълимида компетенцияларни ривожлантириш учун зарур тайёргарлик лозим. Бу эса таълим тизимида амалга оширилаётган инглиз тили базаси муҳитининг модернизациялашни таъминлайди.

Фикримизча, компетенцияларнинг ўқув жараёнида қандай муваффақият билан амалга оширилишини билмоқчи бўлсак, ўқувчиларнинг чет тилни билиш даражаси, уларни жамиятда ва халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топа олишларида ва келажакда бир нечта соҳаларда самарали фаолият олиб боришлигини инобатга олиш керак.

С.А. Демченкова чет тилларни самарали технологиялар асосида ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш ҳақида сўз юритиб, чет тил

ўкув предметини “компетенцияларни шакллантирувчи қобилиятга эга фан” деб таъкидлайди [36; 243-б].

А.А. Колесников компетенциялар ҳақида тўхталиб, унга фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган ақлий ҳаракатларнинг мантиқий давоми дея баҳо беради [62; 11-18-б].

Е.О. Иванова “Компетенциялар – жамиятдаги инсонларни фақат чукур билимга эга қилиб эмас, балки ўз билимларидан фойдалана оладиган қилиб тайёрлаш эҳтиёжининг акс этиши”, деб таъриф беради. Компетенциялар – инсоннинг онгли равишда ўз билим ва қўникмаларидан аниқ вазиятда фойдалана олиш қобилиятидир, деб давом эттиради [54; 71-78-б].

Биз юртимиз ва хориж олимларининг фикрларини ўрганиб чиқиб, Е.В.Долгихнинг “Компетенцияли ёндашув” ҳақидаги берган таъриф ва тавсифларига тўлиқ қўшиламиз. “Компетенциялар – ҳаётнинг ёки аниқ фаолиятнинг бирор жабҳасидир” деб таъриф беради. Компетенцияларнинг асл мазмун ва моҳиятини Е.В.Долгих, ўқувчилар “тайёр билим”ларни, яъни кимдир томонидан ўзлаштириш учун берилган билимларни қабул қилмай, “шу билимларни келиб чиқиш шароитларини таҳлил қилиб, ўрганадилар”.

Инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришнинг бир қанча омиллари мавжуд бўлиб, уларга тегишли хориж тажрибаси хусусида назарий таҳлиллар амалга оширилди. Хозирги пайтда турли соҳаларда фаолият юрита оладиган баркамол шахснинг шаклланиши муҳимдир. Глобаллашув жараёни шундай шахснинг қатор сифатларга эга бўлишини тақозо этмоқда: жавобгарлик, ижодий потенциал, ҳаётий вазиятларда конструктив ва компетентли ҳаракатлар қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиши ва бошқалар.

Юқорида қайд қилинган фикрларни умумлаштириб, тадқиқотда муҳокама қилинаётган мавзу юзасидан, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиши нуқтаи назаридан **компетенция тушунчасига шундай таъриф берилди:** Компетенция – бу 5-7 синф ўқувчисининг инглиз тилини ўрганиш жараёнида сўзларнинг маъносини тушуниб ҳамда онгли уқиб, инглиззабонларнинг фикрларини тўғри англаш орқали билим, малака ва қўникмаларни ўзида шакллантириш йифиндисидир.

Ўзбекистон шароитида ДТС таълим мазмунида белгиланган лингвистик (нутқий, тил), социолингвистик (ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олади), прагматик (ушбу компетенцияга дискурс сингдирилади) компетенциялар орқали чет тил ўргатилади. Юқоридаги белгиланган компетенцияларни қўйидаги жадвалда баён қилинган (1-жадвалга қаранг)

технологиялар ҳамда чет тил ўқитиши жараёнида эгалланадиган мұхим малакалар орқали ривожлантириш тадқиқот доирасыда умумлаштирилади.

1-жадвал

Компетенцияларни ривожлантиришда қўлланиладиган технологиялар ҳамда малакалар

Компетенцияларни ривожлантириш технологиялари	Компетенцияларни ривожлантириш орқали эгалланадиган умумий малакалар
Проект технология, ўқиш ҳамда ёзув орқали танқидий тафаккурни ривожлантириш, ўйин технологиялар, муаммоли вазиятларни ечиш, интерактив (жуфт, кичик гурухлар) ўқитиши технологияси, таълим мазмунига асосланган технология, модул технологияси, аудиолингвал ҳамда аудиовизуал технологиялар - “Define It, Drawing Dictation (Playful Pictures), Run to the Board, Memory Story, Board Race, Pictuanary Race, Lip Reading, Opinion/Running Dictations, Word by Word Story, Sleep and Wake Up”	Аутентик матнларни ўқиш ҳамда тушуниш, матнларни ўқиганда унинг асосий фоясини англаш, кундалик ҳаётга оид ситуатив вазиятларда коммуникацияни амалга ошириш, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларда диалогик ва монологик нуткни амалга ошириш, жаҳон маданияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш, таълимга оид мавзуларда янги маълумотлар олиш, ўқитувчи нутқини тушуна олиш, тинглаган маълумотни тўлиқ, батафсил тушуниш, шахсий хатларни ёзиш, ўрганган сўзларни нутқида ишлата олиш ва бошқалар.

Биз юқоридаги таҳлилларга таяниб, қўйидаги жадвалда (2-жадвалга қаранг) “компетенция”, “компетентлилик”, “компетенцияли ёндашув” тушунчаларига ўзимизнинг таърифларимизни бердик.

2-жадвал

Тадқиқотга оид компетенция, компетентлилик, компетенцияли ёндашувга берилган илмий таърифлар

Компетенция	Компетентлик	Компетенцияли ёндашув
Ўқувчининг интеллектуал қобилиятига, тафаккур қилиш малакасига ҳамда ахборот коммуникация технологиялари орқали эгаллаган малакаларига таяниб, инглиз тилида диалогга кириша олиш ҳамда фикр-мулоҳазаларини оғзаки ва ёзма нутқда ифодалай олиш қобилияти;	Ўқувчининг юқори синфларда когнитив эгаллаган малака ва кўникмаларига таяниб, билимини доимий актуализация қиласидан, келажакда ўз мамлакатини юксалтиришга хисса қўшадиган ҳамда умуммаданий малакали фуқаро бўлишни хис қиласидан коммуникант ва когнезант мақомига эга шахс;	Келажакда инглиз тилида мустақил мулоқот қилиш мақсадида, ўқувчининг фикрини эркин баён қилишга ва коммуникацияни амалга оширишга асос бўладиган лингвистик ҳамда социолингвистик компетенциялар уйғунлигидан ташкил топган мустақил кўникма ва малакаларга эга бўлиш мажмуюи

Юқоридаги жадвал асосида умумлаштирилган компетенция, компетентлик ҳамда компетенцияли ёндашувга тегишли таърифлар Ўзбекистон шароитида чет тилларни ўрганиш, ўқитишни самарали ташкил қилишда инобатга олинса мақсадга мувофиқ ҳамда ўкувчиларнинг ўкувбилиш қобилиятини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

1.2 Чет тил эгаллашнинг таянч даражасида инглиз тилини ўқитишнинг лингводидактик асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи банди “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га кўра, чет тиллар ҳамда бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чукурлаштирилган тарзда ўрганиш вазифаларидан келиб чиқиб ҳамда хукумат томонидан чет тилларни ўқитишни такомиллаштиришга оид қўшимча қарорлари умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш жараёнини ислоҳ қилишни тақозо қилди.

Бугунги кунда чет тил таълимида ҳам структур босқич репродуктивликдан когнитивликка қадам қўйилди. Бу дегани репродуктив инглиз тилини ўқитишда ўқитувчи кузатувчи, йўналтирувчи сифатида ўқувчи эса пассив эмас балки фаол субъект сифатида ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган асосий чет тил, инглиз тили бўлиб, айни кунда чет тил таълимининг асосий вазифаси ўкувчиларга фақат билим бериш эмас, балки бу билимлар орқали уларнинг коммуникатив малакасини оширишdir. Табиатдаги ёки жамиятдаги ҳар қандай обьект ўз даврига кўра ўзига хос алоҳида мақомига эга. Чет тилни эгаллашда ҳам шундай. Тил, ўрганилаётган хорижий тил, ижтимоий талабдан келиб чиқади ва умумқабул қилинган методологик қонунларга эга эмас. Фикримизча, чет тил ўқув предметининг дидактик-методик мақоми ер шарининг ҳар қандай нуқтасида амалдаги иқтисодий ва сиёсий тузумдан келиб чиқиб белгиланади. Ушбу ўқув предметининг таълим тизимидағи мақоми турли даврларда турлича талқин қилиб келинади. Бунда тил ва нутқ муаммолари назарда тутилган. Чунончи, ўлик тиллар ўрганиш предмети бўлган пайтларда асосан лисоний бирликларни ўзлаштириш орқали ўкувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Шу

муносабат билан қадимий қўлёзмаларни ўқиши ва уларни она тилига таржима қилиш билан машғул бўлишган.

Чет тил – бу хорижий мамлакат тили. Республикаизда Фарбий Европа (инглиз, немис, француз, испан тиллари), Шарқ (араб, турк, урду, форс, хинд тиллари), хитой ҳамда корейс тиллари ўқитилмоқда. Улар таълим муассасаларининг ўқув режаларидан ўрин олган. Тилларни ўқитиш жараёни турлича кечади. Биринчидан, она тилида тафаккур шакланади, ўзга тилларни ўрганиш, улардаги фонетика, лексика, грамматикага хос хусусиятларни хис этиш билан боғлиқдир. Иккинчидан, ўрганиш тартиби она тилидан бошланиб, ундан кейин иккинчи тил ва ниҳоят чет тилга ўтилади. Учинчидан, она тили ва иккинчи тил табиий вазиятларда, чет тил эса сунъий мухитда ўрганилади. Чет тилдаги мулоқот, асосан, дарсда муаллим раҳбарлигига кечади. Қайд этилган мұхокамадан аён бўладики, уччала тил орасида чет тилни ўрганиш/ўқитиш муайян жиҳатлари билан кескин фарқланади. Бу эса, ўз навбатида, тегишли чет тил ўқитиш технологияларини қўллашни тақозо этади [46; 4-б].

Ўқувчиларнинг тил тажрибасида фақат она тилидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар чет тил ўрганишда ас қотади деган тушунча мавжуд. Биринчи синфларда она тилида ёзув биринчи марта ўрганилиши муносабати билан, чет тилдаги ёзув малакаси 2-синфдан бошланади.

Зеро, 5-6 ва 7-синфларда чет тил ўқитиш масаласига бир оз кенгроқ тўхталиш зарурияти туғилади. 5-синф ўқувчилари чет тилни оғзаки нутқнинг илгарилаши принципига асосан, ўргана бошлашади. Бу дегани, ҳар қандай ўрганиладиган тил бирлиги (нутқ бирлиги) аввало тинглаб тушуниш ва гапиришда ўзлаштирилади, муайян вақт ўтгандан сўнг ёзма нутқда ҳам машқ қилинади. (оғзаки нутқнинг илгарилаши турли методик системалардан фарқ қиласи: интервал 3 соат бўлиши мумкин, 1 ой бўлиши мумкин ва ҳатто айрим чет эл методистларида масалан, Ҳарольд Палмер системасида 6 ойгача чўзилган. Палмер бу муддатни инкубацион давр деб юритган). Оғзаки ва ёзма нутқ орасидаги даврни белгилашда турли психологик омиллар рўкач қилиб кўрсатилган.

Юқорида таъкидланган илмий-методик ғоядан ташқари, айни дамда 5-7 синфлардаги чет тил ўқув предметининг ўрни маҳсус тушунтириш талаб қиласи. Биринчидан, CEFR бўйича тузилган узлуксиз таълим учун Давлат таълим стандарти ҳамда умумтаълим мактаблари инглиз, немис ва француз тили ўқув дастурида белгилаб қўйилганидек, 5-7 синфлар A2 – “Бўсаға олди босқичи” (Wastage level) ёки чет тил эгаллашнинг таянч даражасининг бошланғич босқичи ҳисобланади. Иккинчидан, 1–синфдан фақат оғзаки нутқ

компетенциясини шакллантиришга киришилар экан, асосан, тил ўйинли технологиялар асосида ўргатилади; 2-, 3- ва 4-синфларда эса, ушбу методик қоидага риоя қилиш давом этади ҳамда ёзувга ҳам эътибор қаратилади. Учинчидан, 5-7 синфларда оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ҳосил қилишга тенг вақт ажратилади, бироқ тинглаб тушуниш ва гапиришга етакчи амалий мақсад даражасида қаралади. Тўртинчидан, рецептив ва (ре)продуктив нутқни эгаллаш янги лисоний материални тақдим этиш тартибини белгилайди. Маълумки, лисоний бирликларнинг уч жиҳати ўрганилади: формал, семантик ва функционал томонлари. Агар рецептив нутқ масалан, ўқиши асосий амалий мақсад бўлган чоғда тил бирлигининг формал жиҳати биринчи навбатда ўрганилади. Ундан кейин семантика ва функционал жиҳатига ўтилади. Мабодо, репродуктив нутқ (гапириш, ёзув) машқ қилинаётган бўлса, функция бирламчи, сўнгра семантика ва форма ўрганилади. Бу дегани, фикр баён этишда мавзу ёки нутқий вазиятдан келиб чиқиб, маъно танланади ва унинг товуш ёки график шакли қўлланади. Янада аникроқ айтадиган бўлсак, бирон мавзуда оғзаки (гапириш) ёки ёзма шаклда (ёзувда) фикр юритиш машқ қилингандан мавзуга мос келадиган лексик бирликлар узоқ муддатли хотирадан танлаб олинади ва унинг товуш ёки график тимсоли нутқ жараёнида тақдим этилади. Айтилган фикрлар 5-6 синфларда бажариладиган нутқий машқларга бевосита тааллуқлидир.

Инглиз тилини ўқитиш умумий ўрта таълим мактабларида она тили ва иккинчи тил (рус тили)дан кескин фарқ қиласи. Чет тил ўқув предмети ўқитиш мазмуни нутқ мавзулари, кўникма, малакаларга қўйиладиган талаблар ҳамда тил материалларини инобатга олган тарзда ўқитилади. Ушбу методик ёндашув орқали муайян ўқитиш технологияларини яратишида, умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишнинг лингводидактик, лингвопсихологик ҳамда психолингвистик аспектларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Натижада, инглиз тилини A2 даражада ўрганувчилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ҳамда ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб интерактив инглиз тилини ўргатишга эришилади.

Жонли тиллар чет тил сифатида ўрганиш предметига айланган даврларда оғзаки нутқни ва қисман ўқиши машқ қилиш тавсия этилган. Ўтган асрнинг охирги чорагида чет тилни мулоқот воситаси сифатида ўргатиш-ўрганиш қонунлаштирилган. Бундай методик ёндашувга биноан, ўрганилаётган тил соҳибининг маданиятидан воқиф бўлиш таклифи ўртага қўйилди. Тадқиқотда, чет тил ўрганувчи тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини

дастур доирасида ўқиб ва тинглаб-тушунишга йўлланди. Унда лисоний минимумлар тилнинг лексикаси, грамматикаси ва талафзузи бўйича маҳсус лингводидактик принципларга асосланган ҳолда танланди ва ўрганилаётган тилдаги маданий стереотипларни синчиклаб танлаш ва улар орасидан ўқувчининг миллий қадриятларига мос келадиганларини дарслик ва қўлланмаларга киритиш мумкинлиги исботланди.

Европа мамлакатлари Германия, Франция, Португалия каби мамлакатларда юқори синфларда инглиз тилини ўқитишига алоҳида эътибор берилади. Хукумат раҳбарлари ўқувчиларга инглиз тилини самарали ўқитиши бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга оширади. Жумладан, умумевропа давлатларида ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида ижтимоий, коммуникатив, ижтимоий-ахборот, когнитив, умуммаданий ҳамда маҳсус компетенцияларни ривожлантиришига эътибор қаратилади [142; 57-58-б].

Чет тил ўқув предмети ахборот коммуникацион технологиялар билан бирга ҳамоҳанг ўргатилмоқда. Шу ерда янги тармоқ лингвотехнология – тил ўқитиши технологияси фанини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур фан ҳам чет тилни белгиланган талаблар асосида ўқитишида бекиёс хисса қўша оляпди деб бемалол айтиш мумкин.

Лингводидактика бу тил ўқитиши назарияси деб қаралса, лингвометодика эса, аниқ бир тил (инглиз, француз, немис)ни ўқитиши таълимоти сифатида фарқланади. Инглиз тилини ўқитишида ўқитувчи учун асосий қўрсатмалар лингводидактик тамойилларга биноан акс эттирилади. Мазкур тамойиллар қўйидагилардан иборат. Таълим шароити, таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим методлари, таълим воситалари ва бошқалар. Чунончи, ушбу мураккаб жараён ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига кечади. Н.Д. Гальсковонинг таъкидлашича, чет тил ўқитиши жараёни мураккаблиги, кўпқирралилиги ва кўп омиллиги билан бошқа ўқув фанларидан фарқ қиласи [32; 56-57-б].

Бугунги кунда халқаро миқёсда ҳар қандай чет тилни ўқитишида нимани ўргатишни ўйлаш талаб қилинади. Бу эса ўқитиши шароитига кўра танланади. Шароит тушунчаси психологик-типологик хусусиятни ўз ичига олади. Чет тилнинг қандай предмет эканлигини билиш учун унинг олдига қуйилган мақсади ва шароитлари ўрганилиши керак. Шароит ва мақсаднинг бир-бирига боғлиқлиги шундаки, шароит мақсаддан бирламчи бўлиб, мақсад ундан келиб чиқади. Лингводидактиканади тушунча бўлган шароит деганда нима тушунилади. Шароит деганда қўйидаги лингводидактик тушунчани инобатга оламиз. 1. Ўқув муассасаси тури: 2. Ўқувчининг психологик ёши. 3.

Ўқувчиларнинг тил тажрибаси. (билим кўникма, малака). 4. Тил ўрганишга ажратилган вақт [45; 4-10-б].

Юқоридаги тўрттаси умумтаълим мактабларида чет тил ўқитиши мақсадини белгилаб беради. Масалан, умумтаълим мактабигача бўлган босқичда асосий мақсад 2та бўлиб, тинглаб тушуниш ва гапириш малакасини ифодалайди. Барча таълим муассасаларида 4 та нутқ фаолияти турларини ўргатиш мақсад қилиб олинади. Компетенциявий ёндашув асосида амалга оширилган таълимнинг якуний натижасида ўқувчилар ўзаро инглиз тилида ахборот алмашишга ўрганиши керак. Масалан, 6-синфлардаги "Teen's English" дарслик мажмуаси спорт мавзуси ҳақида гапиришни олайлик. Шу ерда яқдиллик мавжуд эмас. Коммуникант ёки реципиент ўқувчи, нутқни содир этганда ёки идрок этган пайтда нутқий компетенцияни намоён этади, уни амалга оширишда кичик бўлган грамматик, лексик, талаффуз ва имловий компетенцияларни ўзлаштирган бўлсагина коммуникант мақомига эриша олади. Коммуникатив мақсад эркин нутқ фаолияти юритишни ифодалайди. Глобаллашув замонамизда инглиз тилини ўргатишнинг умумий мақсади, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришга хисса қўшишдан иборат. Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўрганиш/ўқитиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу жараёнда муқобил ўқитиши усувларини қўллаш тақозо этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида чет тил ўқитиши мазмуни Зта таркибдан ташкил топади: 1. Нутқ мавзулари; 2. Кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар; 3. Тил материали. Ушбу учлик таълим муассасасида ўқув предметига ажратилган соатлар миқдорига боғлиқ.

Г.Э.Пифонинг таъкидлашича, таълим мазмуни шундай мураккаб жараён бўлиб, дидактика “*nima*” (эгалланган билимлар ҳажмидан), “*nima учун*” (ўқувчи учун ўрганадиган ўқув предмети нуқтаи назаридан), “*нега*” (таълим жараёнида ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб танланади), “*қачон*” (таълим шароитига биноан, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари инобатга олинади), “*қандай қилиб*” (олган билимларни амалиётда қўллай олиш малакасига эга бўлиши керак) каби мураккаб саволларга жавоб бериши керак.

Лингводидактик атама деб эътироф этилган юқорида баён қилинган шароит тушунчасига қайтсак, таълим мазмунига таяниб, қаерда, кимга ва қанча вақт инглиз тилини ўргатиш билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди. Янада аниқроқ айтилганда, (1) *Қаерда?* саволига (А) Умумтаълим муассасаси 5-7 синфларда; (Б) Чет тил нутқий муҳит мавжуд ва мавжуд бўлмаган ерда

ўргатиш: (2) *Кимга* деганда, умумтаълим мактабларида 11–13 ёшдаги ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиш; (3) *Қанча вақт* деганда, ўқув дастурига мувофиқ 5-7 синфларда ҳафтасига 3 соатдан ва йиллик (хар бир синфда) 102 дарс соатлари миқдорида, интенсив (жадаллаштирилган қисқа муддатли) ёки экстенсив (вақт эътибори билан чўзилган) шароитда таълим бериш каби тушунчалар назарда тутилади.

Бир нечта тилларни ўрганиш жараёнида ҳар бир шахсда муайян тил тажрибаси ҳосил бўлади. Мазкур терминни лингводидактик жиҳатдан таҳлил қиласак, бунда ўқувчининг тил тажрибаси объектив борлиқ ҳақидаги билимларни билишидан ва тил заҳирасининг лексика, грамматика, талаффуз каби воситаларини билишдан иборат. Тил тажрибаси дастлаб ўқувчида, она тилини ўрганиш мобайнида шакланади. Умумий ўрта таълим мактабларида учта тил – она тили, рус тили ва бирорта чет тил ўқитилади. 5-7 синф ўқувчиларининг тил тажрибаси бошланғич синфларда йифилган билим, малака ва қўнималар мажмуи бўлиб, унинг ҳажми, қўлланиш қўлами ва ўзаро боғлиқлик масалалари методиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи доирасига киради. Чет тил ўргатиш методикасида ўқувчиларнинг тил тажрибаси чет тилни ўрганишда ғов бўлиши (салбий таъсир – **интерференция**) ёки ёрдам бериши (ижобий таъсир – **транспозиция**) кузатилади [46; 14-6]. Мазкур жараён ўта мураккаб бўлиб, унинг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ. *Биринчидан*, инглиз тилини ўқитишида нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни яхлит ва изчилликда ўргатиш; *Иккинчидан*, Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, лингвистик (нутқий, тил), соцолингвистик, прагматик компетенцияларни изчилликда ривожлантириш; *Учинчидан*, фанлар интеграция (ўкув фанларнинг ўзаро алоқадорлиги)ни инобатга олиш; *Тўртинчидан*, нутқ фаолияти турлари ва шакллари (оғзаки ва ёзма) орасидаги боғлиқликни таъминлаш; *Бешинчидан*, ўқувчиларни мустақил таълимга йўналтириш ва бошқалардан иборат. 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларга ғов бўлаётган интерференцион қийинчиликлар ходисалари хусусида учинчи бобда батафсил фикрлар юритилади.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзларини ўраб турган теварак-атроф ҳақида ўрганиш билан бир қаторда Ўзбекистон ва тили ўрганиладиган мамлакатларнинг географияси, тарихи, адабиёти ва санъати ҳақида ўрганадилар. Бу эса, инглиз тилини ўрганиш жараёнида бошқа фанлар билан алоқадорликни таъминлайди. Бу фанларга она тили ва рус тилидан ташқари адабиёт, тарих ва география киради. Бу фанлардан олган билимлар,

инглиз тилини ўрганишда қўшимча материал бўлибгина қолмасдан, балки ўқувчиларнинг мазкур фанлар бўйича олган билимларини янада кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Чет тил ўқитиш методикаси соҳаси лингводидакт олимлари чет тил ўқитиш мазмунини турлича тавсифлашган. И.Д.Салистра, чет тил ўқитиш мазмунига тил материалидан ташқари, ўқувчи томонидан эгалланган малака ва қўникмаларни киритган. И.Л.Бим ўқитиш мазмуни ва ўқув предмети мазмунини алоҳида таърифлайди. Унинг фикрича ўқитиш мазмуни бу ўқиш ва ўқитиш жараёнини белгилайди. Ўқитиш мазмуни орқали белгиланган мақсадга тезроқ эришиш учун лингвистик материални методик томондан ташкил қилиш зарур [24; 111-б]. Умумтаълим мактабида чет тил ўқув предметининг мазмуни эса белгиланган мақсад учун танланган ва аниқ ташкил қилинган ўқув материалидир.

Юқорида қайд этилганидек, умумий ўрта таълим мактабларида чет тил ўқув предметининг асосий вазифалардан бири ўқувчиларда лингвистик, социолингвистик ҳамда прагматик компетенцияларни ривожлантириш билан белгиланади. Жумладан, турли соҳа ва тил вакилларининг маданиятлараро диалогида иштирок эта олишга тайёрлаш масаласи мазкур тадқиқотда устивор тарзда қаралади. Чет тил ўргатиш жараёни амалий, умумтаълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий мақсадлар узвийлигини таъминлаган ҳолда давлат таълим стандартлари талаблари асосида уйғунлашади. Кўйилган мақсад ва вазифалар таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган. Инглиз тилини умумтаълим мактабида етарли даражада мустаҳкам ва барқарор ўзлаштирилиши, кейинги синфларда янада мукаммал ўрганиш муваффақиятини таъминлайди.

Маълумки, таълим мазмуни таълимга оид маҳсус дастурларда белгиланади. Давлат таълим дастурлари эса давлат хужжати бўлиб, ўқувчиларнинг ҳар бир синфи тугаллаш натижасида эгаллаши керак бўлган билим ва малакалар мажмуини белгилайди. Чет тил ўқув предметига тегишли Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари таълимнинг самарадорлигини белгилаб, чет тилларни мукаммал эгаллаган келажак авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшади. Дастурий талабларга биноан, умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш иккита босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич CEFRнинг A1 “Куртаклаш босқичи” (Survival level) даражаси I-IV синфларда

шакллантирилади. Иккинчи босқич А2 “Бўсаға олди босқичи” (Wastage level) V-IX синфларда шакллантирилади [7; 23-6].

Чет тил бўйича таълим мазмунини ташкил қилган “Мавзулар”, чет тил ўқитиш мазмунининг муҳим таркибий қисми саналади ҳамда чет тил ўқитиш методикасидаги тўртта мақсадларга асосланиб танланади. Таълим мазмунида мавзулар билан билан бир қаторда компетенциявий ёндашув ҳам инобатга олинади. Улар қуидагилар: лингвистик компетенция – нутқий (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) ва тил (графика ва орфография, фонетик, лексик, грамматик); социолингвистик ва прагматик компетенцияларни шакллантириш қайд қилинган.

Чет тили бўйича А2 ва А2+ дараҷа учун таълим мазмуни мавзулар ва қуидаги компетенциялар бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутади:

Мавзулар – кундалик ҳаётга оид мавзулар (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо); Ижтимоий ҳаётга оид мавзулар (атроф-муҳит билан ижтимоий алоқалар); Таълимга оид мавзулар (мактаб, ўқиш ва ўқитиш, мактабдаги фанлар ва ҳоказо); Маданиятга оид мавзулар (Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, маданияти ва географияси).

Лингвистик (нутқий) компетенция тўртта нутқ фаолияти турлари орқали ривожлантирилади. Ушбу компетенция турида ўқувчилар қуидаги малакаларга эга бўладилар: **Тинглаб тушуниш бўйича** дарсга оид кўрсатмалар ва ўқитувчи нутқи, ҳикоялар, об-ҳаво маълумотлари, эълонлар, ТВ ва радио дастурлар, ўрганилаётган тил соҳибининг тасмага ёзилган нутқи (қўшиқлар, шеърлар, диалоглар ва бошқалар)ни тинглаш малакасига эга бўлади. Ушбу нутқ фаолияти турида ўқувчилар асосан, тушуниш учун тинглаш, тўлиқ батафсил тушуниш учун тинглаш, муайян масалалар ёки маълумотлар учун тинглаш каби малакаларни ўзлаштирадилар. **Гапириш бўйича** ўқувчилар *диалогик нутқда* – расмий ва норасмий саломлашиш, ўзини таништириш, рози бўлиш ва рад этиш, гапни такрорлаш ва аниқлаштиришни илтимос қилиш, маълумот олиш ва бериш, табриклиш, таклиф этиш ва таклифни қабул қилиш/рад этиш малакаларига; **монолог нутқда** – воқеа ёки тажрибани содда баён қилиш, қисқа ҳикояни гапириб бериш, ёшига мос мавзуда содда ва қисқа тақдимот қилиш, ўрганилаётган чет тил материали асосида қисқа ҳисбот бериш каби сўзлашув малакаларига эга бўладилар. **Ўқиш бўйича** ўқувчилар ўрганилган ва ўрганилаётган тил материалидан ташкил топган қисқа матнларни ўқиш, таркибида маъносини тахмин қила олиш мумкин бўлган баъзи янги сўзлардан иборат бадиий ва

медиа матнларни ўқиши, қисқа хабарлардан иборат содда хатларни ўқиши, дарсдан бўш вақтларида содда хикоялар ва шеърларни ўқиши билан шуғулланадилар. Шунингдек, нутқ фаолиятининг мазкур турида инглиз тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиши (белгилар, ёрлиқлар ва ҳоказо) қаби билим, кўникма ва малакалар ривожлантирилади. Ёзув бўйича шахсий хатлар (қисқа хабарлар, табриклар, эслатмалар, хатлар ва ҳоказолар)ни ёзиши, содда анкеталарни шахсий маълумот билан тўлдириш қаби малакаларни ўзлаштирадилар.

Тил компетенцияси бўйича ўқувчилар Графика ва орфография Пунктуация ва орфография қоидаларини ўрганишни такомиллаштириш, *Фонетик компетенцияга* оид товушларни гапда ва якка ҳолда тинглагандага фарқлай олиш, коммуникатив вазиятларда гапнинг коммуникатив турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гап)га мос равишда ритм ва интонациядан тўғри фойдаланиш, тил товушларини, гапириш кўникмасини ривожлантириш билан бирга нутқда ишлатишни машқ қилиш, *Лексик компетенцияга* тегишли мавзуга оид сўзларни оддий матнда тўғри ишлата олиш, сўз тузилиши (қўшма сўзлар ва аффиксация), бошқа тиллардан кириб келган сўзлар (байнаминал сўзлар) хақида илк тушунчаларни шакллантириш ҳамда *Грамматик компетенция* бўйича сўз туркумлари, синтаксиснинг асосий қоидалари, феълнинг ҳозирги, ўтган ва келаси замон шакллари, аниқ ва мажхул нисбат ва бошқаларни ўрганадилар.

Социолингвистик компетенция бўйича ўқувчилар Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари маданияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади ҳамда баъзи масалаларнинг тилга боғлиқлигини англайди. Масалан, саломлашиш одати, мурожаат шакллари, хушмуомаликнинг асосий меъёрлари ва ҳоказо, ижтимоий вазиятларда имо-ишоранинг аҳамияти ва бошқалар.

Прагматик компетенция бўйича ўқувчилар таниш вазиятларда керакли тил воситаларини танлаш, оддий вазиятларда оғзаки ва ёзма нутқда фикрларни узвий ифода эта олиш малакаларини эгаллайдилар [7; 10-12-б.].

Тадқиқот обьекти сифатида белгиланган синфлар дарслик мажмуналарида қўйидаги асосий мавзулар орқали инглиз тили ўргатилилади:

5-синфлар “New Fly high 5” ўқувчи китоби жами 13 та бўлим, ҳар бир бўлимга тегишли 5 та кичик мавзулардан иборат. Бўлимлар қўйидагича номланган. *Unit 1. All about me*, *Unit 2. At home and at work*, *Unit 3. What do you look like*, *Unit 4. My school life*, *Unit 5. I like English do you?*, *Unit*

6. In the classroom” “Unit 7. My day”, “Unit 8. Things I like”, “Unit 9. Furry friends”, “Unit 10. Wildlife”, “Unit 11. Seasons”, “Unit 12. What’s the weather like?”, “Unit 13. Spring holidays”.

6-синфлар “Teens’ English 6” жами 13 та бўлим, ҳар бир бўлимга тегишли 5 та кичик мавзулар ҳамда ҳар бўлимда проект иши вазифаси мавжуд. Бўлимлар қуидагича номланган. *“Unit 1. Work and family. Unit 2. Houses and homes. Unit 3. At the grocery. Unit 4. At the market. Unit 5. Birthday. Unit 6. Life in the past. Unit 7. Cooking. Unit 8. At the table. Unit 9. Round the world in 14 days. Unit 10. Geography and pollution. Unit 11. Nature and climate. Unit 12. The world of fairy tales. Unit 13. Learning Review.* Мазкур бўлимдаги мавзуларда ўқувчиларнинг лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенцияларни эгаллашларини инобатга олиб, амалий машқлар бажарилади. Мазкур машқларда нутқ фаолиятини комплекс эгаллашга оид ёзма, оғзаки ва проект иши вазифалари маҳсус бажарилади. Ушбу машқлар чет тил таълимини самарали ташкил қилишга ёрдам беради. Фикримизча, дарслик материалларида бажариладиган амалий машқлар миқдори кам берилган. 5-6 синфларга мўлжалланган мавзуларга оид аксарият материаллар мультимедиал ўқув ресурсда акс этган. Методик талабларга биноан, амалий машқлар асосан дарслик материалларида бажарилиши мақсадга мувофиқ. Электрон ўқув ресурслардаги операцион машқларда эса, нутқ малакалари мустаҳкамланиши лозим. Ушбу синфларда дарсликнинг ҳар бир кичик мавзусида “Listen and the sing” машқи берилган. Бу ерда ўқитувчи мультимедиал иловадан фойдаланади. Ўқувчиларга биринчи синфлардан инглиз тилини ўргатишда айнан ашуладардан фойдалиб келинган. Амалга оширилган тажриба-синон ишларида ўқувчиларнинг доимий ашула қуйлаш билан банд қилиниши уларни зерикишга сабабчи бўлганлиги кузатилди. Шунингдек, юқорида қайд қилинган дарслик намуналарида осондан қийинга қараб бориш принципига амал қилинмаган. Электрон ўқув ресурслардаги ўқув материаллар ҳам ўқувчилар учун содда яратилган. Уларни такомиллаштиририш зарурати мавжуд эканлиги эксперимент жараёнларида аён бўлди ва бунга ҳаракат қилинди.

7-синфлар “Teens’ English 7” ўқувчи китобида 10 та бўлим, ҳар бир бўлимга тегишли 7 та кичик мавзулар ҳамда “Home reading” уйда ўқиш учун матнлар мавжуд. Бўлимлар қуидагича номланган. *“Unit 1. Where we live. Unit 2. I don’t feel well. Unit 3. Sports. Unit 4. Olympic games. Unit 5. What we wear. Unit 6. Shopping. Unit 7. Leisure. Unit 8. Geography. Unit 9. Travelling. Unit 10. Holidays, Holidays!*

5-6 синфларда амалий мақсад тинглаб тушуниш ва гапиришни қамраб олади. Демак, тинглаб тушуниш ва оғзаки нутқ амалий мақсад бўлар экан, ўрганилмиш янги лисоний бирликлар, дарслик мавзуларида, ўқитувчи нутқида ифодаланади ёки мултимедиал ўқув ресурсларда тақдим қилинади. Сўнгра ўқувчилар оғзаки нутқида ҳам етарлича машқ қилинади.

Умумий ўрта таълим босқичидан чет тил (инглиз, немис ва француз тиллари)ларни ўқитишни самарали ташкил қилиш, таълимнинг кейинги босқичларида чет тилни мукаммал ўрганишга асос бўлади. Шунинг учун, ушбу босқичда, чет тил ўргатиш жараёнини самарали ташкил қилиш тўғри ва муқобил ўқитиш усулларини танлаш муҳим. Дастрлаб, ушбу жараённи муваффақиятли ташкил қилишда қуидаги саволларга жавоб топиш мақсадга мувофиқ. Қандай мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчиларда интерференция кузатилади? Дастрлик материаллари, танланган тарқатма материаллар, дарс ишланмалари орқали ўқувчилар ўзларига таниш вазиятларда тил воситаларини танлай оладиларми? Ўқувчилар инглиз тилини ўрганиш жараёнида хушмуомалаликнинг асосий меъёрларини ўргана олишяпдими? Ўқувчилар тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти хақида умумий тасаввурларга эга бўла олишмоқдами?

Чет тил ўқув предметига оид яратилган бугунги кундаги дарсликлар, дастурлар айнан коммуникатив компетенцияни шакллантиришга қаратилганлиги билан катта эътиборга лойиқ. Айни дамда ҳар бир фуқаро ҳар қандай хорижий тилни эркин ўрганиш ихтиёрига эга. Психологик тадқиқотларга кўра, соғлом фикрли ўқувчи бир вақтнинг ўзида иккита, учта ва кўплаб хорижий тилни ўрганиш имкониятига эга. Бироқ, хорижий тилни эгаллаш даражаси, ўқувчининг интеллектуал салоҳияти ва кундалик ҳаётда уни қўллаш шароитига қараб турлича кечади. Шу нуқтаи назардан, чет тилда коммуникацияни амалга ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу жараёнда нутқ, инсон бош мияси фаолиятини бошқаради. Бунда биринчи ва иккинчи сигнал системалари фаолият кўрсатади. Биринчи сигнал системаси кўриш, эшитиш хид ва таъм билиш орқали мавжуд нарсаларни англашга ёрдам беради. Иккинчи сигнал системаси эса тил белгилари орқали воқеликни умумлаштириш асосида шаклланади. Биринчи сигнал системаси, иккинчи сигнал системасидан бирмунча устун туради. Бу эса, ўқувчиларда мантиқий хотирадан кўра кўрсатмали ва ҳаракатли хотира муҳим аҳамиятга эга эканлигига намоён бўлади. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчилари мавхум тушунчалар, грамматик қоидалар билан берилган материалларга

қараганда, яққол материаллар, воқеа-ходисаларни, образларни тезда эслаб қоладилар ва узоқ муддат эсда сақлаб қоладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янгиланаётган Ўзбекистон ренессанси учун мавжуд дарсликлар методик таъминотининг мукаммаллаштириш, ўқитувчилар педагогик компетентлигини ривожлантириш ҳамда ўқувчиларда инглиз тилини ўқитишида содир бўладиган интерференция ҳодисаларини бартараф қилиш лозим. Мазкур долзарблиқ, замон талабларига мос, интеллектуал битиувчиларни тайёрлаш билан ислоҳ қилиниши лозим. Хусусан, мавжуд шароитдан келиб чиқиб, ўқувчилар учун хорижий тилни эгаллашнинг релевант технологияларини, рецептив, репродуктив машқлар системасини такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларда транспозиция ҳодисаси кузатилиши учун мотивацияни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай чет тилни ўргатишида асосий эътиборни хорижий тил воситасида маданиятга оид маълумотларни инобатга олиш лозим. Буларга ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги анъаналар, турмуш тарзи, жамиятда инсонларнинг яшаш тарзи, ўзга мамлакатлар тарихи, иқтисоди ва ютуқларини ифодаловчи барча меъёрий маълумотларни ўзлаштириш киради.

Хуллас, инглиз тилини ўргатишини халқаро таълим стандартлариға мувофиқ ташкил қилиш, шакллантириш, ривожлантириш лозим. Шунингдек, узвийлик ва изчиллик, илмийлик, ҳаёт билан алоқадорлик, фанлар интеграцияси, муаммолилик, янгилик, кўргазмалилик, нутқий равонлик, ижобий натижа олишга қаратилганлик ва бошқа дидактик принципларга амал қилинса, (асосий методик принциплар) ўқувчиларда лингвистик компетенцияга таяниб, социолингвистик компетенция бўйича эгаллаган малака ва кўникмалари тизимли ривожланиши мұқаррар.

Умумтаълим муассасаларида чет тил ўқув предметининг айни дамда ўқитилишига оид юқоридаги маълумотларни эътиборга олиб, ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштиришга тегишли қуйидагиларни хulosа қилиш мумкин. *Биринчидан*, чет тил машғулотида маданий когнезант шахсини шакллантириш умумий эътиборга олинади. Фикримизча, маданиятлараро интерференция ва маданиятлараро чет тил ва она тили интерференциясини тадқиқ этиш даври келди. *Иккинчидан*, чет тилни амалий эгаллашда маҳсус қоидалар мажмуини яратиш талаб этилмайди, бироқ зарурият жоиз бўлган ҳолда, бошқача айтганда, чет тил ҳодисасини ўзлаштириш қийинчилик туғдирадиган пайтда алгоритмик қоидалардан воз кечиш мумкин эмас. *Учинчидан*, тегишли таълим шароитига мослаштирилган қўшимча маҳсус

ўқув-методик мажмуалар яратилиши, чет тил ўқитишиңи янада юқори поғонага күтаришга хизмат қиласы. *Тұрттынчидан*, жағонда рақамли когнитив технологиялари ривожланиб бораётган бир вақтда, мамлакатимизда ўрганиладиган хорижий тилни ўқитишида дарсликтар ягона манба бўлиб қолмаслиги учун, рақамли технологиялардан фойдаланиш методикасини оммалаштириш мақсадга мувофик.

Татқиқот иши учун белгиланган яна бир вазифа ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантириш принципларини белгилаш ҳамда умумлаштиришдан иборат.

1.3. Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида назарий ёндашув ва компетенцияларни ривожлантириш принциплари

Таҳминий маълумотларга қараганда дунёнинг учдан бир аҳолиси (60%) инглиз тилида сўзлашни ўзлаштирган. Айни дамда инглиз тили нафақат инглиззабон халқларга тегишли тил бўлиб қолмасдан, балки мулоқот воситасида барча элат ва миллатлар тилига айланди. Британиялик олим Пенни Ур фикрича, инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар З та турга ажратилади. “**Inner Circle**” – инглиз тилини она тили сифатида сўзлашувчи мамлакатлар (Буюк Британия, Америка, Канада, Жанубий Африка, Австралия), “**Outer Circle**” – инглиз тили, иккинчи расмий тил сифатида қабул қилинган давлатлар (Нидерландия, Дания, Швеция, Норвегия, Финландия, Сингапур, Люксембург, Австрия, Германия, Польша), “**Expanding Circle**” – инглиз тилини чет тил сифатида ўрганувчи ва сўзлашувчи барча мамлакатлар [131; 47-б]. (**1-илюва**)

Инглиз тилини ўқитишида принциплар ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш қоидалари бўлиб, узлуксиз таълим босқичларида чет тилларни муваффақиятли эгаллаш гаровидир. Чет тил ўқитиши методикасида принциплар тамал тоши Е.И. Пассов (1965-70 йиллар) томонидан қўйилган, бироқ ушбу давргача Я.А.Каменский томонидан таклиф қилинган умумдидактик принципларга таянилган. Умумий ўрта таълим босқичида ҳам инглиз тилини ўқитишида бир нечта принципларга таянилади. Инглиз тилини ўқитишида лингвистик, дидактик-педагогик, психологик-психолингвистик ҳамда соғ методик принциплар мавжуд. Ушбу принциплар бири-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, қўйилган ўқув-методик мақсадга эришишда дастурул амал вазифасини бажаради ҳамда чет тил ўқув жараёнида қўлланиладиган методлар, усуллар принципларнинг вазифасига қараб танланади ва татбиқ қилинади. Улар қуйида муҳокама қилинади.

Лингвистик принциплар юртимиз олимлари Ж.Ж.Жалолов, Г.Т.Маҳкамова, Ў.Хошимов, Л.Т.Аҳмедова ва бошқалар томонидан чет тил таълимига тадбиқ қилинган. Хорижлик Л.В.Щерба, Г.Е.Ведель, А.Н.Леонтьев, А.А.Миролюбов, В.А.Бухбиндер, С.К.Фоломкина, Е.И.Пассов, А.А.Шакирова, В.Л.Скалкин, Л.Фриман, С.Торнбери, Д.Кристал каби методистлар мазкур принцип устида салмоқли тадқиқотлар олиб боришган. Улар қуида умумий тавсиф қилинди:

1. Она тили тажрибасини ҳисобга олиш (Р.К.Минъяр-Белоручев фикрича, умумий методик принципга ҳам киритиш мумкин);
2. Тизимлилик. (Баъзи олимлар дидактик принцип деб ҳисоблашган) Оғзаки нутқ ва тил материалларини ўқитиш коммуникатив мақсадда ташкил қилинади, грамматик бирликлар лексик усуллар орқали таништирилади;
3. Концентризм. Ўқув материали осондан қийинга, мустаҳкамлашдан янгига ўтиш орқали такрорлаб кенгайтириб борилишини назарда тутади;
4. Функционаллик. Тил материали таълим мазмунига биноан тадбиқ қилинади. Грамматик материал коммуникатив тарзда ўргатилади. Мазкур принцип чет тил ўқитиш мақсадларига кўра белгиланади;
5. Минимизациялаш ёки чегаралаш. Нутқ фаолияти турлари чет тил эгаллаш даражасига биноан, чегаралаб берилади;
6. Актив (барча нутқ фаолияти турларида қўллашда ўргатиладиган тил материали) тил материаллари устида ишлашни назарда тутади;
7. Пассив (тинглаб тушуниш ва ўқиш нутқ фаолияти турида қўлланилиши ўргатиладиган тил материаллари) тил материаллари устида ишлашдан иборат;
8. Стилистик дифференциация. Турли нутқ намуналари (илмий, бадиий, оммабоп, расмий)нинг ўзига хос жиҳатларини иносбатга олиш орқали чет тил ўргатилади;
9. Маданиятлараро ҳамкорликни инбатга олиш;
10. Онглилик.

Дидактик-педагогик принципларнинг чет тил ўқитиш методикасига тадбиқи Ж.Жалолов Ў.Хошимов, И.Ёқубов, Т.Қ.Сатторов, Л.Т.Аҳмедова ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Мазкур принциплар хорижлик олимлар Я.А.Каменский, Л.С.Выготский Л.В.Щерба, И.В.Рахманов, А.С.Шкляева, Г.Е.Ведель, И.Л.Бим, А.Н.Леонтьев, Р.К.Минъяр-Белоручев, Е.И.Пассов, И.А. Зимняя, Н.Д.Гальского, Н.И.Гез, Ю.К.Бабанский, А.В.Хоторский, С.Торнбери, Г.Веллс кабилар томонидан узоқ йиллик

тадқиқотлар натижасида аниқланган ҳамда таълим жараёнига киритилган. Булар қуидагилар:

1. Ўқув материални ҳаёт билан боғлаш;
2. Ўқитувчи қўмагида ўқувчининг онглилиги ва фаоллиги;
3. Тушунарлилик ва соддалик;
4. Амалиёт ва назариянинг боғлиқлиги ёки илмийлик;
5. Ўқув материалларни тушунарли қилиб етказиб бериш;
6. Кўргазмалилик;
7. Малакаларни мустаҳкам эгаллаш;
8. Фанлар билан алоқадорлик;
9. Ўқув жараёнида ўқувчининг фаол ҳаракатлантириш устунлиги;
10. Пухта ўзлаштириш;
11. Продуктивлик;
12. Мобиллик (оперативлик) ёки фаоллик;
13. Индивидуал ёндашиш;
14. Осон-қийинлик ёки ўқувчилар кучига мослик;
15. Маданиятларнинг ўзаро таъсири;
16. Қарорлар қабул қилишга ўргатиш ёки умумий дунёқарашни ривожлантириш;
17. Мазмун ва топшириқقا биноан муқобил метод ва воситалардан фойдаланиш ва қўллаш;
18. Таълим бериш учун керакли шароитни танлаш;
19. Эстетик руҳда тарбиялаш;
20. Жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш;
21. Таълим бериш орқали тарбиялаш;

Юқорида таҳлил қилинган лингвистик ҳамда дидактик-педагогик принципларга таяниб, **тадқиқот иши доирасида асосий қуидаги лингводидактик принциплар аниқланди** ҳамда тажриба-синов ишлари амалга оширилган худудлардаги умумтаълим муассасаларида инглиз тилини самарали ўқитишида ўқувчиларда лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш жараёни учун маҳсус белгиланди:

1. Ўқув материални ҳаёт билан боғлаш принципи. Янги Зеландиялик лингвист олим Скот Торнберининг “Кундалик ҳаёт элементлари дарсга киритилиши ҳамда дарс мазмуни кундалик ҳаётга монанд бўлиши керак” мазмунли методик ғоясига таянилди. Мазкур принцип асосан ўқувчиларда нутқий ҳамда социолингвистик компетенцияни ривожлантиришда қўлланилди.

2. Проксимал ривожланиш (энг яқин ривожланиш) принципи. Инглиз тилини үқитишида нутқий малакалар хосил қилиш жараёнида инобатга олинди.

3. Жуфт ҳамда гурұх бўлиб вазифалар бажариш. Горден Веллс тадқиқотларида ушбу принцип юқори синфларда инглиз тилини үқитишида мухим эканлиги қайд этилган. Унинг фикрича, “Агарда инсонлар ҳамкорликда фаолият юритсалар, бошқаларга ёрдам бера оладилар ҳамда бошқаларнинг фаолиятга қўшган ҳиссаси ёрдамида ўргана оладилар. Мазкур принцип нутқий компетенция таркибидаги гапириш нутқ фаолияти турига оид диалогок, монологик нутқни самарали эгаллашда қўлланилди.

4. Фикрлашга (танқидий) ўргатиш;
5. Ўрганиладиган мавзуни таҳмин қилиш;
6. Соғлом турмуш тарзини ўқувчилар кундалик ҳаётига табиқ қилиш;
7. Самимий, хушмуомала бўлишга ўргатиш;
8. Ўқувчилар эгаллаган билимларни осондан қийинга қаратиш;
9. Касблар ҳақида умумий маълумот бериш ҳамда касбга йўналтириш;
10. Онлайн таълимни самарали ташкил қилиш.

Психологик принциплар юртимиз олимларидан Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Сатторов, Ў.Хошимов, И.Ёкубов, Б.Р.Саматова ва бошқалар томонидан узлуксиз таълим жараёнларига табиқ қилинган. Хорижлик олимлар Л.С.Выготский, Г.Е.Ведель, Р.К.Минъяр-Белоручев, М.Д.Берлиц, В.А.Артемов, К.Б.Есипович, А.Г.Кавалев, Т.А.Козлова, А.И.Сурыгин, Ж.Пиаже ва бошқалар томонидан психологик-психолингвистик принциплар ишлаб чиқилган. Ушбу принциплар қуидагилар:

1. Ўқувчининг ижодкорлиги;
2. Вербализация (оғзаки нутқ устида ишлаш орқали ўргатиш);
3. Корреляция (нутқ малакаларини эгаллаш учун тил бирликлари маҳсус танланади. Нутқ мавзуларига таяниб инглиз тили үқитилади);
4. Инглиз тилини үрганишида мотивация (қизиқиш, мойиллик);
5. Ички мотивация ва мен принципи;
6. Нутқ малакаларини босқичма-босқич шакллантириш;
7. Ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олиш (шахсий, субъектив, индивидуал);
8. Атаптация жараёнини инобатга олиш;
9. Дарс жараёнида ўқитувчи пассив индивидга айланиши, ўқувчиларни эса фаол субъектга айлантириш;

Юқоридаги принципларга таяниб, тадқиқот иши доирасида қуидаги психологияк-психолингвистик принциплар аниқлаштирилди:

1. Ўқувчининг ижобий эмоционал характер хусусиятлариға таяниб руҳлантириш, рағбатлантириш;
2. Ўқувчининг автоном (инглиз тилини нимага ўрганаётганлигини тушунади, ўз зыммасидаги масъулиятни тушунади, ўрганганларини тақрорлай олади ва қандай даражада ўрганганлигини баҳолай олади) хусусиятларни ривожлантириш;
3. Ўқувчининг ёш хусусиятлариға мувофиқ ўқитиш усулларини танлаш;
4. Ўқувчиларнинг тили ўрганилаётган мамлакатлардаги тенгдошлари ҳаётидаги мавжуд эмоционал муаммоларни қандай енгишларини ўргатиш;
5. Ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишлирини ривожлантириш;
6. Ўқувчиларнинг шахсий ва индивидуал қизиқишлирини инобатга олиш;
7. Ўқувчиларнинг ўзига ишониш қобилиятыни ривожлантириш;
8. Диққатни жалб қилиш;

Методик принциплар умумий, хусусий, маҳсус принципларга ажратилади. Ушбу принциплар юртимиз етакчи олимлари Ж.Ж.Жалолов, Г.Т.Маҳкамова, Т.Қ.Сатторов, Л.Т.Аҳмедова, М.Джусупов, В.И.Нормуродова каби ва бир қанча ёш олимлар томонидан чет тил ўқитиш методикасига киритилган. Хусусан, хорижлик Л.В.Щерба, Г.Пальмер, Р.К.Минъяр-Белоручев, Н.Д.Гальского, Н.И.Гез, В.Л.Скалкин, М.Б.Ляховицкий, А.Н.Шамов, Е.И.Пассов, С.Ричардс ва Рожерс, С.Торнбери, У.Пенни, Л.Фриман, Р.Акбари каби олимлар томонидан методик принциплар мукаммал ўрганилган ҳамда оммалаштирилган.

Умумий методик принциплар – коммуникативлилик, машқлар устуворлиги/бажариш, ўқув материалини чегаралаб ёки яхлит ўргатиш, машғулотларда аввал ўргатилган ва ўрганиладиган ўқув материални тақрорлаш, узлуксизликни таъминлаш кабилардан иборат. **Хусусий методик принциплар** – табиий талаффузга яқинлашиш (апроксимация), моделлар орқали ўргатиш, интегратив ёндашув асосида ўргатиш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, жадаллаштириш/тезлаштиришдан фойдаланиш, когнитив малакалилик, тил бирликларини автоматизациялаш кабилардан ташкил топади. **Маҳсус методик принциплар** – нутқ фаолияти турлари ва тил материаллари устида ишлаш, оғзаки нутқнинг илгарилаши, ўқувчиларнинг нутқий ва фикрлаш қобилиятыни рағбатлантириш, мутахассисликлар доирасида инглиз тилини ўргатиш ва бошқалардан таркиб топган.

Биз методик принципларни умумлаштиришда ва аниқлаштиришда 5-7 синф ўқувчилариға инглиз тилини ўқитишида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришни назарда тутдик:

1. Инглиз тилини ўқитишида билиш психик жараёнлар (сезгилар, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, дикқат)ни инобатта олиш;
2. Коммуникатив-когнитив методика асосида машқлар бажариш;
3. Ижтимоий-маданий фонга мувофиқ аутентик матнлардан фойдаланиш;
4. Коммуникатив вазифаларни қамраб олган нутқий машқлардан фойдаланиш;
5. Ҳаётий вазиятларда тилнинг номинатив, коммуникатив, қумулятив функциясидан синхрон фойдалана олишга йўналтириш;
6. Ўқувчиларга глобал инглиз тили мақомида инглиз тилини ўқитишига эришиш;
7. Ўқувчиларга ҳар бир бўлимни бошлишдан олдин қисқача нималар ҳақида ўрганишларини батафсил тушунтириш;
8. Оғзаки нутқнинг илгарилаши;
9. Маданиятлараро когнезантни ҳамда коммуникантни шакллантириш;
10. Инглиз тили ўргатишига қўйиладиган замонавий талабларни инобатта олиш.

Айни дамда жаҳонда юз берадиган пандемик вазият чет тил ўқитишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мамлакатимизда мавжуд шароитни инобатта олиб, чет тил ўқув предметини масофавий тарзда самарали ташкил қилиш бўйича қуидаги дидактик (3-жадвалга қаранг) принциплар аниқланди:

3-жадвал

Онлайн таълимни ташкил қилиш бўйича белгиланган лингводидактик принциплар

Онлайн таълимни ташкил қилиш бўйича белгиланган дидактик принциплар

1. Конитив технологияларидан фойдаланиб ўқитиши;
2. Топширикларни овозларни ёзиш орқали бажариш;
3. Дўстлар фаоллиги орқали ўрганиш;
4. Қичқа видео ва презентациялар орқали кўргазмалилик;
5. Яхши ўқитиши мухим;
6. Ўқувчиларнинг ёшига мос аутентик матнлардан фойдаланиш;
7. Ўзга мамлакатлар маданиятини ўргатувчи маданий стереотипларнинг мувофиқларидан фойдаланиш;
8. Мультимедиали ўқув материалларидан фойдаланиш;
9. Ҳатоларни тузатиш;
10. Топширикларни бажаришда ўқувчиларни руҳлантириш;

Тадқиқот доирасида умумтаълим муассасаларида 5-7 синфларга инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилувчи белгиланган ва аниқлаштирилган принциплар умумий жадвал (4-жадвалга қаранг) кўринишида баён қилинади.

4-жадвал

5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш принциплари

5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантириш принциплари		
Дидактик принциплар	Психологик принциплар	Методик принциплар
<p>1. Ўқув материални хаёт билан боғлаш;</p> <p>2. Проксимал ривожланиш;</p> <p>3. Жуфт ҳамда гурӯҳ бўлиб ишлаш;</p> <p>4. Фикрлашга (танқидий) ўргатиш;</p> <p>5. Ўрганиладиган мавзуни таҳмин қилиш (Predicting the topic);</p> <p>6. Соғлом турмуш тарзини ўқувчилар кундалик ҳаётига татбиқ қилиш;</p> <p>7. Самимий, хушмуомала бўлишга ўргатиш;</p> <p>8. Ўқувчилар эгаллаган билимларни осондан қийинга қаратиш;</p> <p>9. Касблар ҳақида умумий маълумот бериш ҳамда касбга йўналтириш;</p> <p>10. Онлайн таълимни самарали ташкил қилиш.</p>	<p>1. Ўқувчининг ижобий эмоционал характер хусусиятларига таяниб руҳлантириш, рағбатлантириш</p> <p>2. Автоном хусусиятларни ривожлантириш;</p> <p>3. Ёш хусусиятларига муқобил ўқитиши усулларини танлаш;</p> <p>4. Тили ўрганилаётган мамлакатлардаги тенгдошлар ҳаётида эмоционал муаммоларни қандай енгишларини ўрганиш;</p> <p>5. Инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишлиарни ривожлантириш;</p> <p>6. Шахсий ва индивидуал қизиқишлиарни инобатга олиш;</p> <p>7. Ўқувчиларнинг ўзига ишониш қобилиятини ривожлантириш;</p> <p>8. Диққатни жалб қилиш.</p>	<p>1. Психик жараёнларни инобатга олиш;</p> <p>2. Коммуникатив-когнитив методика асосида машқлар бажариш;</p> <p>3. Ижтимоий-маданий фонга мувофиқ аутентик матнлардан фойдаланиш;</p> <p>4. Коммуникатив вазифаларни камраб олган нутқий машқлардан фойдаланиш;</p> <p>5. Ҳаётий вазиятларда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдалана олишга йўналтириш;</p> <p>6. Ўқувчиларга глобал инглиз тили мақомида инглиз тилини ўқитишига эришиш;</p> <p>7. Бўлимларда ўрганиладиган когнитив ўқув материалларини умумий тушунтириш;</p> <p>8. Маданиятларо когнезантни ҳамда коммуникантни шакллантириш;</p> <p>9. Оғзаки нутқнинг илгарилаши;</p> <p>10. Инглиз тили ўргатишга қўйиладиган замонавий талабларни инобатга олиш.</p>

Тадқиқотда асосий эътибор компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ёки юқори синфларда инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришга оид бўлганлиги учун, 5-7 синф ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида ривожлантириш назарда тутилган компетенциялар тавсифи хусусида назариялар ишлаб чиқилди.

Лингвистик компетенция нутқий, тил компетенциялардан иборат бўлиб, Ноам Хомский томонидан асос солинган. Унинг фикрича, лингвистик компетенция – акустик тизим орқали тилдаги жумлаларни тушуниш, грамматик жумлаларни грамматика иштирок этмаган жумлалар билан фарқлашни ҳамда бошқа самарали лингвистик амаллар бажариш тизимини ўз ичига олади. Мазкур компетенциянинг чет тил ўқитишидаги ўрни хусусида кўплаб татқиқотлар турли даврларда А.А.Миролюбов, А.Н. Щукин, В.В.Сафанова, Е.М. Верещагин, В.Г Костомарова, Д. Слобин, С. Муаран, С. Савиньон, Л.Ф.Бахман, Г.В. Колшанский, Ян Ван Эк каби хорижий олимлар томонидан амалга оширилган. 80-90 йилларда Россиялик А.Л. Бердичевский чет тилларни ўқитиши учун лингвистик, лингвомаданий ҳамда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш лозим деган ғояни илгари сурди. И.А.Зимняя психолингвистик компетенция хусусида батафсил тадқиқотлар олиб борди. И.Л. Бим лингвистик компетенция негизида матн ўқиш ва яратиш хорижий тилни эгаллаш воситаси деб ҳисоблайди.

Евropa Кенгашининг “Чет тил эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиши, баҳолаш” (CEFR) тўғрисидаги умумэтироф этилган монографияда “Лингвистик компетенция – коммуникатив компетенция негизидаги тилнинг назарий фундаментидир. Лингвистик компетенция таркибида эгзистенциал компетенция (шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг характер хусусиятлари, қарашлари, интроверт ёки экстроверт) ажратилади. Шунингдек, у чет тилни самарали эгаллашни ҳамда ушбу жараёнда ижобий натижа олишни назарда тутади [94; 111-112-б]. Хусусан, мазкур компетенция хорижий тил амалиётидаги нутқ фаолияти турлари ҳамда фонетик, лексик (синтактик, стилистик), грамматик билимларни назарда тутади. Ушбу компетенция таркибига кундалик ҳаётга, теварак атрофга оид мавзулар орқали тинглаб–тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ҳамда фонетика, лексика, грамматикага тегишли малакаларга оид билимларни келажакда қўллай олиш киради. Нутқий, тил компетенциялари негизида эгалланган билим ва малакалар, ўқувчиларнинг амалий вазиятларда инглиз тилини мустақил қўллай олишга асос бўлади. Ўқувчиларга лингвистик

компетенция негизида берилган билим ва малакалар оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга қаратиласди.

Лингвистик компетенцияни ривожлантиришда бир қанча муҳим вазифаларни амалга ошириш тавсия қилинади. *Биринчидан*, ўқувчиларнинг ички нутқини актуализация қилиш ва фойдаланиш тавсия қилинади. Зеро, ўқувчиларнинг ички нутқи инглиз тилини самарали ўрганишга ҳамда маданиятлараро диалогда эркин иштирок эта олишни таъминлай олади. *Иккинчидан*, ўқувчиларнинг эгаллаган лексик бойлиги эркин ва равон инглиз тилида мулоқотни амалга оширишга асос бўлади ҳамда инглиззабонлар нутқида грамматик қоидалар қандай акс этганлигини англаш, тўғри жумлаларда инглиз тилида гапира олишни ва эркин коммуникацияга эриша олишни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, инглиз тилини ўқитиш мақсадларига таяниб, дарслик материалларида нутқ фаолияти турлари ҳамда тил бирликлари устида ишлашга оид амалий машқларни кўпайтириш керак. Мулоқот чоғида ўқувчиларга грамматик қоидаларни эслатиб қўйиш жоиз, бироқ, грамматик қоидаларни тушунтиришни ва уларни мустаҳкамлашга қўп вақт, маблағ, диққат сарфланмаслиги мақсадга мувофиқ. Зарур ҳолларда алгоритмик қоидалар қўлланилиши тавсия қилинади. Натижада ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганиш жараёнида эгаллаган билим ва малакалари, амалий вазиятларда инглиз тилини эркин қўллай олишга асос бўлади.

Социолингвистик тадқиқотлар билан шуғулланган хорижий тадқиқотчилар социолингвистиканинг асосий вазифаси жамият ҳамда хорижий тил орасидаги боғлиқликларни ўрганиш, у ёки бу тил соҳиби ижтимоий гуруҳига мансуб тил воситалари, умумқабул қилинган ноанъанавий тил меъёрлари ҳамда тилнинг жамиятда қўлланилиш мақомини инобатга олишни назарда тутади. Хорижлик тадқиқотчи олимлар томонидан аниқланган **социолингвистик компетенциянинг** чет тил ўқитиш жараёнидаги ўзига хос аҳамияти, уни ривожлантириш малакалари қуйидаги (5 жадвалга қаранг) жадвалда акс эттириласди.

**Хорижий экспертылар томонидан амалга оширилган
социолингвистик компетенцияни ривожлантириш малакалари**

№	И.Ф.О.	социолингвистик компетенция таркиби ҳамда эгалланадиган малакалар
1	О.Е.Ломакина (2003)	Ижтимоий муносабатлар – хушмуомалалик қоидалари, халқ ижоди дурданалари, диалект ҳамда акцент, узр сўраш, реалиялардан нутқда фойдалана олиш қобилияти ҳамда мавжуд тил соҳиби нутқий этикети қоидаларидан фойдалана олиш маданияти
2	Н.Д. Гальскова, Н.И. Гез (2005)	Миллий ва ижтимоий муҳитда тил соҳиби билан вербал ва новербал коммуникацияни амалга оширишга оид билим ва малакалар мажмуи:
3	Е.Н. Соловова (2006)	Продуциент сифатида тил соҳиби маданиятини ўрганиш орқали идиомали бирикмаларни қўллай олиш, сўзларнинг семантик хусусиятларини билиш ҳамда мулоқотдошлар билан сухбат жараёнида уларни қандай қўлланилиш хусусиятларни инобатга олиш қобилияти
4	Ж.Ван Экк	Керакли лисоний бирликларни танлашда коммуникацияни қаерда, ким билан амалга оширилиши ҳамда коммуникантлар орасидаги ижтимоий мунобатларни инобатга олиш
5	М.Свайн	Ўкувчининг эгаллаган билим, малакаларига таяниб, мулоқот чоғида қаерда сўзлаш ва сўзламаслик мумкинлигини ўзи аниқлай олиш қобилияти
6	Ж.Холмес	Мулоқот жараёнида тил соҳиби яшаётган жамиятдаги мавжуд ижтимоий қоидаларни инобатга олиш қобилияти
7	М.Байран	Коммуникацияни амалга оширишда тил соҳиби биладиган ва хабардор бўлган умумий қоидаларга риоя қилган тарзда мулоқотни амалга ошириш қобилияти

Юқоридаги маълумотларга таяниб ҳамда тадқиқот ишида амалга оширилган кузатувлар асосида социолингвистик компетенцияга қуйидагича таъриф умумлаштирилади. **Социолингвистик компетенция** – коммуникантнинг шахсий хислатлари, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини, ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган ҳар бир халқ, миллат вакилларининг ўзига хос барқарорлашган урф-одатлари, расм-русумлари билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини назарда тутади. Шахснинг инглиззабонлар билан унинг қайси миллат, элат, этник, диний ёки маданий муҳитга тегишли эканлигини хис

этган тарзда коммуникацияни амалга оширишга доир билим, кўникма ва малакалари мажмуи мазкур компетенцияни ташкил қиласди. Дарслик ўкув материалларида ушбу компетенция қуидаги машқлар системасига сингдирилиши таклиф қилинади: ўкувчиларда инглиз тили материаллари асосида олган билимларини амалиётга татбик қилиш кўникмасини шакллантирадиган машқлар ҳамда малакани шакллантиришга йўналтирилган машқлар. Яъни социомаданий стереотиплар билан уйғунлашган аниқ мулоқот вазиятларида билим ва кўникмаларни ифодалай олиш малакаси ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ.

Прагматик компетенция – сўзловчи/ўкувчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва ҳохиш истагидан келиб чиқиб, суҳбат учун ёки гапириш учун керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш қобилияти. Прагматик компетенция чет тил таълимида ўкувчиларни коммуникатив вазиятларда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда сўзловчидан такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олишда намоён бўлади. Хусусан, мазкур компетенция коммуникатив фаолиятда нутқ мақсадидан (ошкора ёки яширин) келиб чиқиб, аниқ нутқий вазиятлар – савол сўраш, буйруқ бериш, маслаҳат, ваъда бериш, хайрлашиш, табрик билдириш, шикоят қилиш ва бошқа вазиятларда керакли нутқ намуналаридан оқилона фойдаланиб, коммуникантнинг фикрини ифодалай олишни назарда тутади. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўқитишида прагматик билимлар ўкувчининг қундалик ҳаётга оид вазиятлар билан бевосита боғланган тарзда берилади. Ўкувчининг айнан эгаллаган нутқий вазиятни тўғри холис баҳолай олишга тегишли тайёргарлик даражаси прагматик компетенция дейилади. Прагматика термини юонча сўздан олинган бўлиб, “иш ҳаракат, фаолият, амалиёт” маъноларини англатади. Мазкур компетенцияни ривожлантириш бўйича хорижда илгор тадқиқотлар амалга оширилган. Россиялик Ю.Д. Апресян, Н.Д. Арутюнова, Г.В. Колшанскийлар, хорижий олимлар С.Мойранд, Д.Х. Хаймс, Л.Ф.Бачман, А.С.Палмер, Ж.Д.Бравн, Жакуб Л.Мей, Ж.Ричардс тадқиқотларини мисол қилиш мумкин. Ўзбекистон шароитида мазкур компетенцияни ривожлантиришга оид илмий, амалий, фундаментал тадқиқотлар ўз тадқиқотларчиларини кутмоқда.

A2 даражада таълим мазмунига биноан ўкувчилар ўзларига таниш вазиятларда керакли тил воситаларини танлашни ҳамда оғзаки ва ёзма нутқда фикрларни узвий ифода эта олиш малакаларини ўзлаштириш билан шуғулланади. Бу жараёнда ҳар бир инглиз тилини ўрганаётган ўкувчи,

муайян коммуникатив вазиятда ўз мақсадига кўра кўплаб нутқ намуналаридан айнан ўзига маъқул бўлганларини танлаш малакасига эга бўлади. Натижада, ўқувчи когнезант мақомига эришиш билан бир вақтда, коммуникатив вазиятларда асосий грамматик ва синтактик гап тузилмаларини қўллай олиш тажрибасига эга бўлади.

Ўқувчилар кундалик ҳаётга оид мавзуларда фикрларни баён этишда, керакли тил воситаларини танлаш, мактаб ҳаётига оид мавзуларда фикрларни ёзма ва оғзаки баён этиш, сухбат жараёнида тушунмаган жумлаларни қайта сўраш, узр сўраш, маданиятга оид мавзуларда фикрларини бир-бирига боғлаш каби малакаларга эга бўлишлари керак. Хусусан, юқоридаги мавзуларда инглиззабон тенгдошлар қандай фикр баён қилишларини ҳам ўрганиб таққослаган ҳолда монологик ва диалогик нутқни амалга оширишга киришиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда ўқувчига асосан, самимилик билан тингловчини ўзаро тушунган ҳолда коммуникацияни амалга оширишга ўргатиш керак. Ушбу компетенцияда лисоний бирликларнинг синтактик (оғзаки ва ёзма нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши), семантик (лексик иборалардан фойдаланиш қобилияти), прагматик (лугавий ибораларни мулоқот жараёнида тўғри қўллай олиш малакаси) турлари ажратилади.

Чет тилга оид Давлат таълим стандартида дискурс компетенция прагматик компетенция таркибига сингдирилган [7]. **Дискурс компетенция** – оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутади. Демак, ўқувчи оғзаки ва ёзма дискурсда фикрларини бир-бирига боғлаган ҳолда коммуникацияга мустақил эриша олишни қўзда тутади. Шунингдек, турли контекстларда ўзбекзабон, инглиззабон халқлар айнан турли вазиятларда турлика коммуникацияни амалга ошириш малакаларини ушбу компетенцияни ривожлантириш орқали ўрганади. Коммуникация иштирокчилари ўз фикрларини ифодалашда самимий бўлиш, юз чеҳраси ҳаракатларини ижобий ёки салбий ифодалаш малакаларини ўзлаштирадилар.

Дел Хаймс томонидан коммуникатив компетенция таклиф қилингач, Америкалий лингвист Леонард Нюмарк (Leonard Newmark) инглиз тилини ўқитишида грамматик ходиса ва лексик бирликларни ўргатишга асосий эътибор қаратиш, ўқувчининг келажакда инглиз тилида коммуникацияни амалга оширишга эришолмаслигини, шу сабабли тилни ўргатишида бирор бир вазифаларга асосланган ёндашувни (*Task based approach*) (диалоглар, ўқитувчига тақлид қилиш, ролли ўйинлар, инглиз тилида гапиришни машқ

қилиш) қўллашни таклиф қилади. Унинг таъкидлашича, инглиз тили муаллимларининг асосий вазифаси, ўқувчиларнинг нимани хоҳлашларини айта олишларини билишдан иборат [119].

Пид Кордер таъбирича, инглиз тилини ўргатиш ёки ўқитиш худди бирор бир мусиқа асбобини чалиш ёки бирор бир спорт тури билан шуғуланиш каби малакаларни эгаллаш билан баробар [129; 5-б].

Юқоридаги фикрларга таяниб, бугунги кунда инглиз тилини ўргатиш инсонларнинг амалий эгалланмаган тилга хукмрон бўлганларидан кўра, тил орқали нимани хоҳлашларини ифодалашлари муҳимроқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, коммуникатив компетенция негизида инглиз тилини ўргатишда 2 та муҳим жиҳатни инобатга олиш зарур. *Биринчидан*, ўқитувчи томонидан атрофимиздаги олам синф ҳонасига киритилиши, *иккинчидан*, дарс жараёнида ўрганилган билимлар инглиз тилидаги нутқда кундалик ҳаётга оид контекстда қўлланиши керак. Бу жараёнда коммуникатив–когнитив ёндашувни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Унинг амалий ва назарий аҳамияти қисқача умумлаштирилди (**2-илова**).

БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Татқиқот ишининг биринчи бобида компетенция, компетентлилик, компетенцияли ёндашув тушунчалари хусусида юртимиз ҳамда хориж олимлари ва тадқиқотчилар тажрибалари ўрганилди, умумлаштирилди. Мазкур тушунчаларга тадқиқотчи томонидан таърифлар берилди. Ушбу таърифлар бугунги кунда чет тил таълимида компетенцияларга тегишли малакаларни аниқлашга хизмат қилди. Хусусан, юқори синфларда инглиз тилини ўқитиш бўйича назариялар таҳлил қилинди, умумлаштирилди. Инглиз тили нафақат инглиззабонлар тили сифатида ўргатилмасдан балки барча инглиз тилида сўзлашувчи халқлар ва элатларга тегишли тил эканлиги инобатга олиш муҳокама қилинди. Тадқиқотда 5-7 синфлар яъни 11-13 ёшли ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиш объект қилиб танланганлиги сабаблари муҳокама қилинди. Шунингдек, 5-7 синфлар учун яратилган ўқув методик таъминотни такомиллаштириш мақсадида, амалдаги чет тил бўйича A2 – “Бўсаға олди босқичи” (Wastage level) ёки чет тил эгаллашнинг таянч даражаси учун давлат таълим стандарти ҳамда битирувчилар малакаларига қўйиладиган талаблар ҳамда мавзулар таҳлил қилинди.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида амалдаги инглиз тилини ўқитиши ҳолати, соҳа юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорлари, ҳал қилинадиган вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишига мўлжалланган “New Fly High 5”, “Teens’ English 6”, “Teens’ English 7” дарслик мажмуалари бўлимлари, кичик мавзулари таҳлил қилинди. Умумий ўрта таълим мактабларида чет тил ўқитиши мазмунининг Зта таркиби – нутқ мавзулари, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар ҳамда тил материали муҳокама қилинди. Жумладан, чет тил бўйича узлуксиз таълим учун Давлат таълим стандартида баён қилинган компетенциялар назарий муҳокама қилинди.

3. Чет тил ўқитиши самарали ташкил қилиш учун бир нечта принципларга таянилади. Ушбу принциплар – лингвистик, дидактико-педагогик, психологик-психолингвистик ҳамда соф методикларга ажратилади. Ушбу турдаги принциплар мавжуд назарияларга биноан умумлаштирилди, тавсифланди. Хусусан, 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида лингвистик компетенциялар негизида нутқий, тил ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича дидактико-педагогик, психологик ҳамда соф методик принциплар белгиланди, аниқлаштирилди. Айни кунда чет тил ўқитиши самарали ташкил қилиш учун, хусусан, 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида онлайн таълимни ташкил қилиш учун ҳам маҳсус принциплар аниқланди.

4. 5-7 синфларда амалдаги инглиз тилини ўқитиши лингводидактик, лингвометодик, лингвотехнологик тил ўқитиши назарияларининг психологик-типологик хусусиятлари таҳлил қилинди. Шунингдек, умумтаълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишининг лингводидактик мақоми аниқланди. Хусусан, лингвистик, социолингвистик ҳамда прагматик компетенцияларга тадқиқотчининг таърифлари берилди, умумлаштирилди.

П БОБ. 5-7 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида коммуникатив-когнитив ҳамда коммуникатив-кумулятив метод тадқиқи

Жаҳон цивилизацияси тарихида шахс тафаккури шаклланадиган она тилидан ташқари хорижий тилларни ўрганиш кенг тадбиқ қилинган. Зеро, халқлар орасида турли муносабатларни ўрнатиш, дастлаб уларни тилларини билишни тақозо қилади.

Чет тил жаҳон тажрибасидан маълумки, турли даврларда турли хил методлардан фойдаланган ҳолда ўргатилган. Батафсил муҳокама қилинса, XIX асрнинг тўртинчи ҳамда XX асрнинг биринчи чорагигача чет тил таржима методи орқали ўргатилган. Европа чет тил ўқитиши методикасининг реформаси бўлгандан сўнг тўғри (direct) метод ишлаб чиқилди. Шу даврдан бошлаб, ҳар қандай чет тилда нутқ фаолияти ўргатила бошланди. Бунинг натижасида кўплаб янги методлар тавсия этилди. Замонавийлаштирилган онгли – қиёсий методдан Россия кенг фойдаланилган. Кейинчалик аудиолингвал метод АҚШ мутахассислари томонидан оммалаштирилди, аудиовизуал метод Францияда кенг тадбиқ қилинди. Ўтган асрнинг 80–йилларидан бошлаб Европада, янада аниқроғи Буюк Британияда хозирги пайтда оммалашган коммуникатив методлар инглиззабон мамлакатлар мутахассислари ва бошқалар томонидан кенг қўлланилмоқда. Амалий тилшунослар Жак С. Ричардс ҳамда Теодор С.Роджерс, Раман Акбари фикрлари бўйича айни дамда инглиз тили ўқитиши учун методлардан кейинги давр (The Post-Methods Pedagogy Era) келгангини эътироф этишади [126; 245-246-б:], [133].

Қўлланилган методлар кетма-кетлиги қўйидаги (6-жадвалга қаранг) жадвал асосида тавсифланади.

6-жадвал

Чет тил ўқитишида қўлланилган методлар тавсифи

№	Метод тавсифи	Метод воситасида эгалланган малакалар
1	<i>Грамматика-таржима ёки классик метод (GT/CM).</i> XX аср бошларида пайдо бўлди. Мазкур методдан ўқувчиларга ўқиш нутқ фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда чет тил адабиётини қадрлашга ёрдам бериш мақсадида қўлланилган. Натижада ўқувчилар ўз она тили грамматикасини самарали	Ўқувчилар адабий китоблардан ёки инглиз тилида ўқиганларини таржима қилган. Коммуникацияни амалга ошириш имконияти етарли бўлмаган, бироқ, амалий бош мақсад ўқиш, ёзувга қаратилган, гапириш ва тинглаб тушунишга кам эътибор берилган, талаффузни ўргатишга кам эътибор қаратилган. Ўқувчилар учун ўқитувчи муҳим аҳамиятга эга. Инглиз тилида ўрганган сўзларнинг эквивалентларини

№	Метод тавсифи	Метод воситасида эгалланган малакалар
	ўзлаштирган. Тил материали дедуктив (аввал қоида берилади, сүнга мисоллар билан тушунтирилади) йўл орқали ўргатилган.	она тили иштироқида аниқлаш имконияти берилган. Инглиз тилида грамматик бирликлар муваффақиятли ўзлаштирилган.
2	<i>Tўғри, индуктив ёки табиий метод (D/I/N.M).</i> Чет тил ўқитишида коммуникатив мақсадларда кўп йиллар давомида қўлланилган, ягона қоидаси буткул она тилидан воз кечилган. Тарқатма материаллар ҳамда иллюстрациялардан фойдаланилган. Грамматик минимум индуктив (олдин нутқда ифодаланади, сўнgra қоида тушунтирилади) усулда ўргатилган.	Ўқиши, гапириш ҳамда тинглаб тушуниш комплекс ўқитилган. Конкрект лисоний бирликларни ўргатиш расмлар, демонстратив буюмлар орқали амалга оширилган. Она тилидан фойдаланмасдан, тил материали демонстрация қилинган. Талаффузни ўргатишга кенг эътибор қаратилган. Ёзувни ривожлантириш алоҳида инобатга олинган. Ўрганилаётган тил сохиблари яшаш тарзи ҳақида ўқувчига янги маълумотлар берилган, кундалик лексик бирликларни қўллаш орқали нутқий ситуатив гаплар тузиш ўргатилган.
3	<i>Оғзаки нутқ ёндашуви ёки ситуатив тил ўргатиши методи (SLLM).</i> Бу метод асосчилари Гарольд Палмер. Сўнgra С.Торнбери қайта ишлади. Сўз таркиби, сўзларни тизимли турли гапларда қўллашга этибор қаратилган. Ушбу метод қўлланилганда ўқувчи, инглиз тилини хорижий тил мақомида мустақил эгаллаш билан шуғулланган.	Тил ўқитишида оғзаки нутқни ривожлантириш инобатга олинган. Тил материали ёзма эмас, балки оғзаки ҳамда тил бирликлари турли ситуатив ҳолатларда ўргатилади. Лексик ҳамда грамматик бирликлар мустаҳкам ўргатилгандан сўнг ўқиши, ёзув таништирилади. Индуктив ёндашув асосида грамматика ўқитилади. Дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли ҳаётӣ вазиятларда коммуникацияни амалга оширишга киришилади.
4	<i>Аудио-лингвал ёки оғзаки нутқча асосланган метод (ALM).</i> 1945 йилда Мичиган университети амалий тилшуноси Чарлес Фриз томонидан таклиф қилинган, Фарбда баъзан Мичиган метод деб ҳам аталган. Ушбу методда, грамматик қоидалар ўргатишга вақт сарфланмаган.	Нутқий вазиятларни ўргатиш турли табиий контекстларда амалга оширилади. Ўқитувчи асосий субъект ҳисобланади. Инглиз тилини ўрганишда масалан, турли диалоглар ва вазиятларни ўқитувчи ўқиб беради ёки сўзлаб беради, сўнgra ўқувчилар жўр бўлиб қайтишиади. Лисоний бирликлар тўғри талаффуз қилишга ўргатилади. Ўқитувчи фаол субъект вазифасини бажаради ҳамда ўқувчиларни тез-тез рағбатлантириб боради.
5	<i>Сокин ўргатиши методи (SWM).</i> 1960 йилларда Галиб Каттегно томонидан асос солинган. Турли рангли фигуранлар, ҳар хил товушларни ифодалаган. Ўқувчилар турли харфлар ёки рангли фигуранлар ёрдамида ўзлари сўзларни талаффуз киладилар, гаплар тузади.	Конструктивизм ғоясига таянилади. Ўқувчилар хотирани мустаҳкамлаган тарзда гаплар тузадилар. Гурух бўлиб тил ўрганишга қизиқиш ортади. Инглиз тилини қандай даражада ўрганганилигини назорат қилишга қулай. Нутқ фаолиятининг барча турлари – интегратив мустаҳкамланади.
6	<i>Мотор/жисмоний ҳаракатлар ёрдамида жавоб берииш методи (TPRM).</i> Жон Ашер томонидан таклиф қилинган. Асосан кичик	Ўқитувчини тинглаш орқали жисмоний ҳаракатлар ёрдамида тил материали эгаллашга киришилади. Масалан, инглиз тилида ўрганган сўзларни, сўз бирикмаларини нон вербал

№	Метод тавсифи	Метод воситасида эгалланган малакалар
	ёшдаги ўкувчиларга хорижий тилларни ўргатишида маъқул.	ифодалай оладилар. Ўқитувчи ёрдамида ўрганилган лисоний бирликларни жўр бўлиб такрорлайдилар.
7	<i>Жамоавий тил ўргании методи</i> (CLLM) ёки гуманистик усул деб номланади. Чарлес А Каррен томонидан татбиқ қилинган бўлиб, асосан ёши катталарага чет тил ўргатишида маъқул. Тил ўрганувчилар ҳар хил кичик гурухларда фаолият олиб боришади. ўкувчиларни турли кичик гурухларга ажратиб, хорижий тилни ўргатиши амалга оширилди.	Ўқитувчи дарс жараёнида маслаҳатчи, ўкувчига эса мижоз сифатида қаралади. Дарслик орқали тил материали ўрганишга аҳамият берилмайди. Дарс жараёнида ўкувчилар ўзларининг фикрларини инглиз тилига таржима қиласиди. Улар ўқитувчининг нутқини мобил телефонлари ёки аудио тасмага ёзиб олишади, сўнгра ўқитувчи ёрдамида фикрларини умумлаштириб жўр бўлиб такрорлашади.
8	<i>Дисугестопидия методи</i> (DeSM) Жоржи Лозанов томонидан таклиф қилинган бўлиб, мусиқа остида жонли ҳаракатлар ёрдамида образли инглиз тили ўрганилади.	Ўқитувчи ўкувчиларга инглиз тилида сўзларни, гапларни ўргатиши жараёнида турли ҳаракатлар ёрдамида кўрсатиб беради. Ўкувчилар ўқитувчини ҳаракатлари билан инглиз тилини жўр бўлиб айтиб ўрганади. Инглиз тилини ўрганиш кизиқарли жараёнга айланади.

Бугунги кунга келиб, коммуникатив метод кенг қўлланилмоқда. Мазкур метод ғарб мамлакатларида ёндашув тарзида талқин этилмоқда. Айни дамда Ўзбекистон шароитида умумий ўрта таълим мактабларида турли методлардан фойдаланиб, инглиз тили ўқитилмоқда. Масалан, Аудио-лингвал, Аудио-визуал (Audio-lingual and Audio-visual), Жисмоний ҳаракатлар ёрдамида жавоб бериш (TPR), Коммуникатив тил ўқитиши (CLT), компетенцияларга асосланиб тил ўқитиши (Competence-Based Teaching), жамоавий тил ўқитиши (Cooperative Language Teaching), аниқ мазмунга асосланган таълим (Content-Based Education), вазифаларга асосланган ўқитиши (Task-Based Teaching) оммалашган. 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида белгиланган компетенцияларни ривожланлантириш учун ушбу методлар орқали қўшимча технологияларни қўллашга эҳтиёж сезилади ҳамда тадқиқотнинг ушбу бобида бу муаммо очиб берилади.

Ўзбекистон шароитида умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўқитишида коммуникатив ёндашувга асосланмоқда. Ушбу ёндашувга асосланиб, 2 та метод *коммуникатив-когнитив* ва *коммуникатив-кумулятив* амалиётга татбиқ этилмоқда. Коммуникатив-когнитив методика орқали бир нечта компетенциялар ривожлантирилмоқда, Масалан, нутқий, тил. Коммуникатив-кумулятив метод социолингвистик компетенцияни ривожлантиришида маъқулдир.

Коммуникант идрок этаётган (tinglab ва ўқиб тушунаётган) дискурсни оғзаки тарзда она тилига таржима қилиш мутлақо ўзини оқламайдиган усулга айланди. Чет тилдаги янги сўзларни қуруқ ёдлаш машқи эскирган ва ҳар қандай тил бирлиги нутқий жараёнда ўрганилиши ўргатилиши инновацион технологик топшириқлар таркибига киради, тил ходисалари (лексика, грамматика, талаффуз) қоидавий йўл билан эмас, балки нутқий машқларда ўзлаштирилиши асосий иш турига айланмоқда. Нутқ жараёнида қўлланиладиган тил бирликлари апроксимация, оғзаки нутқнинг илгарилаши принципига кўра ишлатилади. Бунда лексик, грамматик, талаффуз бирликларини ўқувчи нутқда қўллагандан, тил соҳибини тўлиқ тушунганлик мезонига ҳамда лингвистик, психологик, методик принципларга риоя қилинади.

Ҳар қандай нутқни эгаллашнинг 2 та томони мавжуд. Идрок этиб тушуниш (рецептив нутқ – тинглаб тушуниш ва ўқиб тушуниш), ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён этиш (продуктив нутқ – гапириш ва ёзув)дан иборат. Демак, реципиент – ўзга шахс нутқини идрок этиб тушунувчи, продукционент – ўз фикрини тилда оғзаки ва ёзма баён этувчи шахс тушунилади. Кўринадики, ўқувчи чет тилда асосий нутқ фаолияти турларидан фойдаланиб мулоқот юритади. Мулоқот обьекти эса, турли халқларнинг маданиятига оид маълумотларни қамраб олади. Булар маданиятни акс эттирувчи иллюстратив материаллар (предмет ва сюжетли расмлар, ашулалар, инглизча исмлар, ҳайкалтарошлиқ намуналари, жой номлари, қўхна тарихий ёдгорликлар, кинофильмлар, мода, овқатлар, озиқ-овқатлар оила, мактаб ҳаёти, об-ҳаво ва бошқалар)ни инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Коммуникант деганда чет тилда нутқ фаолияти турлари (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиб, ёзув)ни эгаллаш билан машғул шахс тушунилади. Бунда асосан тил ўрганувчи ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуниши (реципиент) ва ўз фикрини ўрганилаётган тилда баён эта олиши (репродуцент) сифатида машқлар бажариши талаб этилади. Қисқаси ўқувчи инглиз тилида амалий машқлар бажариш билан машғул бўлади. Таъкидлаш жоизки, чет тилда амалий машғулот бирламчи вазифа ҳисобланади. Бундай мулоҳаза чет тил ўрганувчиларнинг барчасига тааллуқли.

Тадқиқот ишимизнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, коммуникант масаласини бироз кенгроқ таҳлил этишга тўғри келади. Бу борада “Чет тил ўқитиш методикаси” соҳасида етарлича маълумотлар келтирилган. Мулоқот термини у ёки бу тилда нутқий алоқа юритувчи, бошқача қилиб айтганда, ўзгалар фикрини идрок этиб тушунувчи ва ўз фикрини баён этувчи шахсга тегишли

илмий-методик тушунчадир. Буни иккита терминологик синоним – коммуникант ва мулоқотдош сўзлари билан ифодалаш маъқулдир. Модомики, коммуникант мулоқотдош экан унинг мулоқот предмети хусусида сўз юритиш жоиз [55; 97-б].

“Маданият” ғарб мамлакатлар терминологиясига кўра, ғарб халқлари талқинида кишиларнинг ақлий ва жисмоний фаолияти маҳсули деб қаралади. Демак, тили ўрганилаётган мамлакатларнинг ўзига хос турмуш тарзи ҳақида гап бормоқда. Чет тилда сўзлашувчи мамлакатларнинг маданиятига оид янги ва фойдали маълумотлар машғулот чоғида ўрганиб борилади. Бинобарин, ғарб мамлакатлари методик адабиётида кенг ёритилаётган маданиятларро мулоқот назарияси ва амалиётидан фойдаланиш зарур. Юқорида баён этилган лингводидактик мулоҳазаларга кўра мулоқот жараёни учун тавсиф этилган, когнизант эса, тил соҳиби маданиятидан хабардор шахс сифатида намоён бўлади. Чет тил ўқитиш методикаси фан сифатида тан олинган даврларда мулоқот ва мулоқотдош ҳақида методик маълумотлар ёритилар эди.

XX аср охиригача “Тил ва тафаккур” муаммоси кенг миқёсда тадқиқ қилинди. Ушбу назарияни инкор қилмаган ҳолда, чет тил ўқитиш методикасида “Тил ва маданият” уйғунлиги масаласи тадқиқот обьектига айланди. Яъни илк ёндашувда тилни ўрганиш орқали дунёни идрок қилиш бўлса, кейинги тушунча тил орқали халқларга хос маданиятга тегишли барча меъёрларни эгаллаш назарда тутилган. Ушбу даврдан нутқ фаолиятини эгаллаш ғояси илгари сурилди.

Нутқни эгаллаш турлари психолингвистикада аниқланган. Нутқнинг тури ҳақидаги илмий манбаларда нутқ фаолияти турлари, нутқ фаолияти тоифалари ва нутқ шакллари алоҳида таърифланган. Психолингвистик маълумотларга кўра нутқнинг учта тури мавжуд: номинатив, коммуникатив, кумулятив. XX асрнинг биринчи ярмигача чет тил ўқитиш методикасида номинатив нутқ тури ишлатиб келинган. Бунда асосан, инглиз тилини ўрганиш жараёнида, предмет ва ходисаларнинг номлари инглиз тилида ўргатилди. *Mac., a pencil. This is a pen. A pupil. She is a pupil.* Тилни номинатив тарзда эгаллашда ўқувчининг мулоқотни амалга ошириши инобатга олинмаган. Коммуникатив нутқ турида мулоқотни амалга оширишга эътибор қаратилган. *Mac., I like English and you? I like it too. I'm a pupil. Nice to meet you. Me too.* Кумулятив нутқ турида тил материали ҳар бир тилда товушдан тортиб жумлагача халқнинг маданиятини акс эттиради. Масалан, инглиз тилига хос ходиса бўлган “**th**” ҳарфи товушлари, артикль, отнинг кўплик шакли (бирлик шакли лексик бирлик ҳисобланади) ёки қаратқич келишиги, феълнинг ҳозирги замон (Present Simple) учинчи шахс бирлик

шакли (ҳар учаласи ҳам [z], [s], [iz] қабилида талаффуз этилиши қоидасининг қўлланилиши ўзбек тилида мавжуд эмас (булар тил ички интерференциясига сабаб бўлади).

Коммуникатив-когнитив методда асосан мавзу доирасида фикр баён этиш, ўзга шахс фикрини идрок этиш ҳамда умумий билим олиш амали бажарилади. Бунда нутқнинг чегаралаш воситаси бўлмиш мавзулар мавхумлигича қолди. Коммуникатив-кумулятив методда эса, аниқ нутқий мавзулар ва нутқий вазиятлар доирасида мулоқот қилиш етакчи амалий мақсад қилиб қўйилади. Демак, қиёсий маданиятшуносликда ўрганиладиган чет тил ва она тили соҳибларининг маданиятига асосий эътибор қаратилади. Бир сўз билан инглиз маданий стереотипларини эгаллаш жараёнида она тилидаги маданият моделларини чуқурроқ ўзлаштириш диққат марказида туради. Оқибат-натижада ўқувчиларга миллий маданий қадриятларга қўшимча ҳолда, ўзга халқ қадриятлари сингдириб борилади. Зоро, XXI аср – маданиятлар яқинлашуви умумбашарий қадриятларга биноан фаолият кўрсатиш ҳамда миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш хозирги даврдаги энг муҳим ижтиёжга айланди.

Ҳар бир методик муаммони ҳал қилишда унинг назарияси, тарихи ҳамда амалиётга татбики кўриб чиқилади. Бинобарин, коммуникатив-когнитив/кумулятив методлар Европа мамлакатлари ва инглиз тилини асосий тил сифатида сўзлашувчи мамлакатлар Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландияда кенг татбиқ қилинган бўлиб, чет тилларни белгиланган талаблар асосида ўргатишида мақбулдир. Улар асосан чет тил ўқитиши методикасида замонавий фан тармоқлари бўлган лингвокультурология, концептология ҳамда когнитология фанларининг сўнги ютуқларига кўра вужудга келганлиги эътироф этилади. Коммуникатив-кумулятив метод билан чет тил ўқитилганда эса, мулоқот чоғида тили ўрганилаётган мамлакат (халқ) маданиятидан ўқувчиларни воқиф этиш мақсад қилиб қўйилади. Бинобарин, коммуникатив термини мазмун-моҳияти тилда мулоқот юритиш (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув)ни акс эттиради. Бироқ, мулоқот мавзусига кўра кумулятив характерга эга бўлган халқ маданиятига оид маълумотлар ўзлаштирилади. Чет тил ўқув предметини ўргатиш жараёнида ўқувчиларга ўз маданияти, миллий қадриятлари ва урфодатлари тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти акс этган тил бирликлари билан қиёсий ўргатилса кумулятив характердаги материаллар ўзлаштирилади.

Мавзу доирасидаги методларга биноан ўқитишнинг ўзига хос технологияларини танлаш ҳамда уларни инглиз тили дарсида қўллаш бугунги кунда маъқул ҳисобланади. Ушбу методларнинг назарий асослари хусусида юқорида муфассал фикр-мулоҳазалар юритилди. Уларнинг хусусияти билан боғлиқ масалалар қўйида муайян даражада изоҳлаб берилади.

Ўзбекистон шароитида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари га коммуникатив-когнитив метод асосида ўқитиш батафсил исботланган, бироқ, кумулятив метод асосида ўқитиш технологиялари муфассал тадбиқ қилинмаган. Чет элларда ушбу методга оид ахён-ахёнда фикрлар баён қилинади. Ушбу метод чет тил ўқитишга профессор Ж.Ж.Жалолов томонидан тадбиқ қилинган, бироқ, яхлит илмий тадқиқот обьекти сифатида Г.Т.Маҳкамова томонидан таҳлил қилинган. Мазкур методни қўллаш бўйича бир нечта хусусий методик принциплар Г.Т.Маҳкамова томонидан маҳсус ишлаб чиқилган [65; 17-18-б].

Айни дамда чет тил ўқув предметининг нуфузидан келиб чиқиб, коммуникатив-когнитив/кумулятив метод асосида умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчилари га инглиз тилини ўқитишнинг мазмуни, тузилмаси ва методик тизимини ислоҳ қилиш масаласи илгари ечилмаган. Хуллас, тадқиқотни амалга ошириш йилларида ушбу масала бўйича чет тил ўқитиш методикасидаги мамлакатимизда ва хорижий давлатларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинди ва умумлаштирилди.

Демак, тадқиқот обьекти ҳисобланмиш 5-7 синфлар учун коммуникатив-когнитив/кумулятив метод хусусиятларини аниқлашда қўйидаги лингвистик ва дидактик принципларга таянилади. Улар лингвометодик компрессия қилинади яъни маҳсус минимизациядан ўтказилади ҳамда қўйидаги тасвирланишни лозим топдик. Лингвистик ҳамда дидактик принципларни шарҳлашга киришамиз: 1) *Ўқув материални ҳаёт билан боғлаш принципи* когнитив ёки кумулятив мазмундаги ўқув материаллар ўқувчининг кундалик ҳаёти билан боғланган ҳолда ташкил қилиниши лозим. Бошқача айтганда, Скот Торнберининг “Кундалик ҳаёт элементлари дарсга киритилиши ҳамда дарс мазмuni кундалик ҳаётдан олиниши керак” (The life is need to bring to the class and the lesson content should be taken from life) [134] методик ғоясига таянилди. 2) *Проксимал ривожланиши принципи* яъни ўқувчилар бугун ўқитувчи кўмагида қандай ҳаракат қила олсалар, ушбу ҳаракатларни келажакда мустақил ўзлари эркин қила оладилар (Л.С.Выготский). 3) *Жуфт, гуруҳ бўлиб вазифалар бажарии принципи*. Горден Веллс фикрича, “Агарда ўқувчилар ҳамкорликда фаолият юритсалар, бошқаларга ёрдам бера оладилар

ҳамда бошқаларнинг бирор фаолиятга қўшган ҳиссаси ёрдамида ўзлари хулоса чиқариб ўргана оладилар. 4) *Соғлом турмуш тарзини ўқувчилар ҳаётига таббиқ қилиши принципига* кўра ўқувчиларга кундалик ҳаётда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари ва соғлом турмуш тарзига одатланишлари ўргатиб борилади. 5) *Самимий, хушмуомала бўлишига ўргатиш принципида* асосан, ўқувчиларда келажакда инглиз тилида нутқий вазиятларда мулоқотдошлари билан сұхбат жараёнида самимий бўлиш, хушмуомалалик билан уларга мурожаат қилиш хусусида билимлар чуқурлаштириб борилади. 6) *Ўқувчилар эгаллаган билимларни осондан қийинга қаратиш принципи* бўйича ўрганиладиган ўкув материали ҳамда лисоний миқдорлар сони ҳамда мураккаблиги синфдан-синфга кенгайтириб боришига эътибор қаратилади.

Шунингдек, инобатга олинган психолигик ҳамда методик принциплар қўйидагилардан иборат: 7) *Ўзга мамлакатлар маданиятини акс эттируви маданий стереотиплардан фойдаланиши принципида* асосан ўкув материаллар нафақат инглиз забонлар, балки дунё ҳалқлари турмуш ҳаётига тегишли эканлигига эътибор қаратилади. 8) *Ўқувчининг ёши хусусиятларига биноан, муқобил ўқитиши усулларини танлаши принципига* биноан, когнитив ва кумулятив мазмундаги матнлар, машқлар ва технологиялар ўқувчининг психолигик ёшига мувофиқ танланади. Натижада, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайиб боради; 9) *Ўқувчиларнинг чет мамлакатлардаги тенгдошлари ҳаётидаги мавжуд эмоционал муаммоларни қандай енгишларини ўрганиши принципига* кўра ўқувчилар, ёшига оид турли психолигик муаммоларни мустақил, тенгдошлари ёки ота-оналари билан қандай енгиш ҳақида маълумотга эга бўладилар; 10) *Ўқувчиларнинг ёшига мос ижтимоий-маданий аутентик матнлардан фойдаланиши принципига* риоя қилинган тарзда кумулятив мазмундаги матнлар танланади. Натижада, ўқувчиларнинг когнитив қобилияtlари янада ривожланади. Шунингдек, оғзаки нутқнинг илгарилаши, маданиятлараро когнезант ва коммуникантни шакллантириши, инглиз тили ўргатишга қўйиладиган замонавий талабларни инобатга олиш, онглилик каби методик принципларни инобатга олиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Юқорида муҳокама қилинган методлардан фойдаланиш тизимини белгиланган принципларга таяниб ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ қилиш умумий ўрта таълим босқичида чет тил ўқитиши/ўрганиш соҳасида самарадорликнинг ошишига хизмат қиласи. Белгиланган принципларни инобатга олиб, коммуникатив-когнитив/кумулятив методларга

биноан такомиллаштирилган технологиялар махсус тажриба-синовдан ўтказилди.

Коммуникатив-когнитив/кумулятив методлардан фойдаланиш мазмунини 3 та таркибли қисмга ажратамиз: 1) **Ўқитиши объекти;** 2) **Машқлар;** 3) **Ўқув материални ўзлаштириш босқичи.** Мазкур мазмуннинг асосий мақсади ўқув предметига ажратилган соатларда бажариладиган ўқув топшириқларни такомиллаштиришдан иборат.

1. *Ўқитиши объекти* деганда нимани назарда тутамиз. Ўқув предметининг лингводидактик мақомига таяниб, муайян мавзулар орқали лингвистик компетенция негизида инглиз тилида нутқ фаолияти турлари бўйича малакалар ривожлантирилади, тил компетенцияси бўйича кўникмалар сингдирилади, тил техникаси (ўқилиш, ёзиш, талаффуз, лисоний бирликларни таниш) ўргатилади. Замонавий лингводидактика назариясига таянган ҳолда чет тил машғулотларида тўртта нутқ фаолияти турлари (tinglab тушуниш, гапириш, ўкиш, ёзув)да чет тилдаги дискурс (амалий матн) яратилади ёки идрок этиб тушунилади. Улар нутқий малакалар ҳисобланади. Малакаларни эгаллаш учун нутқ кўникмаларини шакллантириш талаб этилади. Кўникмалар тил сатҳлари (лексика, грамматика, талаффуз)ни (sub-skills) ўзлаштириш натижасида хосил қилинади. Кўникма ва малакалар мажмуи, замонавий термин билан нутқий компетенцияни ташкил қиласи. Бунда шундай фикр-мулоҳаза келиб чиқади, яъни ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги палласида чет тил ўрганувчи мулоқотдош яъни коммуникант сифатида гавдаланади ва тил соҳиби маданиятини ўрганувчи, бошқача айтганда когнезант мақомини олади.

2. *Машқлар* хақида фикр юритилса, унинг лингвометодикада шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи турлари оммалашган [46]. Мухокамага тортилган методларни қўллашда мазкур машқ турларидан фойдаланилди. Маълумки, ҳар қандай чет тил ўқув материалини амалий эгаллаш учун 4 та нутқ фаолиятларида машқлар бажарилади. Аниқланишича, чет тил ўрганувчиси ҳар қандай машқ бажармасин, шубҳасиз маданиятлараро мулоқот юритиши, когнитив малакаларни эгаллаш билан шуғулланади. Хусусан, машқлар тизимини ишлаб чиқишида бир нечта вазифаларни ҳал қилиш лозим. *Биринчидан*, ўқувчилар тил бирликларини ўзлаштиришдаги қийинчиликлар; *Иккинчидан*, маданиятлараро мулоқотга оид ходисаларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда муқобил технологияларни амалиётга татбиқ қилиш; *Учинчидан*, лисоний, маданий ҳамда методик қийинчиликлар туфайли юзага келган интерференцияларни бартараф қилишга доир технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш

муаммолари. Мазкур вазифаларни ҳал қилишда замонавий лингводидактиканинг бир қатор масалаларига аниқлик киритишимиз ҳам керак. *Биринчидан*, ҳар бир синфлар учун алоҳида (лексик, грамматик, талаффуз) минимумларини такомиллаштириш маъқул. *Иккинчидан*, таълим шароитидан келиб чиқиб, чет тил ўргатиш машқлари системасини янгилашиб чиқиши керак. *Учинчидан*, чет мамлакатлар ва ватанимиз маданиятлари орасидаги фарқ ва ўхшашликлар типологиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бунда (вербал) сўз билан ифодаланадиган тушунчалар билан бир пайтнинг ўзида новербал (хатти-ҳаракат, имо-ишора, кўзига қараб тушуниш ва тинглаш – eye contact) воситалар таълим мазмунига киритилади. Хуллас, чет тилда мулоқот ўқувчи ўрганаётган тил воситасида ўзи учун янги ва турмуш тарзида фойдали вербал ва новербал воситаларни билиб олиш орқали, шу тилда коммуникант мақомида фаолият юритишга эътибор берилади.

Коммуникатив-когнитив/кумулятив методларга мувофиқ, ҳафтасига З соатдан инглиз тилини ўқитиши жараёнида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш учун шаллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи (7-8-9-жадвалларга қаранг) машқ турларидан фойдаланилди. Бошқача айтганда, инглиз тилидаги нутқий малакалар машқлар орқали ўргатилди.

7- Жадвал

Шакллантирувчи машқ намуналари

Шакллантирувчи машқ намуналари			
Тинглаб-тушунишни ривожлантирувчи машқлар	Гапиришни ривожлантирувчи машқлар	Ўқишини ривожлантирувчи машқлар	Ёзувни ривожлантирувчи машқлар
Match, listen and check; Write the numbers and repeat then check your answer; Listen and repeat/complete; Listen and fill in the missing words; Read the sentences, then listen and match the sentences to the speakers; liten and tick;	In pairs, act out the dialogues; Study the following. Then, tell your school rules to the class; Look at the picture and speak about it;	Read the following words/sentences; Read and Spell the words; Copy out the words from the text; Read the newspaper extract and make notes under the headings?; Make up sentences using the given words; Read and complete the table; Read the magazine article and answer the questions;	Fill in the correct words; Fill in the adjectives/ nouns/ verbs/ prepositions/ words with similar meaning...; write sentences as an example;

8-Жадвал.

Ривожлантирувчи машқ намуналари

<i>Ривожлантирувчи машқ намуналари</i>			
Тинглаб тушунишни ривожлантирувчи машқлар	Гапиришни ривожлантирувчи машқлар	Ўқишни ривожлантирувчи машқлар	Ёзувни ривожлантирувчи машқлар
Look at the pictures. Who's got...; listen to the dialogues and fill in the missing words;	match the sentences to the pictures. then tell which express a polite request? speak the list of activities/chorus that you do when you arrive at home from school; Tell to your partner about how Uzbeks/ British/ US greet each other?	Read and answer the questions. Then, explain the words in bold; Read the text and complete the sentences; Choose words from the list to fill in the gaps, then use them to make your own sentences; Read and narrate the text to your teacher;	Complete the table with information about yourself, then write a letter to your friend; Write two short news (40-50 words each); Write an email to your friend about your school life;

9-Жадвал

Такомиллаштирувчи машқ намуналари

<i>Такомиллаштирувчи машқ намуналари</i>			
Тинглаб тушунишни ривожлантирувчи машқлар	Гапиришни ривожлантирувчи машқлар	Ўқишни ривожлантирувчи машқлар	Ёзувни ривожлантирувчи машқлар
First, read the sentences and explain the meaning of words in bold, then listen and underline the correct word; Listen to the text. Then mark sentences as T(true) or F (false);	Work in two teams. Take it in turns to choose words from the list and make sentences; Speak about how do you congratulate your friend at his/her birthday?	Read these sentences. Tell, What do they mean? Read the sentences. Then mark them as T(true) or F (false);	Fill in the gaps with correct letters; look at the adjectives in bold and fill in the nouns which are used with them;

Шунингдек, **лексик машқлар** ҳамда **грамматик машқлар** ривожлантирувчи машқлар таркибида мустаҳкамланади. Рецептив ва репродуктив нутқни амалга ошириш эса, методик талабларга биноан такомиллаштирувчи машқларда амалга оширилади.

3. Ўқув материални ўзлаштириши тақдимот, машқ қилиш, нутқда қўллаш ва ўз-ўзини назорат қилиш босқичларини қамраб олади [46; 154-б]. Мазкур босқичга қўшимча ўқувчининг ўзига ишониш (self-confidence) ҳамда ўзига тўғри баҳо бера олиш (self-esteem) кўникмалари киритилди.

Демак, Коммуникатив-когнитив/кумулятив методлар хусусиятлари, тизими ва мазмунини муҳокама қилишда 2 та муҳим қоидаги амал қилинади: лингвометодик ва компетенцияларни ривожлантириш. Натижада, ўқувчининг инглиз тилини ўрганиш жараёнида дунёқарashi кенгаяди, теварак-атрофга онгли муносабатда бўлишни ўрганади ҳамда дунё халқлари яшаш тарзи хусусида фойдали билимлар олади. Хуллас, компетентли шахснинг умумий ривожланишига эришилади.

Эндиғи эътиборимизни тадқиқотда белгиланган вазифаларга биноан, мавжуд 5-7 синфларда ўқитилаётган дарслер таҳлилига ҳамда дарслерни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган машқлар, технологиялар таҳлилига қаратамиз. Мазкур бобнинг навбатдаги параграфларида ушбу масалалар муҳокама қилинади.

2.2. Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган машқлар ҳамда технологиялар

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги дарслер мажмуалари асосида 5-синфлардан инглиз тилини ўқитиши 2017/18 ўқув йилидан амалга оширилди. Мазкур дарслер “New Fly High 5” ўқувчи китоби (иш китоби илова қилинади), мультимедиал ўқув ресурс манбаси ҳамда ўқитувчи китобидан иборат. Ушбу дарслер мажмуалари айни дамда умумий ўрта таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишида қўлланилмоқда. Ундаги танланган бўлимлар, улар таркибидаги кичик мавзулар, ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиб, самарадор инглиз тилини ўзлаштириш технологиялари, амалий машқлари, расмли тасвирлари, мультимедиал ўқув машқлари билан бир қатор ютуқларга эга ҳамда ўқувчиларнинг талаб қилинган компетенцияларни ривожлантиришларига хизмат қилмоқда.

Амалдаги 5-синфларда инглиз тили ўқитишига тегишли дарслерда осондан мураккаблаб бориши принципига амал қилиш кам инобатга олинган. 5-синфларга мўлжалланган янги дарслер мажмуасида эски таҳрирдаги “Fly High 5” дарслер мажмуаси ўқув материалларидан кенг фойдаланилган. Чунончи, 2013/14 ўқув йилидан инглиз тили биринчи синфлардан ўргатилиши муносабати билан, 5-синфдан мавзулар, машқлар, технологиялар ва топшириклар кенгайиб бориши керак. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил, эркин, мантиқий ҳамда танқидий

фикарлаш қобилияларни ривожлантирилиши, уларнинг маданиятлараро мулоқот диалогида иштирок этишга ундейди.

Ўқувчи китоби биринчи “Unit 1. All about me” бўлим қўйидаги кичик мавзулардан иборат: “Lesson 1. My favourite things” дарсида “Listen and repeat; Play my name is Aziz; Look, read and write about Aziz; Work in pairs. Ask and answer; Play two things about me; Play: Interview” топшириқли амалий машқлар қайд этилган. Тажриба-синов жараёнида олинган савонномаларда ўқувчилар ушбу мавзуларга оид иллюстратив материаллар янги мавзуни ўзлаштиришда зерикарли эканлигини билдиришди. Бўлимдаги расмларда кўрсатилган лексик бирликларни ўқувчи ўқиши жараёнида ўрганганлиги туфайли расм эмас, сўзларнинг рўйхатини келтириш маъқул. Натижада, бундай методик амаллар ёрдамида ўқувчиларнинг инглиз тилига қизиқишини ортиришга имконият яратилган бўлар эди. Мультимедиал ўқув ресурс материяллари ўқувчиларга қизиқарли ва ўзлаштиришга самарадор бўлганлиги учун, қўшимча мультимедиал ўқув ресурслар яратишга эҳтиёж сезилади. Хусусан, мавзуларга мувофиқ мустаҳкамловчи ўқув машқлари миқдорини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бундай машқлар ўқувчиларнинг нутқий малакаларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, биринчи бўлимдаги кичик мавзу мазмунини такомиллаштириш мақсадида, “Look, read and write about Aziz; Қаранг, ўқинг ва Азиз ҳақида ёзинг” машқ талабига қўшимча топшириқ “Look, write and say about your friend Дўстингиз ҳақида ёзма фикр баён қилинг ва айтиб беринг” фойдаланилса, ўқувчиларда нутқий компетенцияни ривожланишига самарали эришилган бўлар эди.

“Lesson 2. I have two sisters” мавзусида “Sing the song; Play I have a sister. Her name’s Kamila; Read and complete; Work in pairs. Point and say” амалий машқлардан фойдаланилган. Дарс мавзусига оид қўшимча янги лексик бирликларни киритиш, ўқувчилар учун мазкур мавзуни ўзлаштиришга тегишли матнни кенгайтириш ва оила ҳақида кўпроқ қўшимча маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ. Коммуникатив-кумулятив методни инобатга олиб, инглиззабон мамлакатлар оиласи ҳаётига мансуб янги маълумотлардан иборат қўшимча кичик матнлар ва уларга оид машқлар тўплами киритилса дарсликларнинг мазмунини янада бойитишга эришилади. Масалан, оила аъзолари билан яхши кўриб бажариладиган машғулотлар, бирга тановул қилинадиган таомлар, оила аъзолари билан театр, цирк томошаларига ташриф буюриш кабилар. Ушбу мавзу доирасида социолингвистик компетенцияни ривожлантириш мақсадида 5-синфлар учун тадқиқотимизнинг амалий

натижалари учун яратилган мультимедиал ўқув ресурс материалининг “*About my family and friends*” мавзули ўқув материалдан фойдаланиш тавсия қилинади.

“**Lesson 3. Who is the youngest?**” дарс мавзусида сифат даражалари ўргатилади. Сифат даражалари ўқув дастурий талабларга мувофиқ, грамматик минимумда 3-4 синфларда ўргатилиши ҳамда сифат даражаларини умумлаштириш 6-синфларда амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, ўтган оддий замон (Past Simple Tense)га оид мустаҳкамловчи машқ мавжуд. Фикримизча, ушбу грамматик мавзуни қоидавий усул яъни, алгоритмик йўл орқали тушунтирилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу методик назарияга қўшимча, мавзуларга тегишли турли машқлар орқали лисоний бирликларни мустаҳкамлашга эътибор бериш тавсия қилинади.

“**Lesson 4. Where are you from?**” мавзусида норасмий хат ёзиш ўргатилади. Шунингдек, от ва отларда кўплик қўшимчаси эслатма (Remember) сифатида қайд қилинган. Мазкур дарс учун ажратилган машқлар миқдорини от ясовчи суффикслар “-er, -or”ларни ўргатилишига оид қўшимча машқлар билан кўпайтириш тавсия қилинади ва инглиз тилида мактаб ҳақида яқин қариндошига хат ёзиш вазифаси берилиши мақсадга мувофиқ. Иш китобида (93 бет) “*Choose a letter and write an answer*” машқи уйга вазифа тарзида берилган. Бирок, ўқувчи учун қандай хатни танлаш ва саволлар берилмаган. Ушбу машқни бажариш тушунарли бўлиши учун “*Read, write and complete the letter about yourself*” топшириғи берилиши тавсия қилинади. Мазкур дарсда ўқувчиларнинг нутқий ҳамда социолингвистик компетенцияни ривожлантириш учун “**Daily routines**” мавзусидаги 5-синфлар учун яратилган мультимедиал ўқув ресурс материалидан фойдаланиш тавсия қилинади.

“**Lesson 5. What is your address?**” дарси 1-машқда “*Sing the song*” топшириғи мавжуд. Унда биринчи бўлимда берилган ашула “I have a granddad” мустаҳкамланади, 2-машқда “*Look, read and complete*” машқида Азиз Абдуллаев автобиографияси ҳақида маълумот қайд этилган. Ушбу машқ талабидаги “*Complete*” яъни тўлдиринг мазмундаги топшириқقا оид вазифа нимадан иборат эканлиги ўқувчига тушунарли қилиб берилмаган. Қайд этиш жоизки, ўқувчи учун инглиз тилини ўрганиш жараёнида аниқ топшириқлар бериш ва машқлар талабини бажаришда тушунарли вазифалар бўлиши лозим. Ушбу дарсда ўқув материални ҳаёт билан боғлаш, проксимал ривожланиш принципларини инобатта олиб, қўшимча технологиялардан фойдаланиш тавсия қилинади. Талаффуз материалларини мустаҳкамлаш учун биз амалга оширган тадқиқот доирасида такомиллаштирилган мультимедиал ўқув ресурс

иловадаги “Songs” бўлимидан фойдаланиш тавсия қилинди. Натижада, ўқувчилар инглиз тилида аниқ талаффуз қилишни, сўзлар ва гаплар ургусидан тўғри фойдаланишни фаол ўзлаштира олдилар.

“Unit 2. At home and at work” бўлими қуйидаги кичик мавзулардан иборат. Lesson 1. They live in a... . Lesson 2. What number is your house? Lesson 3. What’s your job? Lesson 4. Where do you work? Lesson 5. How do you go to...? Ушбу бўлим биринчи кичик мавзуда берилган “Goldilocks and three bears” эртагида “Look and say” топшириги берилган. Мазкур эртакдаги воқеа ва образлар қайси мамлакат маданияти ҳаётидан олингандиги хақида ҳам маълумотлар келтириш тавсия қилинади. Масалан, “Look and say” машқи ўрнига “Look and tell” бўлгани маъқул кўринади. “Listen and repeat” мустаҳкамловчи машқида қўшимча топшириқ “Listen, repeat and use” бўлиши маъқул. Ҳар қандай лисоний бирлик нутқий компетенцияни эгаллаш учун ўзлаштирилади. Шунингдек, 2-мавзу ўқув топширикларига қўshima “Speak and write about your own family” оғзаки (гапириш), ёзма машқидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Коммуникатив малакаларни эгаллаш билан бир қаторда, касбга йўналтириш принципига юқори синфларда риоя қилинади. Бинобарин, ўкув дастурида 4-синф учун мўлжалланган мавзулар ва кичик мавзулар тақсимотида, касблар мавзуси, касблар номи, ўқувчининг ота-онаси касби ҳамда ўзи орзу қилган касбларни ўрганиши каби кичик мавзулар билан ўргатиш мақсад қилинади. Умумий педагогиканинг маълумотларига кўра, ўқувчиларни касбга тайёрлаш ёки уларга касбий йўналиш бериш муаммоси юқори синфлардагина қўйилиши мумкин. 1-, 5- ҳамда 6-синфларда ўзгаларнинг касби ҳақида фикр баён қилишни ўргатамиз. Масалан, “My father is a doctor, My mother is a teacher and others”.

“Unit 3. What do you look like” мавзуси 5 та кичик мавзулардан иборат. Улар қуйидагилар: Lesson 1. His hair is short and curly. Lesson 2. He is tall and thin. Lesson 3. My robot has... . Lesson 4. My family is... . Lesson 5. What is your address? Фикримизча, ушбу бўлим мавзуларини, дастурий мавзулар ва кичик мавзулар тақсимотига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бўлимнинг биринчи мавзуси “His hair is short and curly” топшириги расмлардаги Лена ва Барно исмли қиз ўқувчиларнинг соч турмаги мамлакатимиз ўқувчилари хулқига монанд тасвирланиши мақсадга мувофиқ. Зеро, Лена, Барно, Алишер, Рома исмли ўқувчиларнинг ташқи кўринишини тасвирлаш ҳақида мультимедиал иловада маълумотлар келтирилган. 3-кичик мавзуда роботларга тегишли маълумотлар факат бир нечта сўз (геометрик

шакллар)нинг маъносини очишга мўлжалланган. “*My family is...*” ва “*What is your address*” мавзуларидағи ”*Shahlo's family*” матнида ўзбек исмлари мавжуд [13; 21-б]. Ушбу матнга социолингвистик компетенцияни ривожлантириш мақсадида қўшимча элементлар, маълумотлар киритиш тавсия қилинади. Жумладан, инглиз реалияларини қўпайтириш мақсадида, инглиззабон ўқувчиларнинг расмлари ҳам келтирилиши мақсадга мувофиқ. Геометрик шаклларни “Robot” тасвиirlари билан бермасдан расмлар билан тушунтириш ёки мультимедиал илова орқали тушунтириш маъқул. Мазкур бўлим мавзуларини самарали ўқитиш учун яратилган мультимедиал ўқув ресурс материалларидан қўшимча фойдаланиш тавсия қилинади. “**Lessons – Shapes and colours; Songs – funny shapes**” материалларидан фойдаланиш мумкин. Хуллас, ўқувчи китобидаги амалий машқлар талабини ўқувчиларга тушунарли қилиб расмийлаштириш мақсадга мувофиқ.

“**Unit 4. My school life**” бўлими “**Today is ...**” кичик мавзусида ўқувчилар ҳафта кунлари, уларнинг номланиши, лисоний бирликлар ва грамматикага оид нотўғри феъллар, саволларга жавоб бериш ва мультимедиал ўқув ресурс материаллари орқали турли машқлар бажариш билан мактаб ҳаётига тегишли маълумотларга эга бўладилар. Иккинчи кичик мавзу “**The third day is Wednesday**”да саноқ ва тартиб сонлар тушунтирилади, турли машқлар орқали ўрганилган когнитив малакалар мустаҳкамланади. Учинчи мавзуда уйга вазифа қилиш тартиби ҳамда модал феъл “must-mustn’t” ҳақида маълумотлар берилади. Тўртинчи кичик мавзу ўқув материалларида яна ҳафта кунлари ва унда бажариладиган машғулотларга ўқувчининг эътибори қаратилади. Фикримизча, бўлим мавзусидан келиб чиқиб, ушбу мавзуга қўшимча мактаб ўқув ресурс хонаси (Resource center) яъни кутубхона ҳақида маълумотлар ҳамда ундан фойдаланиш этикети ҳақида амалий машқлар ҳамда лисоний бирликлар рўйхати берилиши, ўқувчиларни ахборот ресурс маркази билан яқиндан танишишга ва уларни китоб ўқишига бўлган қизиқишиларини янада ортишига ундейди. Бешинчи мавзу мактабдаги ўқув предметларининг инглиз тилида номланиши ва уларни ўрганишга оид. Унда сифатларнинг оддий даражаси ҳақида умумий маълумотлар берилади. Проект иши вазифаларини муаллим, ўқитувчи китобидан фойдаланган ҳолда мустақил бажарилишини тушунтириб боради.

1976 йил Вилкинс (Wilkins 1976) томонидан таклиф қилинган “*Task based teaching*” назарияси коммуникатив методларни амалга оширишда фаол иштирок этишини таъкидлайди. Вилкинс издоши Эллиснинг (Ellis 2003)

назариясига таяниб, хорижий тилни самарали ўқитишда “Task supported teaching” ёндашувины таклиф қиласы [120; 149-150-б]. Ушбу хорижлик олимлар фикрларини умумлаштирган тарзда, дарслык 4 бўлими кичик мавзуларни мустаҳкамлашда қўйидаги усулдан фойдаланиш тавсия қилинади. Ўқитувчи доскага жадвал чизади. Унда, ўқувчилар ҳафта кунлари, дарс машғулотлари, уларнинг вақтлари ёзиб берилади. Намунадан фойдаланиб ўқувчилар ҳафталик дарслари рўйхати, вақтлари ва қайси ҳафта кунида ўзларининг ёқтирган ўкув предметлари ҳақида дўстларига оғзаки маълумот бериш топшириги берилади. Бу усул орқали ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳафта кунлари, ўкув предметлари, вақтни инглиз тилида қандай ифодалаш кабиларни мустақил ўзлаштира олади (10-жадвалга қаранг).

10-Жадвал

Ҳафта кунлари, ёқтирган машғулот ҳамда вақтни инглиз тилида ифодалаш

Say the name of the week to your partner and tell what is your best liked subject at this day. Then, say the time of this lesson in this day of the week.

Monday	Tuesday	Wednesday	Thursday	Friday	Saturday
There are 5 lessons. I like most PE. It starts at 11.50 and lasts till 12.35	There are 6 lessons. I like most Maths. It starts at 8.00 and lasts till 8.45	There are 5 lessons. I like most Art. It starts at 9.50 and lasts till 10.35	There are 5 lessons. I like most English. It starts at 11.00 and lasts till 11.45	There are 4 lessons. I like most Music. It starts at 11.50 and lasts till 12.35	There are 5 lessons. I like most English. It starts at 9.50 and lasts till 10.35

Мазкур жадвалдан ташкил топган операцион машқни қўллаш ўқувчиларда нутқий ва тил ва компетенцияларнинг ривожланишига асос бўлди.

“Unit 5. I like English do you?” бўлимида одатдагидай кичик мавзулар мавжуд. Уларда мактабда ўқитиладиган фанларнинг қайси бири қизиқарли ва зерикарли эканлиги хусусидаги умумий маълумотлар берилган. Бўлимнинг иккинчи дарсида ўқувчилар вақт ҳамда соатни инглиз тилида оғзаки айтишни ўрганишади ҳамда мавзуга оид лексик бирликлар билан танишиб боришади. Учинчи мавзуда ўқувчилар (пешингача бўлган вақт ҳамда тушдан кейинги вақт) “A.M. – Midday, P.M. - midnight” яъни бир суткадаги кеча ва кундузга оид соатларни ифодалашни ўрганишади. Ўқувчиларга инглиззабонлар ҳаёт тарзига биноан, бир сутка вақти 2 га ажратилганлиги, соат дақиқалари 1.00 дан 12.00 гача қўлланилишини алоҳида машқларда ёки мультимедиал ўкув ресурсда тушунтирилиши тавсия этилади. Ўқувчиларга 24 соатлик вақт

ўлчами эмас, 12 соатлик “А.М. Р.М.” замон қўрсатгичига амал қилинишини тушунтириш маъқул. Буни изоҳлашда қуидаги машқдан фойдаланиш таклиф қилинди (11-жадвалга қаранг). Ўқитувчи инглиз тилида қуидаги қодаларни тушунтиради: “*Some English speaking countries, including the US, Canada, and Australia, use 12-hour clock format including AM and PM. What do these abbreviations mean? Using numbers from 1 to 12, followed by A.M or P.M, the 12-hour clock system identifies all 24 hours of the day in our country. Let's discuss them together*”. Сўнгра, қуидаги жадвалда кун вақтини англатувчи форматларни ўқувчиларга тушунтиради. Вакт меъёрларидан ифодалаган тарзда ўқувчиларга инглиззабон мамлакатлар ўқувчилари ва ўзининг тенгдошлари ҳаётига оид оғзаки гапларни ёки диалогларни тузиш топшириги берилади.

11-Жадвал

Инглиззабон давлатлар вақт меъёрлари

Time formats in English	
AM = Ante meridiem: Before noon 7 am is early in the morning, and 1 am is one hour after midnight;	PM = Post meridiem: After noon 7 pm is late in the afternoon, while 11 pm is one hour before midnight;
12 hour formats in The UK: 12.00 am (midnight) – 12.00 (noon) pm	24 hour formats in Uzbekistan: 00.00 – 24.00 (end of the day)

Фикримизча, ўқувчиларга тушунтирилган мазкур когнитив маълумот социолингвистик компетенцияни фаол ўзлаштиришга асос бўлади. Бешинчи мавзуда Германия ўқувчиларининг мактаб фаолиятлари ҳақида матн берилган ва ушбу матнни мустаҳкамловчи машқлар мавжуд. Ушбу мавзунинг мультимедиал таълим ресурсида Люси Лондондаги Ред Вуд мактабида ўқиши ҳамда Лондонлик ўқувчиларнинг мактаб ҳаётига оид маълумотларни оғзаки баён қиласи. Сўнгра, ўқувчилар Люси ҳақидағи саволларга оғзаки жавоб бериш машқи қайд қилинган.

“Unit 6. In the classroom” бўлими “Classroom things” мавзусида синф хонаси ва ундаги жиҳозлар, ўрин жой предлоглари ва мактабдаги учта ўқув хонаси тасвирига тегишли кичик матн берилган (мультимедиал ўқув ресурсда ушбу матнни овозли тинглаш имконияти мавжуд. Унда “Жигсов” технологияси қўлланилган). “Lucy’s pen is blue” мавзусида инглиз тилида рангларни такрорлашга оид оғзаки ва ёзма машқлар мавжуд. Тадқиқотнинг амалий натижалари шуни қўрсатади-ки, ранглар ўқув қуроллари ҳажмлари билан тақдим қилиниши мақсадга мувофиқ. Натижада, дастурий талабларга

биноан ўқитиши амалга ошади. Учинчи мавзуда грамматик мавзулар – эгалик олмошлари ҳамда бирлик, кўпликтаги кўрсатиш олмошларини ўрганувчи машқлар бажарилади. Бироқ, ушбу грамматик минимум материали (this-these, that-those) бошланғич 2-синф дарсликларида ўргатилади. Кўринади-ки, ўкув машғулотни мустаҳкамлаш принципига риоя қилинган. Олтинчи мавзуда мактаб биноси ҳақида умумий маълумотлар ҳамда дўстига хат ёзиш машқлар орқали ўргатилади. Мазкур бўлим мавзуларини фаол ўзлаштириш учун “**Board Race**” (“Run to the Board”) технологиясидан фойдаланиш тавсия қилинади. Ушбу технология грамматик минимум материалларини амалий ўрганишга ёрдам беради, масалан сифат даражаларини мустаҳкамлашда қўллаш тавсия қилинади. Бунинг учун ўқитувчи синф ўқувчиларини 2 та гурухга ажратади. Досканинг биринчи ва иккинчи томонига қуйидаги жадвалдаги сифат даражаларини ҳамда уларнинг қиёсий, ортирма даражаларини ёзиб чиқади. 2 та гурух ўқувчилари доскага таклиф қилинади, вақт белгиланади ва сифат даражаларини мувофиқ келадиган формаларини навбатма-навбат тезда ёзишлари кераклиги тушунтирилади. Тадқиқотимизнинг амалий натижаларини ўзида акс эттирган мультимедиал ўкув ресурс ҳамда ўқитувчилар учун чоп этилган ўкув қўлланмада ушбу технология ҳақида батафсил маълумот берилган (**З-иловага қаранг**). Қуйидаги жадвалда сифат даражалари намуналари гурух ўқувчиларига маълумот сифатида доскага ёзиб берилиши ҳам мумкин (12-жадвалга қаранг).

12-Жадвал

Board Race . Write Comparative and superlative degrees of adjectives

Comparative – er, more and superlative degree	Comparative – er, more and superlative degree
<ul style="list-style-type: none"> ▪ Busy ▪ Careful ▪ Clever ▪ Crazy ▪ Easy ▪ Large ▪ Tiny ▪ Cloudy ▪ Colorful ▪ Angry ▪ Awful ▪ Early 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Lazy ▪ Terrible ▪ Tired ▪ Low ▪ Narrow ▪ Round ▪ Loud ▪ Mute ▪ Noisy ▪ Modern ▪ Old ▪ Young

“Unit 7. My day” бўлими “I usually wake up” “Aziz always wakes up at ...” мавзуларида нотўғри феъллар З шахс бирлик шакли ҳамда хозирги оддий замон ҳақида машқлар акс этган. Хозирги оддий замон (дарак, инкор, савол шакллари) ҳамда ўқувчилар кундалик ҳаётида бажарадиган юмушларини инглиз тилида ифодалашни ўргатувчи лисоний бирликлар турли машқларда ҳамда иллюстратив материалларда ўқувчиларга тушунтирилади. Мазкур бўлим мавзуларида берилган нотўғри феълларни мустаҳкамлаш учун ҳам “Board Race” технологиясидан фойдаланиш тавсия қилинади. Мазкур технология айнан грамматик минимум материалларни коммуникатив тарзда ўргатишда мақбул. Ушбу технология тавсифи инглиз тилида батафсил баён қилинган.

“Unit 8. Things I like” бўлимида герундий, ўқувчиларнинг ёқтирган ёки ёқтиргмаган машғулотларидан иборат мавзулар ва маълумотлар берилган. Мазкур бўлимдаги мавзуларни мустаҳкамлаш учун мултимедиал ўқув ресурс материаллари ҳамда Дейв Спенсер (Dave Spencer) томонидан таклиф қилинган “Lip reading” технологиясини қўллаш тавсия қилинади. Ушбу технологияни амалга ошириш тартибини ўқитувчи ўқувчиларга оғзаки тушунтиради(**4-иловага қаранг**). Ушбу технология нутқий ва тил компетенцияларини ривожлантиришда мақбул бўлиб, чет тил эгаллаш жараёни самарадорлигини янада оширади. Ушбу технологияни қўллаш учун ўқитувчи ўқувчиларга дарсда берилган матн ёки машқлардан ўқувчиларга овоз чиқармасдан лаблари ёрдамида пичирлаб ўқиб беради. Масалан, ёқтирган машғулотларини ифодаловчи лисоний бирликлар. Ўқувчилар ўқитувчига эътибор бериб қараб қайси сўзни, сўз бирикмасини назарда тутаётганини биргаликда топишади ва айтиб беришади. Масалан, *drawing, ride a bicycle, sewing, dancing, cycling, reading, do crosswords, TV program, cooking, collect coins, play droughs, go to the circus* (лисоний бирликлар 8-бўлим кичик мавзуларидан олинди). Сўнгра, ўқувчиларга ёқтиргмаган машғулотларини ифодаловчи лисоний бирликлар ўқиб берилади. Масалан, *play football, washing dishes, wake up early, litening rock music, eating fish, cuddling (hugging), bowing, shake hands*.

Ўқувчиларнинг ёқтирган машғулотларига оид лисоний бирликлар ва малакаларни мустаҳкамлаш учун қўшимча қуидаги машқдан фойдаланиш тавсия қилинади. Мазкур машқдан фойдаланиш лингвистик компетенция негизида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришда қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу машқ талабига биноан, ўқувчилар мактаб ҳақида ўзлари ёқтирган ва ёқтиргмаган фикрларини жадвал ичига ёзиб

чиқишиди (13-жадвалга қаранг). Қўшимча, 5-синфларга оид “**Communicative English**” мультимедиал ўқув ресурс “**I like Math**” материалидан фойдаланиш тавсия қилинади.

13-Жадвал

Ўқувчининг мактабда ёқтирган ва ёқтиргмаган фаолиятлари

Your likes at school:	
Your dislikes at school:	

“**Unit 9. Furry Friends**” бўлими ҳайвонлар дунёсига оид. Ушбу бўлимда уй ҳайвонлари, уларнинг товушлари, яшаш шароити ва грамматик минимумга тегишли равишлар турли машқлар ёрдамида тушунтирилади, ўргатилади.

Ёввойи ҳайвонлар дунёси ўнинчи бўлим “**Unit 10. Wildlife**”да таништирилади, кенгайтириб борилади. Мазкур бўлим кичик мавзуларини мустаҳкамлашда расмли иллюстратив материаллардан кенг фойдаланилган. Мультимедиал ўқув ресурс материаларида ёввойи ҳайвонлар ва уй ҳайвонлари ҳақида маълумот берилган. Ўқувчиларга мазкур бўлимлар мавзуларини ўзлаштиришда қўшимча тадқиқот доирасида яратилган “**Communicative English**” мультимедиал ўқув ресурс 5-синфларга оид материалларидан (“**Exotic animals in the world**”, “**Wild animals life**”) фойдаланиш тавсия қилинади. Шунингдек, мазкур мавзуга қўшимча кумулятив характердаги Британияда яшовчи ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги когнитив маълумотлар ўқувчиларга ўргатилиши тавсия қилинади.

Bristol is a city and a country in England. There are a lot of wild animals. British scientists conducted research about 50 years on foxes. People usually take care of red foxes (Red Morph) there. Red foxes' fur are attractive and their size are smaller than other foxes from other regions. There are about four million red foxes in Bristol. They don't attack on people. At night they travel around houses and homes and search food themselves. British people like to share food them. There are badgers also live in England with red foxes.

“**Unit 11. Seasons**” ва “**Unit 12. What's the weather like?**” бўлимларидаги кичик мавзуларни ўқитишида мультимедиал ўқув ресурс 5

синфларга оид материаллардан (“The months of the year”, “Physical activities”) фойдаланиш тавсия қилинади.

“Unit 13. Spring holidays” бўлими 5-синфларда ўқитишга мўлжалланган охирги бўлим бўлиб, унга тегишли кичик мавзуларни ўқитишида мультимедиал ўқув ресурс 5-синфларга оид материаллардан (“Muslim holiday”, “Miss Polly had a dolly”, “London bridge is falling down”) фойдаланиш тавсия қилинади.

Мазкур бўлим кичик мавзулари бир нечта амалий машқлар орқали ўргатилади ва ўқув топшириқлар мустаҳкамланади. Уларда мамлакатимиз ҳамда Британия баҳор байрамларига оид маълумотлар акс этган. Ушбу мавзуни мустаҳкамлашда “Run to the board” технологиясини қўллаш тавсия қилинади. Ушбу технологияни қўллаш учун ўқитувчи синф ўқувчиларини 2 та гурухга ажратади. Доскага “Uzbek and British Holidays” ёзилади. 2 та гурухга ажратилган ўқувчилар мавзуга оид билган сўзларни доскага ёзишади. Ушбу технология тавсифи батафсил иловаларда баён этилган (**5-иловага қаранг**).

Айни дамда 5-синфга оид инглиз тилини ўқитишга тегишли мавжуд дарслик комплексида ўқувчиларга янги лексик бирликлар турли амалий машқлар орқали тақдим қилинади. Уларнинг кўпчилиги турли ҳажмдаги матнларда ва матнни мустаҳкамловчи машқлар орқали ўрганилади. Дарслик таҳлилларида мета кузатувлар шуни кўрсатади-ки, ўқувчилар учун янги сўзларни матнлар орқали эгаллаш жараёни ўзини оқламаяпди. Бунинг асосий сабаби, дарс жараёнида матнни ўқиш учун етарли вақт сарфланмаслигига. Аксарият ҳолларда матнларни ўқиш уйга вазифа тарзида берилади. Дарсликларда берилган лексик бирликлар асосан семантик тартибда (semantic sets) тақдим қилинган, яъни, ёввойи ҳайвонлар (*a tiger, an elephant, a crocodile*), тана аъзолари (*an arm, a leg, a head, a shoulder*), йил фасллари (*an autumn, a snow, a rain, a cold*) уй жиҳозлари ва бошқаларга оид. Бундай усулда янги сўзларни эгаллаш сунъий муҳитда инглиз тилини ўрганишга киришган ўқувчи учун самарасиз бўлиши табиий. Фикримизча, янги сўзлар синтагматик жумлалар “Syntagmatic links” орқали ўқитилса самарали натижаларга эришиллади. Масалан, озиқ овқатлар мавзусига оид лексик бирликлар “green salad, raw vegetables, organic vegetables, red apples, orange garden” каби бирикмалар лексик бирликларни самарали ўрганишга асос бўлиши амалий лингвистлар томонидан бир қанча тадқиқотларда назарий исботланган.

Машхур хорижлик психолог олим А.А.Леонтьев ва И.А.Зимняяларнинг таъкидлашича ўйинли технологиялар билан ўқувчининг коммуникатив, ўқув-

когнитив ва ўрганилаётган хорижий тилда тинглаб-тушуниш лаёқатларини шакллантириш мумкин [64; 90-б]. Шунингдек, 11-12 ёшли ўқувчида асосан, хотира, дикқат ва идрок қилиш каби психологик жараёнлар етакчи ўринни эгаллади [53; 128-б]. Ўқитувчининг монологик нутқи ҳам чет тил ўргатиш жараёнида жуда муҳимдир. Зеро, ўқувчининг бундай даври асосан, билим олишга ва ўқув-когнитив малакалар шаклланишида етакчи ўринни эгаллади. Бундай ёшдаги ўқувчиларга тадқиқотда муҳокама қилинган ҳамда белгиланган она тилига таяниш, инглиз тилини ўқитшида билиш психик жараёнлар (сезгилар, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, дикқат)ни инобата олиш, коммуникатив-когнитив ёндашув асосида машқлар бажарии, ижтимоий-маданий фонга мувофиқ аутентик матнлардан фойдаланиш, коммуникатив вазифаларни қамраб олган нутқий машқлардан фойдаланиш каби методик принципларни инобатга олиб инглиз тилини ўргатиш тавсия қилинади. Натижада, ўқувчилар матнни ўқиши ва у хақида тушунганларини гапириш, ўз фикр-мулоҳазаларини бемалол баён қила олиш, коммуникатив вазиятларда керакли лисоний бирликларни танлаб диалогга кириша олиш малакаларини эгалладилар.

Ўрганилаётган чет тилда коммуникацияни амалга ошириш жараёнини, инсон бош мияси фаолияти бошқаради. Бунда биринчи ва иккинчи сигнал сезги системалари фаолият кўрсатади. Биринчи сигнал системаси кўрув, эшитув хид ва таъм билиш орқали мавжуд нарсаларни англашга ёрдам беради. Иккинчи сигнал системаси эса тил белгилари орқали воқеликни умумлаштириш асосида шаклланади. Биринчи сигнал системаси, иккинчи сигнал системасидан бир мунча устун туради [47; 53; 82; 128]. Бу эса, ўқувчиларда мантиқий хотирадан кўра кўрсатмали ва ҳаракатли хотира муҳим аҳамиятга эга эканлигига намоён бўлади. Шунинг учун ўқувчилар мавхум тушунчалар, грамматик қоидалар билан берилган материалларга қараганда, яққол материаллар, воқеа-ходисаларни, образларни тезда эслаб қоладилар. Айниқса дарсликдаги таълимий материалларнинг маъносига тушунмай онг иштирокисиз эслаб қоладилар. Ўрганаётган материалларни мантиқий таҳлил қилмай, ёд олиб ўзлаштирадилар. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, ўқувчининг хотираси механик хотира бўлиб, берилган материални айнан ўзидай қилиб, хеч қандай ўзгаришсиз эслаб қолади. Иккинчидан, ўқитувчи томонидан берилган вазифа ва топшириқларни яхши англаб етмайдилар. Шу сабабли, ўқитувчининг дарс жараёнида уларга мурожаат қилган “*What colour do you like*”, “*What season do you like*”, “*Do you understand me*”, “*Who is on duty today?*”, “*What is your*

homework?” каби саволларига жавоб бериш ўрнига, ўқитувчига имитация қилиб, уларни такрорлашади. Сўнгра, ўқитувчи томонидан тушунтирилгандан кейин жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Учинчидан, ўқувчилар лексик бирликларни ўзлаштиришда ҳам ўқитувчи томонидан ўргатилганларни хўр бўлиб, гуруҳ бўлиб ёки индивидуал талаффуз орқали ўрганадилар. Бирок, улардан ўрганилган сўзлар алоҳида сўралса, жавоб беришга қийналишади.

5-синф ўқувчиларининг чет тилни, хусусан инглиз тилини ўрганиш жараёнида берилган ўқув материалларининг маъносини, моҳиятини, янги мавзуга оид сўзларни эслаб қолиш мантиқий хотираси орқали амалга ошади. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганиш жараёнида ақлий хотиралари ва хотира фаолиятлари анча етакчи мавқега эга. Ақлий фаолият (*mental activity*)га инглиз тилини ўрганиш жараёнида грамматик ходисалар (*grammar rules*)ни айнан қандай берилган бўлса шундай эслаб қолиш, ўқиш (*reading*) учун берилган ўқув материални ўқиб, уни англаб ўз сўзлари билан айтиб бера олиш, тинглаб тушуниш (*listening*) ҳамда ўқиш учун мўлжалланган матнлардаги энг зарур тушунчаларга эътибор бериш ҳамда ёзув малакаси (*writing skill*)ни ривожлантиришга ажратилган машқларни бажара олишлар киради.

Хотиранинг ривожланишида назорат муҳим аҳамиятга эга. Чет тилни ўзлаштиришга оид материални эслаб қолиш ва хотирани мустаҳкамлаш ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида турли усуллар билан ўргатиб борилиши керак. Психолог И.П.Павлов таъбирича, кузатувчанлик – ўқув материални самарали ўзлаштириш ва илмий билишнинг асосини ташкил қиласди [53; 101-б]. К.Д.Ушинскийнинг таъкидлашича бирор бир ўқув предметига оид материални эслаб қолиш ўқувчи учун мураккаб ҳисобланади [27]. Шунинг учун айни дамда замон талабига айланган дарсликларга илова қилинадиган мультимедиал ўқув ресурслардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Шунингдек, ўқувчиларга тафаккурни ривожлантириш ҳам чет тилларни хусусан, инглиз тилини ўргатиш жараёнида энг аҳамиятлидир [51]. Тадқиқотда нутқий ҳамда тил компетенциялар компонентларини комплекс ўргатиш, ўқувчи тафаккурининг ўсишини инобатга олган ҳолда ташкил қилинди. Натижада ўқувчиларнинг кузатувчанлиги, хотиранинг ривожланиши, мантиқий тафаккури ва танқидий фикрлаши ортиб борди. Ўқув материалларига сингдирилган таклиф қилинган машқлар ва технологиялар ўқувчиларнинг айнан мантиқий фикрлаш қобилияти, ақлий қобилиятини шакллантиришга хизмат қилди. Масалан, “*What's differences*

between a goat and a sheep?”, “What colour are your clothes?”, “Where do you like to live, a town or a city?”, “What transport is easy to use for you?”, “Why a tiger live in a forest?”, “Can you compare school English classroom with your own classroom?”, “What are healthy and unhealthy habits?”.

Чет тилда ўқувчи ўрганадиган лексик бирликларнинг образ, график, товуш ва семантик тимсоллари бор. Ўқувчи ёшидан келиб чиқиб, лексик бирликларни ўқувчи хотирасида, тушунчасида ва идрокида мавжуд сўзларни танлаш, чет тил ўқитиш методикасидаги муҳим шартлардандир. Ана шундагина, умумтаълим босқичида ўқувчилар учун **актив** (4та нутқ фаолияти турларини эгаллашда қўлланиладиган барча сўзлар), **пассив** (ўқиш ва тинглаб тушунишни эгаллашда қўлланиладиган сўзлар) ва **потенциал** (ўқувчи идроки орқали матнда ўқиб тушуна оладиган сўзлар) лексик бирликларни белгиланган миқдорда мукаммал ўзлаштириш имконияти яратилади. Умумтаълим мактаблари учун дастурий талабларда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган лексик бирликлар юқоридаги учта турларга ажратилган [7].

5-синфларда инглиз тилини ўқитища лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича юқорида қайд этилган методик ғоялар ва фикрларга биноан, қўйидаги тавсияларга амал қилиш таклиф қилинади:

1. Дарсликда берилган янги мавзуга тегишли лисоний бирликларни ўзлаштирищдаги иллюстратив материалларни, ўқувчи ўқиш жараёнида ўрганганилиги туфайли расм эмас, сўзларнинг рўйхатини келтириш мақсадга мувофиқ. Бундай методик амал ўқувчиларнинг инглиз тилига қизиқишини орттиришга имконият яратади;
2. Тадқиқотда белгиланган дидактик принциплар – ўқув материални ҳаёт билан боғлаш, прохимал ривожланиш, жуфт ҳамда гуруҳ бўлиб вазифалар бажариш, фикрлашга (танқидий) ўргатиш, ўрганиладиган мавзуни тахмин қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, самимий, хушмуомала бўлиш ҳамда онлайн таълимни самарали ташкил қилиш кабилардан мавзуларга қўшимча машқлар ва технологиялардан фойданишда инобатга олиш мақсадга мувофиқ;
3. Татқиқотда белгиланган психолигик ва методик принципларни инобатга олиш орқали ўқувчиларга инглиз тилини ўқитища умумий янги маълумотлар олишларини таъминлаш ҳамда билишга қизиқишлигини орттиришга эътибор қаратиш лозим;

4. Ўқувчиларни ҳаётий вазиятларда зарур тил воситаларини танлашда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдалана олишга йўналтириш, уларга нафақат инглиззабонлар маданиятини балки глобал инглиз тили мақомида инглиз тилини ўқитишга эришиш керак;
5. Ўқувчиларга ҳар бир бўлимни бошлашдан олдин қисқача нималар ҳақида ўрганишлари хусусида умумий тушунча бериш, дарслик ўқув машқларини мустаҳкамлашда уларнинг шахсий ва индивидуал қизиқишиларини инобатга олиш, уларнинг ўзига ишониш, ўзига баҳо бера олиш қобилиятларини (self-confidence/esteem) ривожлантиришга эришиш лозим;
6. Дарсликка илова қилинган мультимедиал ўқув ресурсларга қўпроқ амалий ўқув материаллари киритиш ҳамда қўшимча яратилган мультимедиал ўқув ресурслардан фойдаланиш лозим;
7. Амалдаги иш китобида (Workbook 5) берилган машқлар асосан уйга вазифа қилишга мўлжалланган. Унда ҳар бир мавзуга тегишли битта уйга вазифа машқигина берилган. Шунинг учун дарсликка тегишли ёзув дафтирида кичик мавзуларни мустаҳкамловчи уйда мустақил бажариш учун машқлар микдорини кўпайтириш лозим;
8. Дарсликлардаги ўқув машқлари талабини ўқувчиларга тушунарли қилиб расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Дарсликлар бўлимларида берилган грамматик минимум материалларини тушунтиришда лозим ҳолларда қоидавий яъни алгоритмик усулдан фойдаланиш керак;
9. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури (I-IX синфлар) I-IV бошланғич синфларда ўргатиладиган мавзулар таркибиغا Эртаклар мавзуси киритилган. V-синфда эса бу мавзу киритилмаган. VI-синф мавзулар тақсимотида яна Эртаклар олами мавзуси берилган. Фикримизча V-синфда Эртаклар олами мавзусига эътибор қаратилиши керак. Шунинг учун қўшимча эртаклардан фойдаланиб, дарсларни ташкил қилиш керак. Хусусан, 6-синфдан ҳажман кенгайтириб борилишига эътибор қаратиш лозим.
10. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг умумий дунёқарашини ривожлантирадиган коммуникатив-когнитив, коммуникатив-кумулятив мазмундаги қўшимча матнлардан, тинглаб тушунишга оид мультимедиал ўқув ресурс материалларидан ҳамда ёзма фикрни ривожлантирувчи машқлар, технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

11. Лингвистик компетенцияни ривожлантириш жараёнидаги күнімка ва малакалар, ўқувчилар учун мавзуларни ўзлаштиришда вужудга келадиган интерференцион қийинчиликларни ва ушбу қийинчиликлар туфайли қилинган ҳатоларни олдини олишга хизмат қилиши керак.
12. Машхур психолог ва физиолог олимлар Э.Н.Бойко, Э.Н.Соколов ва З.Фрейднинг таъқидлашича, ўқувчининг эътиборини тортадиган меъёридан кўп бўлган ёрқин тасвирлар, улар учун белгиланган билим, малака ҳамда кўнкималарни ўзлаштиришга тўсқинлик қиласди [100; 35-б; 118-б]. Шунинг учун муҳокама қилинган дарслик ўқув материалларини жуда кўп тасвирлар, суръатлар билан безатилиши ҳам методик талабларга мувофиқ эмас. Хуллас, ўқув машқлари топшириқларини тушуниш учун соф инглиз тилида гапларни қўллаш ҳамда лозим пайтларда расмлардан лексик бирликлар маъносини очишда фойдаланиш тавсия қилинади.
13. Дарслик ўқувчи китобидаги айрим машқлар талабига қўшимча топшириқлар киритиш тавсия қилинади. Масалан, “Look and say”, “Read and answer”, “Look and write” каби машқларга “Look, say and use”, “Read, answer and narrate” “Read, look and write” киритиш шулар жумласидан.
14. Бўлимлардаги мавзуларда мактаб ўқув ресурс хонаси (Resource center) яъни кутубхона ҳақида маълумотлар ҳамда ундан фойдаланиш этикети ҳақида амалий машқлар ҳамда лисоний бирликлар рўйхати келтирилиши мқсадга мувофиқ. Натижада, ўқувчиларни ахборот ресурс маркази билан яқиндан танишиш ҳамда уларни китоб ўқишига бўлган қизиқишлирини янада ортишига эришилади.
15. Ўқувчиларга тафаккурни ривожлантириш инглиз тилини ўргатиш жараёнида энг долзрб масаладир. Шунинг учун нутқий ҳамда тил компетенцияларни комплекс ривожлантириш, ўқувчилар тафаккурининг ўсишини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши тавсия қилинади. Натижада ўқувчиларнинг кузатувчанлиги, хотиранинг ривожланиши, мантикий тафаккури, танқидий фикрлаши ҳамда ақлий қобилияtlари ортиб борди.

2.3. Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган машқлар ҳамда технологиялар

Республикамизнинг барча таълим турларини модернизациялаш бугунги куннинг энг долзарб масалалариданdir. Зоро, мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тилларни хусусан, инглиз тилини ўқитиши жараёнини замонавий ёндашувлар асосида ташкил қилиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бўлажак А2 даражаси битирувчиларида инглиз тилини ўргатиш орқали коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, муайян мавзулар асосида дарслик ўқув материалларини ўзлаштириш орқали билим олиш катта аҳамиятга эга.

6-синфларда замонавий талаблар асосида чет тилларни ўргатиш мамлакатимизда 2018-19 ўқув йилидан амалга оширилди. Жумладан, ушбу ўқув йилидан “**Teens’ English 6**” (*Pupil’s book, Workbook*) дарслик мажмуалари яратилди. Мазкур дарслик бир катор ижобий ютуқларга эга бўлиб, амалиётга татбиқ қилишда белгиланган тартибда тажриба-синов жараёнлари амалга оширилди. Улардаги ма взулар ва мустаҳкамловчи машқлар миқдори ҳар бир дарс учун мувофиқ тақсимланган. 6-синфда ўргатиладиган мавзуларда берилган ўқув машқ турлари жадвал қўринишида батафсил таҳлил қилинди. Бундан кўзланган бош мақсад, чет тил ўқув предметини ўқитиши ҳолатини ижобий томонга ўсишига кўмаклашиш ҳамда ўқувчиларда талаб қилинган лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни фаол ривожлантиришдан иборат. Қуйида мазкур дарслик булимлари ва кичик мавзулари муҳокама қилинади ҳамда уларни такомиллаштиришга оид қўшимча методик амаллар бажарилади.

1-бўлим “**Professions**” мавзусида ўқувчи китобида “**T.V. star**”, (*Workbook: film star*) касбларини ифодаловчи лисоний бирликлар киритилган. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган машқда касбларга оид лексик бирликларни расмдаги тасвиirlар асосида белгилаш сўралган. Ушбу мавзудаги “**T.V. star, Film Star**” касблари ўрнига “**Sanitary worker, Lorry driver, football player**” каби қўшимча касбларни киритиши мақсадга мувофиқ. Чунончи, расмларда ушбу касбларни ифодалайдиган тасвиirlар мавжуд. Натижада, ўқувчилар бир нечта янги касбларнинг инглиз тилида номланишини ўрганади. Касблар мавзусини мустаҳкамлаш учун қуйидаги мустаҳкамловчи машқдан фойдаланиш тавсия қилинади (14-жадвалга қаранг).

Касблар мавзусини мустакамловчи машқ

Tick the pictures with the correct job vocabulary			
	teacher, farmer, nurse, seller driver, cook		fireman, policeman, nurse, seller driver
	farmer, doctor, driver, cook, seller		postman, doctor, driver, cook, seller
	Fireman, farmer, nurse, seller driver		farmer, doctor, driver, cook, seller
	fireman, farmer, nurse, seller driver		teacher, farmer, nurse, seller driver, cook
	fireman, farmer, nurse, seller driver		postman, farmer, nurse, seller driver

Тадқиқот амалий натижаларини акс эттирган 5-6 синфларда инглиз тилини ўргатишига мўлжалланган “Communicative English” мавзули мультимедиал ўкув ресурс “**the 6 th form – Lessons**” бўлими “**Speaking short sentences about family**” материалларидан, юқоридаги биринчи бўлим мавзуларини ўқитишида фойдаланиш тавсия қилинади. Натижада, ўкувчилар оила аъзолари ҳақида оғзаки гапириб беришни ўрганади хамда ўкувчиларнинг нутқий компетенциясини ривожлантириш амалга оширилади. 4-мавзуси учун “**Wedding in Fergana**” матни, Фарғона вилоятининг тўй маросимига бағишлиданади. Ушбу матн ўзбек тўй маросимлари анъаналарига оид бўлганлиги учун “**Uzbek wedding celebrations/ceremonies**” деб номлаш маъқул. 5-мавзуу “**Uzbek and English**

weddings” мавзуси “**English wedding celebrations/ceremonies**” деб аталиши мақсадга мувофиқ. Мазкур мавзуга оид мустаҳкамловчи машқлар миқдорини инглиззабон мамлакат вакилларининг тўйлари ҳақидаги қўшимча маълумотлар билан кўпайтириш ҳамда тўй маросимларига тегишли лексик бирликлар ҳамда ўқувчилар учун қўшимча янги маълумотлар рўйхатини бериш тавсия қилинади. Масалан, “*In Britain flowers carried by the groom; Ring bearer (a young boy) who takes care of the rings until they are needed in the ceremony; Hen night is a party for the bride-to-be and her female friends; Stag night is a party for the groom-to-be shortly before his wedding with all his male friends; The bestman is a person (often a father and a mother of a bride or the groom) who stands with and supports the groom during the party; A bride throws her bouquet to guests after the wedding ceremony*”. Хуллас, мазкур бўлимдаги ўзбек ва инглиз миллати тўйларига оид намуна сифатида келтирилган қўшимча маълумотлар ўқувчиларга ўрганиладиган мавзулар ичida инобатга олинса, социолингвистик компетенцияни фаол ривожлантиришга эришилади.

Ушбу мавзунинг 4-машқ топшириғида “*Draw your family tree and write about one relative*” топшириғи берилган. Аммо оила дарахти ҳақида қуйи синфларда маълумотлар ва машқлар берилган. Бундай тафтология машқлари ўрнига янги когнитив маълумотлар берилиши мақсадга мувофиқ.

2-бўлим “**Houses and homes**” деб номланган. Фикримизча, дастлаб мазкур бўлимда ўқувчиларга лексик бирликлар “*Houses and homes*” фарқини тушунтириш мақсадга мувофиқ. Инглиззабон миллат вакиллари ушбу сўзларни турли маъноларда ишлатади. Бўлимда мазкур лисоний бирликларнинг маъноларини очиб бериш тавсия қилинади. Қуйидаги машқ ушбу амални бажаришга қаратилади.

Таклиф қилинаётган машқ талаби: “**Look and match. Read the definitions about A HOUSE or A HOME and match their correct definitions. Then make your own sentences to these vocabularies and tell to your friend where do you live? A house or a home**”. Қаранг ва танланг. Уй лисоний бирликка оид сўзларга берилган таърифларни ўқинг ва мувофиқ маъноларни англатадиган гапларни белгиланг. Сўнгра улардан фойдаланиб гаплар тузинг ва дўстингизга қаерда яшаингизни айтиб беринг?

A house***A home***

- 1) *A building in which a family lives. You can built it yourself too.*
- 2) *The place where a person lives. You can live in it with your family.*


“Unit 3. At the Grocery” бўлимнинг “What is in the fridge” мавзуси 3-машқда музлатгич, озиқ-овқатлар, лексик бирликлар “A Sugar, A Salt, An Oil” тасвирлари берилган. Ушбу машқда берилган лексик бирликлар рўйҳатига қўшимча музлатгичда сақланадиган қўшимча озиқ-овқатлар рўйҳатини киритиш тавсия қилинади. “Is there any fruit?” мавзуси “2 а” машқида “Қаранг ва белгиланг. Эшигинг ва тақрорланг” маъноларни англатувчи топшириқ мавжуд. Унда 5 та турдаги “A Flour, An Honey, A Lemonade, Chips, A Juice” озиқ-овқат маҳсулотининг расмли тасвирлари акс эттирилган. Расмларда 3 та маҳсулот “A Flour, A Lemonade, Chips” тасвирлари мавжуд. Ушбу машқ талабини такомиллаштириш учун қайта кўриб чиқиш тавсия қилинади.

Умумий ўрта таълим мактабларига мўлжалланган ўқув дастур талабларига мувофиқ, 6-синфларда, аниқ артиклнинг географик номлар олдидан қўлланилиши, тўғри ва нотўғри феълларнинг ўтган замон шакли, “used to” ибораси, сифат даражалари ва бошқа грамматик ҳодисалар лексик усулда яъни қоида бермасдан ўргатилиши қайд қилинган. Ўқувчи китобида ушбу мавзулар коммуникатив усулда тақдим қилинган. Мазкур бўлим мавзуларини мустаҳкамлашда қўшимча “Communicative English” мультимедиал ўқув ресурси “the 6 th form – Lessons” бўлими “How to make sentences”, ўқув материалидан фойдаланиш тавсия қилинади. Бу орқали ўқувчилар инглиз тилида ёзма ва оғзаки гаплар тузиш малакасини эгаллайдилар.

2-бўлим “Welcome to my home” мавзусини мустаҳкамлашда ёзма нутқни ривожлантирувчи машқдан фойдаланиш тавсия қилинди. Унда Шаҳло исмли ўқувчига ўзининг бувисига норасмий хат ёзиш топшириғи берилган. Ушбу машқда берилган хатнинг дарсликда берилган норасмий хатлардан фарқи, ёзиш лозим бўлган лисоний бирликлар, расмлар кўринишида берилган. Ушбу машқда Шаҳло расмлардан фойдаланиб, хатни тўлдириш топшириғи берилади. Ушбу амалий топшириқ орқали бир вақтнинг ўзида дарсда ўрганилган лисоний бирликларни мустаҳкамлаш, расмли лексик бирликларни инглиз тилида қандай номланишини топиш амали ўқувчи томонидан бажарилади. Топшириқ ва машқ қуйидагича:

Shaxlo wants to write a letter to her grandma. Read and complete the letter. There are pictures in a letter, change pictures to words.

Dear grandma.



I like our new



and my bedroom. It is a big room. There are

furnitures and a



in my room. I have not got a big bed, but I have a

small



near the



, next to it an old




. My




is

next to my



. The




door is not large and opposite of it is, my



table. My clothes are in the



and you can see a



on the wall.

My new



are in the



. I am getting old, that's why I have not

in my room. I think when you are going to visit our new apartment,


you will see my room yourself and we can sleep there together.

Your lovely granddaughter Shaxlo.

See you soon.

Мавзуларни мустаҳкамлашни коммуникатив технологиялар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. З-бўлим “At the grocery” кичик мавзуларни ўқитишида “**Drawing Dictation**” усулидан фойдаланиш тавсия қилинади (**6-илова**). Ушбу технология ғарб мамлакатлари мутахассислари томонидан кенг қўлланилади ҳамда ўқувчиларда нутқий компетенцияни ривожлантиришда самарадор. Дарслик муаллифлари айрим кичик мавзуларни ўқитишида ушбу усульдан фойланишни ўқувчи китобида баён қилишган. Бироқ, олиб борилган тажриба-синов жараёнларида биз чет тил муаллимларининг бу усульдан фойдаланмаганини кузатдик. Ушбу технология тавсифи “Communicative English 2” мультимедиал ўқув ресурсда батафсил ёритилган (**7-илова**). Ушбу усул тавсифи инглиз тилида қуйидаги расмда ифодаланади, **1-Расмга қаранг**.

1-Расм



Teacher invites a volunteer from students to the board and gives instructions for doing this exercise. In the drawing dictation, students describe a simple drawing to their partner, who has to draw exactly the same picture on the board. Then a volunteer tries to draw a picture with a help of his/her classmates with descriptions. Beforehand a teacher distributes handouts with a drawn picture. After that, a teacher can correct if ss have some mistakes with describing a handout picture. When feedbacks, the teacher explains some grammar mistakes in a students' speech.

“Unit 4. At the market” бўлим кичик мавзуларида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга оид материаллар, машқлар берилмаган. Зеро, мавзуларга мувофиқ, инглиззабон ўқувчилар ҳаётидаги соғлом овқатланиш намуналаридан мисоллар келтириш, қандай уй ҳайвонларни парвариш қилишлари ва бошқа қўшимча маълумотлар берилиши дарслик мазмунини янада бойитади.

Ўқувчи учун инглиз тилини мукаммал эгаллашда грамматик қоидаларнинг ахамияти эътиборлидир. Юқори синфларда олмошларни ўргатиш синфлараро кенгайиб боради. Тилда мавхум маъно ва мустақил функцияга эга бўлган предметларни ва уларнинг белгисини ва предметлар ўртасидаги синтактик алоқаларни қисман кўрсатиб келган сўз туркумига олмош дейилади. Олмошлар гапда от ва сифат сўз туркумлари ўрнида ишлатилса ҳам, предмет ва уларнинг маъносини тўғридан тўғри ифодаламайди. Ўқувчилар олмошларни ўзларига керак нутқий вазиятларда турли мазмундаги дискурсларда катнашиш учун мукаммал ўрганиши лозим (**8-12-иловалар**).

“Unit 6” бўлими “**Life in the past**” мавзусида “*Play computer games*” сўз бирикмасини дидактик-педагогик принциплар – ўқув материални мустаҳкам эгаллаш, таълим бериш орқали тарбиялаш принципларига таяниб, қўшимча “*Make/do a presentation with the computer*” бирикмасини киритиш тавсия қилинади. “**Unit 7. Cooking**” бўлимида “*Can you cook palov?*” мавзусига қўшимча “*Palov is a traditional meal; I can cook it*” мавзуларига кичик матнларни киритиш, аудитив машқларни кенгайтириш нутқий ва тил

компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам беради. “Fast food” таомларининг соғлик учун заарлари ҳақида қўшимча когнитив ўкув материаллари киритиш, проект иши дарсида “British and Uzbek meals” мавзусида кичик гурухларда презентация қилиш топширигини бажариш вазифасини бериш тавсия қилинади.

7-синф “Teens’ English 7 (Pupil’s book, Workbook)” дарслик мажмулари асосида инглиз тили ўқитиши 2019-20 ўкув йилидан амалга оширилди. Тадқиқотда белгиланган вазифага амал қилган ҳолда мазкур дарслик бўлимлари ҳамда мавзулари таҳлил қилинди.

Ўқув дастурий талаблари ҳамда чет тил ўқитиши методикасидаги илмий асосланган назарияларга биноан, 7-синфлардан тинглаб тушуниш ва ўқиш нутқ фаолияти турлари оралиқ амалий мақсад, гапириш ва ёзув нутқ фаолияти турлари восита ҳисобланади. Ушбу методик қоидаги биноан, нутқий компетенцияга тегишли аудитив ҳамда матн ўқиш малакалари орқали когнитив билимлар ўзлаштирилади. Дарсликда ҳар бир бўлимда қўшимча матнлар ўқиш уйда ўқиш (*Home reading*) учун бериб борилади, бироқ матнларни ўзлаштиришга оид машқлар дарсликда ишлаб чиқилмаган. Ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини мустаҳкамлаш учун матнларни ўқиш жараёнида матн олди, матнни ўқиш жараёни ва матнни ўқигандан кейин бажариладиган машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Матн олди машқлари (Pre-reading exercises) лисоний қийинчиликларни бартараф этиш ҳамда лисоний бирликларни тушуниш стратегиясини ривожлантириши назарда тутади. Уларни қўллаш инглиз тилидаги матнларни ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда ўқувчиларнинг лисоний тажрибасини актуализация (ишга солиш)га хизмат қиласи.

*Матнни ўқиши жараёнида бажариладиган машқлар (While-reading exercises)*дан шуни англаш мумкинки, унда асосан ўқувчиларнинг ўқиш тезлигини (**Reading Speed**) оширишга ва матн мазмунини англашга ҳаракат қилинади. Матнларни ўқишдан қўзланадиган асосий мақсад эса лисоний бирликларни таниб олиш, эгаллаш ва мазмунни эслаб қолишдан иборат. Мазкур машқлар рўйхатини умумлаштиришда тадқиқот ишида аниқлаштирилган принципларга амал қилинди. Шунингдек, матнларни ўқишда бажариладиган машқлар орқали дарслик материалларида ўрганилган грамматик ҳодисалар ҳам мустаҳкамланиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Куйида тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган матн олди ҳамда матн ўқиши жараёнида бажариладиган машқ намуналари баён қилинади (15-жадвалга қаранг).

**Матн олди ҳамда матн ўқиши жараённан
бажариладиган машқ намуналари**

<i>Pre-reading exercises</i>	<i>While-reading exercises</i>
<p>1. Read and find answers to the following questions; 2. Read and pay attention to the verb tenses used in the text; 3. Read the text and complete sentences using the correct form of the word given in brackets; 4. Read the passage and try to guess the meaning of unfamiliar words, word combinations and phrasal verbs; 5. Match the word with its definition; 6. Do skimming the text and write a brief summary about the main idea; 7. Scan the text and find nouns that only have plural forms; 8. Give your own opinion. Use present/past/future tenses accurately. 8. What kind information can I/you expect to find from the text?; 9. Can I/you predict the structure of the text from the title?</p>	<p>1. Read and narrate the text to your friend; 2. Find the Past Participle of the verbs and write them on the line; 3. Multiple choice. Choose/tick one of the three answers which you think the correct answers according to the text; 4. Read the text. Then, read sentences/questions below and circle the correct answer; 5. Turn these active sentences into the Passive form; 5. Think of a similar word or expression in bold and write them; 6. Below are some words taken from the text. Try to guess their meaning by thinking about the context in which they are found; 7. Find and underline sentences where is used “Will” future tense forms; 8. Read, find and underline compound adjectives; 9. Make your own sentences using compound adjectives and tell them to the class. Respond appropriately.</p>

Хусусан, матн ўқилгандан кейин бажариладиган машқлар (**Post-reading exercises**) асосан ўқувчи матнни қандай тушунганлигини назорат қилиш учун бажарилади. Мазкур машқ намуналари қуидаги жадвалда баён қилинади (16-жадвалга қаранг).

Матнни ўқигандан кейин бажариладиган машқ намуналари

<i>Post-reading exercises</i>
<p>1. Read the following Passage and select 2 correct answers from 5 options (A-E; 2. Match the beginning of each sentence (A-E) with the correct endings (1-7); 3. Select the word in each group that does not have the same meaning; 4. Before you read the text you should ask yourself or from your partner a few questions; 5. Does the title give me/you a clear idea of the content?; 6. Do I/you know anything about this topic?; 7. Short answer questions. Read the passage/paragraph and answer the questions (A-E) with the words from the text. Write NO MORE THAN TWO WORDS or A NUMBER.</p>

Ўқувчиларга бериладиган машқлар талаби аниқ қилиб берилиши лозим. Масалан, “**Short answer questions**” машқини бажаришда ўқувчи матндан фойдаланиб, сўралган маълумот асосида керакли миқдордаги сўзларни

тўлдириши керак. Бундай машқда жавоблар матнда кетма-кетликда жойлашганлиги ҳамда керакли рақам ёки сўзларни тўлдириб жавоб бериш лозимлиги ўқувчиларга тушунтирилиши лозим.

Ўқиши нутқий фаолиятни мустаҳкамлаш учун матн ҳамда машқлар рўйхати келтирилди (**10-Илова**). Ушбу матнда тинглаб-тушуниш малакасини ривожлантиришга ҳам аҳамият берилди, ўқувчиларга матн бир вақтнинг ўзида тинглаб тушунтирилади. Мазкур матн дарсликнинг **3-бўлимига** тегишли кичик мавзуларни (22 бет) ўқитишида фойдаланиш тавсия қилинади.

Ўқувчи учун оғзаки шаклдаги дискурсни эгаллаш муҳим вазифа саналади. Ўқитувчининг инглиз тилидаги қўрсатмаларини оғзаки нутқида идрок этиш чоғида ўқувчи, ўзлаштирадиган тил материалини сунъий муҳитда ўрганиб боради. Бу каби таълимий вазифани бажариш учун бир қанча технологиялардан фойдаланиш, ўқувчиларда чет тил ўрганишдаги мотивацияни кучайтиради ҳамда самарадорликни таъминлайди. Шу ўринда технология термини хусусида тўхталсак. Технология лингводидактик тушунча сифатида кам вақт, куч ҳамда маблағ сарфлаб таълим мақсадига эришишни таъминлайдиган сай-ҳаракатларни илмий ташкил қилишнинг оқилона усуллари мажмуини ифодалайди. Ж.Жалолов илмий мулоҳазаларига биноан, у ёки бу тилни ўқитиши технологиясини лингвотехнология деб аташ маъқул [45]. Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиши самарадорлигини ривожлантиришда қўшимча технологияларни қўллаш тавсия қилинади.

“**Unit 1**” бўлими 2-мавзу “**1c**” машқи талабида “Қаранг ва ёзинг (Look and write)” топширигини бажариш сўралган. Ўқувчи “*What are 4 countries in the UK*” саволига жавоб ёзиши учун, харитада мамлакатлар номларини киритиш мақсадга мувофиқ. Бўлимнинг 4-6-мавзуларида Бирлашган қироллик, Россия, Франциянинг аҳоли сони маълумот сифатида киритилади, бу рақамларни инглиз тилида айтиш орқали сонлар талаффузи мустаҳкамланади. Мазкур кичик матнларга давлатларда яшайдиган асосий миллатлар, аҳолисининг яшаш тарзи ҳақидаги янги маълумотларни қўшиш билан кенгайтириш тавсия қилинади.

“**Unit 5**” 1-мавзу 2-машқда “*Look and think. When can you wear these clothes? Write*” топшириғи берилган. Ушбу машқ оғзаки ва ёзма бажарилади. Унда турли миллат вакилларининг миллий либослари ифодалангани учун, машқ талабига қўшимча “*When and where do people wear these clothes? Write*” топшириғи берилиши мақсадга мувофиқ.

7-синфларда яна бир оралиқ амалий мақсад бу тинглаб-тушуниш малакалари бўлиб, дарслик материалларида аудитив малакаларни

мустаҳкамлаш учун етарли машқлар берилган. Тадқиқотда, ўқувчиларга аудитив нутқ фаолияти турида тил материаллари мустаҳкамланиб ёки такрорланмасдан, когнитив ёндашувга амал қилиниши тавсия қилинади. Ушбу методик назарияга таяниб, тадқиқот натижасида нутқий ва тил компетенцияларини ривожлантириш учун қуидаги тинглаб-тушуниш машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади (17-жадвалға қаранг).

17-жадвал

Тинглаб-тушуниш машқ намуналари

Аудитив малакаларни ривожлантирувчи машқлар	Аудитив малакаларни мустаҳкамловчи машқлар
<p>Warm-up listening. Listen and choose the best answer; Listen and complete the chart; Listen and summarize using words from the Word Box; Listen again and choose the correct statement; Listen and write the words under the correct picture; Listen and circle the word you hear from each dialogue; Listen and complete the picture by drawing the missing parts; Listen and check the correct picture;</p>	<p>Let's Listen and Number. Put the sections in order; Listen and check the correct picture; Listen to the dialogue. Then ask and answer with your friend; Listen to the first dialog again and fill in the blanks; Listen and choose the best response; Listen to the first dialogue and fill in the blanks; Listen and answer the following questions; Listen and circle (the best, worst) food/dress/subject at school/health problems/sport from each person's ideas.</p>

Юқорида муҳокама қилинган машқлар билан бирга самарали технологиялар ҳам ўкув жараёнига тадбиқ қилинса амалий мақсадга эришиш жадаллашади.

“**Define it**” технологияси батафсил 7-синфларга мүлжалланган “Communicative English 2” (DGU 20191689-сон) мультимедиал ўкув ресурс материалларида ёритилган. Ушбу технология айнан нутқий, тил компетенцияларни ривожлантиришда фойдаланилди. Уни амалга оширишда матн устида ишлаш бўйича амаллар бажарилади. Берилган лисоний бирликларни тушунгандигини назорат қилишда самарали (**11-Илова**).

“**Memory story**” технологияси батафсил 7-синфларга мүлжалланган “Communicative English 2” (DGU 20191689-сон) мультимедиал ўкув ресурс материалларида ёритилган. Ушбу технологиядан фойдаланиш орқали ўқиш нутқ фаолиятини такомиллаштириш, грамматик ҳодисаларни ҳамда хотирани мустаҳкамлашда самаралидир. Уни амалга оширишда ўқитувчи доскага кичик матн ёки бир нечта гапларни ёзади. Ўқувчиларга доскадан ёзилган матнни хор бўлиб ўқиш топширифи берилади. Сўнгра, ўқитувчи матндан бир нечта сўзларни ўчиради ва ўқувчиларга жўр бўлиб матнни тўлиқ ўқиш

топшириғини беради. Сүнгра ўқитувчи матн ёки гаплардан яна бир нечта жумлаларни үчириб чиқади ва ўқувчиларга матнни жүр ҳолда ўқишини топширади. Бу босқычлар бир неча бора давом этади (**12-Илова**).

“**Running dictation**” технологияси батафсил 7-синфларга мұлжалланған “Communicative English 2” (DGU 20191689-сон) мультимедиал ўқув ресурс материалларида ёритилған. Технологияни амалға ошириш учун танланған матн бир ҳил ҳажмда кесиб синф хонасининг турли бурчакларига қўйиб чиқилади. Сүнгра, ўқитувчи ўқувчиларни 2 та кичик гурухларга ажратади, жуфтликнинг биттаси синф хонасидаги яширинган матн парчаларини топади, унда ёзилған жумлаларни ўқиб хотирасида сақлаб, шеригига оғзаки баён қилиши керак. Бу жараён бир неча бора тақрорланади. Белгиланған вақтдан кейин ўқитувчи ўқувчиларга матн мазмунига биноан, ёзганларини тўғри кетма-кетлиқда ҳикоя тарзида жойлаштиришни ёки тўғри кетма-кетлиқда қўйиш топшириғини беради (**13-Илова**).

“**Opinion dictation**” технологияси батафсил 7-синфларга мұлжалланған “Communicative English 2” (DGU 20191689-сон) мультимедиал ўқув ресурс материалларида ёритилған. Мазкур технология лингвистик компетенцияни ривожлантиришда қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Уни амалға оширишда ўқитувчи ўқувчиларга индивидуал қўйидаги жадвални чизиш топшириғини беради. Ўқувчиларга мавзуга оид бир нечта гапларни ўқиб беради ёки мультимедиал ўқув ресурс орқали аудиоматн эшиттирилади. Ўқувчилар ўқиганлари ва тинглаб тушунған гапларга тегишли фикрларини ёзма жадвалга биноан ёзишлари керак бўлади. Масалан, “I agree-Мен бу фикрга қўшиламан”, “I disagree-Мен бу фикрга қўшилмайман”, “It depends-Бу ...га боғлиқ” каби мавзуларда шахсий фикрларини ёзма қайд қилиб боришади. Белгиланған вақтдан сўнг ўқитувчи уларга ёзга фикрларини синфдаги ўкувилар билан муҳокама қилиш топшириғини беради (**14-Илова**).

I agree	I disagree	It depends
---------	------------	------------

“**Word by word story**” технологияси батафсил 7-синфларга мұлжалланған “Communicative English 2” (DGU 20191689-сон) мультимедиал ўқув ресурс материалларида ёритилған. Мазкур технология лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришда қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Уни амалға ошириш учун ўқитувчи бир нечта гапларни доскага ёзади. Ушбу матнни давом эттириш учун ҳар бир ўқувчи биттадан сўзни оғзаки айтади, ўқитувчи уларни доскага ёзишда давом этади. Натижада, кичик мазмундаги матн яратилади ҳамда грамматик ҳодисалар ҳам

мустаҳкамлаб борилади. Мазкур технологияни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари гурух/жуфт/жўр ҳолда ҳам мустақил мавзуда матн яратишлари мумкин (**15-Илова**).

“*Playful pictures*” технологияси тавсифи батафсил 7-синфларга мўлжалланган “Communicative English 2” (DGU 20191689-сон) мультимедиал ўқув ресурс материалларида ёритилган. Мазкур технология лингвистик, социолингвистик компетенцияни ривожлантиришда қўлланилиши тавсия қилинади. Ушбу технологияни амалга ошириш учун ўқитувчи 2 та ўқувчини танлайди ва уларга синф хонасидан ташқарига чиқиб кутиб туришларини тушунтиради. Доскани 2 га ажратади ва гурух ўқувчиларини ҳам 2 та кичик гуруҳларга ажратади. Ҳар бир гуруҳга алоҳида мавзуга оид расмларни тарқатади, биргаликда уни оғзаки тасвирилаш машқ қилинади. Сўнгра, ташқаридан турган ўқувчилар синф хонасига таклиф қилинади ҳамда ўқувчилар уларга расмни оғзаки тасвирилаб беришади. Мазкур технология “*Drawing dictation*” технологиясига яқин, бироқ тавсифи турличадир (**16-Илова**).

Социолингвистик компетенцияни ривожлантиришда ўқувчи тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини ўзи яшаётган мамлакат маданияти билан ҳамоҳанг эгаллаши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтган эдик. Чет тил дарсларида ўқувчиларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришни алоҳида эътиборга олиш керак [65; 66-б]. Масалан, биз ўзбеклар Ўрта Осиёлик аҳоли ҳисобланамиз. Шунинг учун тили ўрганилаётган мамлакат вакиллари хаёт тарзини биз яшаётган Осиё қитъаси аҳолиси турмуш тарзи билан таққослаб ўргатиш мумкин. Масалан, “*Asian people are smaller than Europeans. / A few people in the South of Germany eat sauerkraut and drink a lot of beer. Most girls are big and burly in Germany / American girls like to say about their heights when introducing themselves but Germans do not*”. Хорижий мамлакатлар маданиятлардан намуналар, миллийлигимизга хос мисоллар билан ўргатилиши мақсадга мувофик. Социолингвистик контекстда инглиз тилини ўрганиш жараёни мана шундай ташкил қилинса, ўқувчиларимиз мамлакатимиз маданияти, урф-одатлари, анъаналари ва миллий менталитетимизга бўлган ҳурмат эътибори янада ортади. Бу эса, ҳар бир ўқувчини бетакрор Ўзбекистонимизни асраб – авайлаш ва унга содик бўлиш руҳида тарбияланишга етаклайди (**17-Илова**).

6-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантириш бўйича ҳал қилинган методик масалаларга таяниб, ушбу

синфларда ўқув жараёнини такомиллаштириш учун қуидаги тавсиялар ишлаб чикилди:

1. Мавзулар күлами орқали инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларнинг элементар ҳаётий тажрибалари инобатга олиниши ҳамда хорижлик ўқувчилар ёшига tengdoш болаларнинг ҳаётий тажрибалари, яшаш тарзи билан қиёсланиши мақсадга мувофиқ;
2. Табий инглиззабонлар нутқини тинглаш, кўриш атроф-муҳитда мавжуд бўлмаганлиги сабабли, бунга дарс жараёнидаги ўқитувчи ёрдамида ҳамда мультимедиал ўқув ресурс материаллари орқали эришилади. Буларнинг барчасида чет мамлакатлар ўртасидаги маданий фарқлар яққол кўрсатилиши керак;
3. Ўқувчи учун инглиз тилини ўқитиши жараёнидаги (оралиқ амалий мақсад мақомида) тушуниш муҳимлиги боис, тинглаб-тушунишга, ўқиб тушунишга, турли диалоглар ва муҳокамалар орқали сухбатдошларни тушунишга этибор қаратилиши тавсия қилинади;
4. Ўқув мавзуларини ўргатишида ўқувчиларга эстетик ва этик тарбия бериш масаласига алоҳида эътибор қаратиласида. Бу жараён ўқитувчининг кўрсатмалари ҳамда дарсликлардаги турли машқларни бажариш орқали амалга оширилади. Шунинг учун машқларни яратишида ўқувчиларга эстетик, этик тарбия бериш масаласини инобатга олиш тавсия қилинади;
5. Ўқувчиларга мультимедиал ресурслар орқали инглиз тилини ўрганишида маҳаллий ва глобал муаммолар хусусида маълумотлар берилishi мақсадга мувофиқ. Ушбу муаммоларни ечиш, ҳал қилиш учун турли технологиялардан фойдаланиши тавсия қилинади. Бу жараёнда ўқувчининг мустақил фикрга эга бўлишини, фикр билдиришида ўзининг шахсий позициясига таянишини инобатга олиш лозим;
6. Инглиз тилида мулоқотни амалга ошириш сунъий муҳитда бўлгани муносабати билан, мулоқотни абстракт тушунчадан жонли мушоҳадада амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Дарсликлардаги чет тилларда сўзлашувчи мамлакатлар маданияти акс этган матнлар, иллюстрациялар машқлар ўқувчи томонидан актив ўзлаштирилишига эришиш компетенцияларни муваффақиятли ривожланишида муҳим омилдир.

ИККИНЧИ БОБ БҮЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотнинг ушбу бобида 5-7 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикаси амалий асослари, чет тил ўқитиши методикасида замонамизгача қўлланилган фаол методлар таҳлил қилинди. Илмий мулоҳазаларга кўра, коммуникант (мулоқотдош), когнезант, рецепient, продукционт шахси масалалари кенг таҳлил этилди ҳамда уларга таърифлар берилди.

2. Тадқиқотда умумтаълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишида коммуникатив ёндашувга асосланиб 2 та метод, коммуникатив-когнитив ҳамда коммуникатив-кумулятив методлар назарияси, тарихи ҳамда амалиёти илмий-назарий мулоҳазаларга биноан муҳокамага тортилди. 5-7 синфлар учун коммуникатив-когнитив/кумулятив метод хусусиятлари бир нечта илмий принциплар минимизация қилиниб, аниқланди. Мазкур методлар мазмунининг таркибий қисмлари уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқитиши объекти, машқлар ҳамда ўқув материалининг ўзлаштириш босқичлари каби назариялар лингводидактик тадқиқ қилинди. Психолингвистик маълумотларга кўра номинатив, коммуникатив, кумулятив нутқ турлари муҳокама қилинди. Ўқув предметига ажратилган соатларда бажариладиган ўқув топшириқларни такомиллаштириш мақсадида, коммуникатив-когнитив, коммуникатив-кумулятив методлардан фойдаланиш мазмуни 3 та таркибли қисмга ажратилди: 1) Ўқитиши объекти; 2) Машқлар; 3) Ўқув материални ўзлаштириш босқичи. Ҳафтасига 3 соатдан инглиз тилини ўқитишида коммуникатив-когнитив/кумулятив методларга мувофиқ шаллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи машқ турлари ишлаб чиқилди. Мазкур машқлар нутқий, тил компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилди.

3. 5-синф ўқувчилари инглиз тилини ўрганиш орқали интеллектуал, ижодий ва коммуникатив билим ва қўникмаларга эга бўлишлари керак. Амалдаги дарслик мажмуаларининг мазмуний материалларига қўшимча компетенцияларни мукаммал ривожлантиришни шакллантирадиган усуслар, машқлар ва технологиялар тақозо этилади, “Drawing dictation, Define it, Memory story, Running dictation, Opinion (Dictogloss) dictation, Word by word story, Playful pictures” номли лингвотехнологиялар айнан шу талаблар билан изоҳланади. Мазкур усусларни умумлаштиришда, амалиётта тадбиқ қилишда ўқитишининг коммуникатив-когнитив/кумулятив методлар асосини ташкил қилувчи назариялардан ҳамда белгиланган принциплардан тегишли ўринларда фойдаланилди. Натижада, ўқувчиларнинг мустақил, эркин, мантикий фикрлаш қобилиятари ривожлантирилди ва маданиятлараро мулоқот диалогида

ўзига мустақил ишонган коммуникант ҳамда когнезант шаклланишига эришилади.

4. 6-7 синф ўқувчилари инглиз тилини ўқитишида матн билан ишлаш техникаларини билишлари ҳамда аудитив малакаларни ривожлантириш хусусида методик кўрсатмалар умумлаштирилди. Тадқиқот ишида ўқувчиларни матнларни самарали тушуниш учун матн олди машқлари, матнни ўқиш жараёнида бажариладиган машқлар ҳамда матнни ўқигандан кейин бажариладиган машқлар таснифи ажратиб кўрсатилди. Ушбу машқлар лисоний қийинчиликларни бартараф этиш, лисоний бирликларни тушуниш стратегиясини ривожлантириш, ўқишига бўлган қизиқиши кучайтириш, ўқувчиларнинг лисоний тажрибасини актуализация (ишга солиш) қилиш, ўқувчиларнинг ўқиш тезлигини (reading speed) оширишни назарда тутади. Матнларни ўқишидан кўзланадиган асосий мақсад эса лисоний бирликларни таниб олиш, эгаллаш ва мазмунни эслаб қолиш ҳамда ўқувчи матнни қандай тушунгандигини назорат қилиш учун бажарилиши такомиллаштирилди. Аудитив малакаларни шакллантирувчи, ривожлантирувчи машқлардан фойдаланиш, инглиззабонлар нутқини тушунишга, вербал ва новербал ишораларни англашга, нутқий, социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришга эришилади.

5. Дарслик материаллари ўқувчиларининг психологик ёш хусусиятларига мос келишида психологик маълумотларга асосланиши қайд этилди. Ўқувчининг психологик ёш хусусиятларида айнан тафаккур, диққат, идрок ва сезги инобатга олинини зарурлиги умумлаштирилди. Унга кўра, билиш жараёни жонли мушоҳададан мавхум тафаккурга ва ундан амалиётга қараб бориши тавсия қилинди. Натижада, чет тилдаги ўқув материалини ўз нутқида қўллаган ўқувчи у ҳақдаги тушунчага эга бўлади ва нутқ фаолияти юритиш қобилияти ривожланиб боради. Инглиз тилини ўқитишига мўлжалланган амалдаги дарсликлардан ўрин олган машқлар методик таҳлилидан келиб чиқиб, дастурий талабларда назарда тутилган, бироқ дарсликлардан ўрин олмаган нутқий ва тил компетенцияларни ривожлантирувчи қўшимча машқлар ҳамда технологиялар, ўқув предметини ўзлаштириш ҳамда мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш имкониятини яратади. Натижада ўқувчиларнинг билиш фаоллиги, ҳамда билишга қизиқиши ортади ва лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни фаол ривожлантириш амалга ошади. Хусусан, мазкур бобда 5-7 синфларда инглиз тилини самарали ўқитишига тегишли методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ш БОБ. 5-7 СИНФЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТИЗИМНИНГ МЕТОДИК САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш

Биз амалга оширган тажриба-синов ишларининг мақсади, 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида назарий асосланган лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенцияларни ривожлантиришни амалда исботлаш ҳамда компетенцияларни ривожлантирувчи машқлар, технологиялар асосида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, билишга қизиқиш, ўзининг шахсий масъулиятини хис қиласиган маданиятлараро когнезантни шакллантиришдан иборат.

Тажриба синов майдончалари: Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган Хоразм вилояти Урганч шаҳар №-1 ҳамда №-5, Жиззах вилояти Жиззах шаҳар №-1 ҳамда Жиззах туманидаги №-29, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани №-127 ҳамда №-144 умумий ўрта таълим мактабларида, 2014-2015, 2015-2016, 2016-2017, 2017-2018, 2018-2019 ўқув йиллари мобайнида ишлари амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари таъкидловчи, шакллантирувчи ва якунловчи босқичлардан иборат бўлди. Ушбу босқичларда қуидагилар эътиборга олинди.

- Тажриба-синов ишларини ўтказиш босқичлари белгилаб олинди;
- Тажриба-синов майдончалари аниқланди;
- Тажриба-синов ишларининг мазмуни, мақсади ва вазифалари аниқланди.

Таъкидловчи тажриба-синов босқичлари 2014-2015, 2015-2016 ўқув йилларида олиб борилди. Унинг вазифалари белгилаб олинди: умумий ўрта таълим мактабларида мавжуд назарий-методологик манбалар, меъёрий хужжатларни ўрганиш; инглиз тилини белгиланган компетенцияларни ривожлантириш асосида ўргатишнинг назарий ва амалий асосларини аниқлаш; инглиз тилини ўқитишини лингвистик, социолингвистик ҳамда дискурс компетенцияларга таянган ҳолда ўқитишининг мазмуни, шакллари, технологиялари, воситалари ва методларини такомиллаштириш; анкета саволлари ёрдамида ўқувчиларнинг амалдаги дарслклар асосида инглиз тилидан билимлари ва амалиётда инглиз тилида коммуникацияни амалга ошириш қобилияtlарини аниқлаш;

Амалга оширилган ишлар: Тажриба-синов ўтказиладиган умумий ўрта таълим муассасалари белгилаб олинди. Илмий адабиётлар ўрганилди. Таъкидловчи тажриба-синов ишларини ўтказиш учун умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўқитишга оид ўқитувчилар учун анкета сўровномалари ишлаб чиқилди ҳамда тажриба-синов гуруҳлари ўқувчилари учун амалдаги дарсликлар асосида чет тилни эгаллаганлик даражасини аниқловчи саволномалар ишлаб чиқилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари 2016-2017, 2017-2018 ўкув йилларида 5-, 6- ҳамда 7-синфларда олиб борилди. Унинг мақсади таклиф қилинган лингтехнологиялар ва машқлар амалиётда синаб кўрилди. Мазкур босқичнинг вазифалари қуйидагилар: инглиз тили ўқитувчиларини ишлаб чиқилган мультимедиал ўқув ресурслар ва услубий қўлланма ўкув материаллари билан таништириш; тажриба-синов ишлари давомида ТГ ва НГ натижаларни таққослаш ҳамда таҳлил қилиш; тажриба-синов ишлари жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўлларни аниқлаш; олинган натижаларга кўра ишлаб чиқилган машқлар ва технологияларни амалиётта жорий этишдан иборат.

Умумтаълим муассасалари раҳбарлари ёрдамида тажриба-синов учун синфлар белгилаб олинди ва ўқитувчилар жамоаси шакллантирилди. Тажриба-синовга жами жалб қилинган респондентларнинг **умумий сони 690** та бўлиб, шулардан **346 нафари назорат гуруҳларини, 344 нафари тажриба гуруҳларини** ташкил қилди. Ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида назорат гуруҳи (НГ) учун биттадан синф, тажриба гуруҳлари (ТГ) учун белгиланган синф teng ярми ажратиб олинди, баҳолаш мезонлари – юқори (аъло), яхши (яхши), ўрта (қониқарли) асосида аниқланди. Шунингдек, тажриба-синов ишларига **20 нафар ўқитувчилар** ҳам жалб қилинди. Мазкур синфларда амалга оширилаётган тадқиқот иши юзасидан суҳбатлар ва сўровномалар ўтказилди. Шунингдек, тажриба-синов ишларига жалб қилинган ўқитувчиларнинг компетенциявий ёндашув бўйича ҳамда чет тил ўкув предметига оид ислоҳотларга тегишли назарий билимларини аниқлаш мақсадида маҳсус сўровномалар ўтказилди. Белгиланган синфларда тажриба-синов гуруҳига жалб қилинган ўқитувчиларнинг дарс жараёнлари кузатилди. Ўтказилган сўровномалар ва суҳбатлар натижалари ва кузатилган дарс таҳлиллари юзасидан ўқитувчилар билан умумий муҳокамалар амалга оширилди. Мазкур даврда тадқиқотда таклиф қилинган инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантиришга оид усувлар, машқлар синовдан ўтказилди. Шакллантирувчи тажриба-синов ишларини қамраб олган

йилларда таклиф этилган машқлар, усулларнинг статистик натижалари таҳлил қилинди.

5-синфлардаги назорат гурухларида “New Fly high 5” дарслик мажмуалари асосида амалий дарслар олиб борилди. Тажриба гурухларида инглиз тилини ўқитиш “C sharp” дастур тилли (№ DGU 04996) “COMMUNICATIVE ENGLISH” мультимедиал ўқув ресурс материаллари, аудитив, грамматик малакаларни ривожлантирувчи машқлар ва “EFFECTIVE COMPETENCE BASED TEACHING TECHNIQUES” мавзули услубий қўлланма ўқув материалларида акс этган “Board race, Lip reading, Run to the board” технологиялари асосида ташкил қилинди.

6-7 синфлардаги назорат гурухларида “Teens’ English 6”, “Teens’ English 7” дарслик мажмуалари асосида амалий дарслар олиб борилди. Тажриба гурухларида дарслар “C sharp” дастур тилли № DGU 07774) “COMMUNICATIVE ENGLISH” мультимедиал ўқув ресурс материаллари ҳамда “EFFECTIVE COMPETENCE BASED TEACHING TECHNIQUES” мавзули услубий қўлланма, “Define it, Lip reading, Memory story, Opinion dictation, Pictionary race, Running dictation, Word by word story, Run to the board, Sleep and wake up” номли самарали технологиялари асосида ташкил қилинди.

Якунловчи тажриба-синов ишлари 2018-2019 ўқув йилида амалга оширилди. Ушбу тажриба-синов ишларининг мақсади тавсия қилинган машқлар, технологияларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ҳамда такомилаштиришдан иборат. Белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар амалга оширилди: тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларининг назорат ишлари ва сўров-жавоблари асосида аниқланган билим даражаларини таққослаш ва хulosалар чиқариш; ишлаб чиқилган технологиялар ва машқларни янги тавсиялар ва хulosалар билан бойитиш; ўтказилган барча тажриба-синов ишларининг умумий таҳлилини ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилди: Якунловчи тажриба-синов бўйича 5-, 6- ва 7-синф ўқувчилари ўртасида назорат, текширишлар олиб борилди. Ушбу синфларда ТГ ва НГ.ларда лингвистик, социолингвистик ҳамда прагматик компетенцияларни ривожлантиришда маъқул топилган машқлар, усулларни ўқув жараёнида самарадорлигини исботлаш юзасидан тажриба-синов ишлари амалга оширилди. 5-7 синф ўқувчиларга инглиз тилини коммуникатив-когнитив, коммуникатив-кумулятив методлардан фойдаланиб, муқобил машқлар ва технологиялар амалиётга тадбиқ қилинди

ҳамда ўқувчиларнинг инглиз тилида эркин муроқот қила олишни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчилар учун услубий қўлланма яратилди. Тажриба ва назорат гурухларидаги ўқувчиларнинг кўрсатгичларини баҳолаш мақсадида яқунловчи тажриба-синов ишлари Стъодент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Тажриба-синов жараёнида қўлланилган лингвотехнологиялар умумий тарзда қўйидаги жадвал кўринишида ихчамлаштирилган тарзда инглиз тилида баён қилинади (18-жадвалга қаранг). Ушбу усувлар 5-7 синфларда белгиланган тажриба гурухларида қўлланилди.

18-жадвал

5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишда коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда қўлланилган лингвотехнологиялар

Technique: DEFINE IT. At the beginning of this activity, the teacher invites a volunteer from students to the board and gives instructions for doing this activity. Firstly, a teacher tells to the student to sit on the chair with his back to the board and look only directly (straight) and do not turn back on a board direction. Then a teacher writes the word “homework” on the board and asks the rest of the students to give one explanation or definition for this word to the volunteer without naming it. After that, students continue periphrases, give their own explanation and examples for this word. And finally the volunteer guesses the word written on the board. Then, the teacher invites another student and writes another word. And all this is repeated several times with different students.

Technique: BOARD RACE. The teacher works with a board. It is an activity that can be used almost in every grammar theme. For instance, the list of adjective words will help to check pupils’ knowledge. In order to do this a teacher divides the board into two sides and writes the list of adjectives. Next step is a teacher splits the class also into two groups (each group might contain about 10 or 15 pupils) for making an activity more interesting. Then in each side of the board make two columns “-er” and “ more”. From the beginning of an activity a teacher should the procedure and show the example to learners. One pupil from each group should find the correct adjective form and have to write it in right column. Then should go back and give the chalk or a whiteboard marker to another pupil in a group. The teacher should check the correct answer as well as have to make sure that they understand the theme. The group which will complete the first and become winners and get the prize (it can be chocolate, books, pens and etc)

Technique: VOCABULARY PRACTICE WITH SPELLING. A teacher tells learners to stand up and take a big circle with their hands in a classroom. A teacher also may participate in this activity with her/his learners together. A teacher should explain the procedure to learner. Here teacher tells that she/he is going to choose the category of vocabularies, for example, sport activities, colours, school subjects, domestic animals or etc. Then they put their right hand to their friends left hand. Then a teacher should say “I know five words” and one student should choose some category of words. For example, wild animals. Then students should say different five animal types (an elephant, a lion, a tiger, a wolf, a giraffe) in orally. Next student should tell the spelling of this vocabulary in a circle. If someone pronounce incorrect words, they spell it two times

Technique: RUN TO THE BOARD. A teacher splits ss into 2 groups, then gives a different coloured whiteboard marker to each team. She divides the board into two halves. A teacher writes the topic on the board. For instance: "Holidays". A teacher should say one example word belong to the holiday. Each student should write only one word connected with the topic on a board and puts down one by one. A student who have written a word should give the pen to the next pair. Students have to run up to the board and write quickly. After teacher's command they should stop the writing. Teacher counts the words which have been written by the group. The winner team is the group which have written many words than another

Technique: OPINION DICTATION. A teacher asks students to put a notebook in the table horizontally and dividing the page into three columns. On the first column, students write "I AGREE", on the second column "I DISAGREE" and on the third column "IT DEPENDS...". Then, the teacher explains that he dictates short sentences and students should write on the column with expressing their opinion whether they agree, disagree or it depends. The first sentence is: "Football is the best sport in the world", the second is "Life without my mobile phone would be awful" and the third is "Everybody should speak English in today's world". After writing their opinions, the teacher asks students to compare their sentences with their partner and explain why they agree or not each other. While students discussing to each other, a teacher may monitor the class and note common mistakes on learners ideas.

Technique: MEMORY STORY. A teacher writes a passage on the board. Asks from students to read the passage out loud together. A tutor writes down 4 simple sentences and made the students to read out loud over and over. Then a teacher removes some of the words and ask the students again to read the passages they remember. In this process she/he can see if they can remember the missing words. The words you remove are up to you, depending on whether you want the activity to have a grammar or vocabulary focus. A teacher keeps removing more and more words until almost all of the passage is gone. Students should keep reading in orally form the sentences they remember in chorus. As a result, students improve their memory skills by learning heart whole passages.

Technique: DRAWING DICTATION. The teacher invites a volunteer from students to the board. In the drawing dictation, students describe a simple drawing to their partner, who has to draw exactly the same picture on the board. Then a volunteer tries to draw a picture with a help of his/her classmates with descriptions. Beforehand a teacher distributes handouts with a drawing picture. After that, a teacher can correct if it has some mistakes with a handout picture. When feedbacks, the teacher explains some grammar mistakes in a students' speech. At the end, the teacher gives some advices that relate to this activity. And also gives tips on how to conduct this activity. The aims of this activity can broaden the memory and imagination of learners. The important thing that a student should do concentration and follow instructions.

Technique: HOW MANY WORDS IN A MINUTE. The teacher divides students into 4 teams in order to make competition. The teams are called A, B, C, D. The teacher asks students to be close to their teams. After then, begins to explain instructions. Each team should tell words which is related to the given category by the teacher. For example, he asks from one student to tell one word connecting to fruits. This student answers an orange. When the teacher asks again to say one word, next student says the banana. Then he says if the team makes repetition and incorrect word to the category, this team will stop responding. The teacher may give 8 category of words for preparation. Each team should choose one number from 1 till 8 and find words which related to this category. They have only one minute. The teacher takes paper and pen in order not be confused learners/teams responds.

Technique: WORD BY WORD STORY. This technique helps learners for improving writing skills by making a short story and also it enhances students' grammar skills too since the story is written in past tenses. At first, the teacher writes two or more connected sentences on the board to begin the process (or the activity can be started with just one word. For ins.: Last Night... and etc, another possible way is to let students begin the story by themselves). Then one by one students add a new word at a time and the teacher carries on writing these words on a board. During the process students are demanded to use wide range of past tenses and linkers as a result grammatical problems or problems with coherence and cohesion can be brushed up. Moreover, you may go back and check if there are sufficient adjectives/adverbs or you may alternate them to more sophisticated one. Furthermore, students can complete this as a small group, pair or individually. The end result is usually weird and wonderful. It makes complex writing much more interesting.

Шунингдек, танқидий тафаккурни ривожлантирувчи, “Claster”, “Picture method”, “Sleep and wake up” усуллари илова қилинади (**18-19-20-21-иловалар**).

2014-2015, 2015-2016 йилларда таъкидловчи тажриба-синов босқичда жараёнга жалб қилинган 20 нафар ўқитувчиларнинг тадқиқот бўйича назарий билимларини аниқлаш ҳамда амалий ёрдам бериш мақсадида анкета саволномалар олинди, жавоблар статистик таҳлил қилинди. (**22-илова**). Тажриба-синов жараёнларида ўқитувчилар учун чет тил соҳаси ривожига оид ислоҳотлар хусусида маъruzалар, семинарлар ва сухбатлар ўтказиб борилди.

Энди ўқувчиларга оид олиб борилган таъкидловчи босқич тажриба-синов муҳокамаларига ўтсак. Таъкидловчи тажриба-синов жараёнида 5-, 6-ҳамда 7-синфларда инглиз тилини ўқитишида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенция негизида лингвистик, социолингвистик, компетенцияларни эгаллаганлик даражасини муҳокаа қилиш ҳамда компетенцияларни ривожлантиришда ўқувчилар дуч келадиган интерференциявий қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича дастлабки маълумотлар олиш амалга оширилди. 5-синфларда дарслик бўлимлари ва уларга оид кичик мавзулар асосида тузилган саволлардан фойдаланилди (**23-24-иловалар**). (Дарсликлар мазмуни ўзгарганлиги учун саволларга ўзгартиришлар киритилган.)

Жами **5-синф** респондентлар сони **ТГ-116** та, **НГ-115** бўлиб, Тошкент шаҳар Яkkасарой тумани №-127 ҳамда №-144 умумий ўрта таълим мактабларидан ТГ-34 та, НГ-35 та ўқувчи, Жizzах вилояти Жizzах шаҳар №-1 ҳамда Жizzах туманидаги №-29 умумий ўрта таълим мактабларидан ТГ-42 та, НГ-41 та ўқувчи, Хоразм вилояти Урганч шаҳар №-1 ҳамда №-5 умумий ўрта таълим мактабларидан ТГ-40 та, НГ-39 та ўқувчилар қатнашди. Мазкур ўқувчиларнинг берган жавоблари таҳлилига ўтсак.

1-саволга ТГ-110 та (95%) респондент тўлиқ, 6 та (5%) ўқувчи қисман жавобларни, **2-саволга** ТГ-87 та (75%) респондент батафсил, 29 та (25%) ўқувчи ҳеч қандай жавобларни, **3-саволга** ТГ-76 та (65%) респондент қисман, 40 та (35%) ўқувчи тўлиқ жавобларни, **4-саволга** ТГ-33 та (28%) респондент аниқ жавобларни, 83 та (72%) ўқувчи ноаниқ жавобларни, **5-саволга** ТГ-102 та (88%) респондент тўлиқ, 14 та (12%) ўқувчи нотўғри жавобларни, **6-саволга** ТГ-89 та (77%) респондент тўлиқ, 27 та (23%) ўқувчи қисқа жавобларни ёзишиди.

1-саволга НГ-109 та (94%) респондент тўлиқ, 6 та (6%) ўқувчи қониқарли жавоб ёзишиди. **2-саволга** НГ-90 та (78%) респондент жавоб беролмаган, 15 та (22%) ўқувчи қисман жавобларни, **3-саволга** НГ-102 та (87%) респондент тўлиқ, 3 та (13%) ўқувчи ҳеч қандай жавоблар ёзишмаган. **4-саволга** НГ-42 та (36%) респондент ўз фикрларини, 73 та (64%) ўқувчи қисман жавоб бера олган, **5-саволга** НГ-100 та (87%) респондент яхши жавобларни, 15 та (13%) ўқувчи саволни тушунмаганлигини, **6-саволга** НГ-78 та (68%) тушунарсиз, 37 та (32%) ўқувчи грамматик ҳатолар билан жавобларни баён қилишиди.

6-7 синфларга оид саволномалар амалдаги дарслклар бўйича умумий тузилди ва уларга берилган миқдорий кўрсатгичлар қуидагича. Саволлар ТГ ва НГ учун танланган 6-7 синфлардан умумий олинди (**26-илова**). 6-синфларда Тошкент шаҳардан 68 та ўқувчи, Жizzах вилоятидан 84 та ўқувчи, Хоразм вилоятидан 78 та ўқувчи иштирок этди. Жами 6-синф респондентлар сони 230 та. Тошкент шаҳардан 67 та ўқувчи, Жizzах вилоятидан 84 та ўқувчи, Хоразм вилоятидан 78 та ўқувчи иштирок этди. **7-синфлар респондентлар сони 229 та.** Ўқувчиларнинг жавоблари таҳлилига ўтсак.

1-саволига Тошкент шаҳардан 79% тўлиқ, 21% ўқувчи нотўғри жавоблар, **2-саволига** 68% батафсил, 32% тушунарсиз тарзда, **3-саволига** 88% аниқ, 12% ўқувчи қисқа, **4-саволига** 66% лўнда ва қисқа, 34% ўқувчи тушунган тарзда, **5-саволига** 88% конкрет, 12% ўқувчи ҳеч қандай, **7-саволига** 81% тўлиқ, 19% ўқувчи қисқа, **8-саволига** 87% тўлиқ, 13% ўқувчи аниқ жавобларни қайд қилишиди. Жizzах ҳамда Хоразм вилоятларидан **1-саволга** 89% тўлиқ, 11% қисман грамматик ҳатолар билан, **2-саволга** 91% батафсил 9% ҳеч қандай, **3-саволга** 85% ўз билганларини, 15% билмасликларини, **4-саволга** 55%) тўлиқ, 45% қисман билишларини, **5-саволга** 63% тўлиқ, 37% қисман, **6-саволга** 25% тўлиқ, 75% ноаниқ, **7-саволга** 95% аниқ, 5% ҳеч қандай, **8-саволга** 90% инкор қилган тарзда, 10%

ўқувчилар турли шаҳар ичида ва шаҳардан ташқарида пикниклар ташкил қилиши ҳақида жавобларни қайд қилишган.

3.2. Тажриба-синов натижаларнинг сифат ва миқдорий статистик таҳлили

Тажриба-синов ишларининг миқдорий таҳлилларига ўтсак. Дастрлаб ўқувчиларда лингвистик компетенциянинг ривожланганлик ҳолати муҳокама қилинади.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда компетенцияларни ривожлантириш технологияларини амалиётга татбиқ қилиш мақсадида 5-7 синф ўқувчилари жами **ТГ-344 та, НГ-346** тани ташкил қилди, барча респондентлар сони **680 та**. Шулардан 5-синф ўқувчилари ТГ-115 та, НГ-116 та жами **231 та**, 6-синф ўқувчилари ТГ-114 та, НГ-116 та жами **230 та**, 7-синф ўқувчилари ТГ-115 та, НГ-114 та жами **229 тадан** иборат.

ТГ ва НГ да лингвистик (нұтқий, тил), социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш юзасидан қуидаги баҳолаш мезонлари ишлаб чиқылди. Ўқувчиларнинг компетенцияларни ривожлантириш малакаларини назорат қилишда ҳамда тажриба-синов якуний натижаларини чиқаришда ушбу баҳолаш мезонларига таянилди (19-20-жадвалларга қаранг).

19-жадвал **Лингвистик (нұтқий, тил) компетенцияларнинг ривожлантириш бүйіча баҳолаш мезонлари**

Даража-лар	Нұтқий компетенцияни ривожлантириш мезонлари	Тил компетенциясини ривожлантириш мезонлари
Юқори даражада (5 баҳо) (86-100%)	Тинглаб-тушуниш: Кундалик, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларга мүлжалланган матнларни түлиқ батағсил тушуниш; таълимга, маданиятга оид мавзулардаги суҳбатлар мазмунини ҳам түлиқ тушуниш; Гапириш: Шахсий маълумотлар, оиласи, мактаби, ўрганадиган фанлари ҳақида диалог ва монолог нұтқда ўзига ишонч билан фикрларини оғзаки ифодалай олиш; Үқиши: Ўрганаётган мавзуларига тегишли бүлған қисқа матнларни, содда ҳикояларни ўқиганда түлиқ тушуниш; содда хатларни ўқиса түлиқ тушуниш ва матн маъносини тушунгандығын гапириб бера олиш; Ёзув: Ўзининг яқин инсонларига шахсий хатларни, қисқа хабарларни, табрикларни бекето өза олиш;	Коммуникатив вазияттарда дарап, инкор, сұроқ гапларни түлиқ күллай олиш; ўқиган матнлардаги мавзуга оид лисоний бирликлар маъносини түлиқ тушуниш ва ишлата олиш; грамматик ходисаларни түлиқ ўрганған ҳолда, нұтқда түғри фикрларни ифодалашда ҳатосиз гапира олиш;

Даража-лар	Нутқий компетенцияни ривожлантириш мезонлари	Тил компетенциясини ривожлантириш мезонлари
Үрта даражада (4 баҳо) (71-85 %)	<p>Тинглаб-тушуниш: Кундалик, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларга мүлжалланган матнларни ўртача тушуниш; таълимга, маданиятга оид мавзулардаги сұхбатлар мазмунини ўртача тушуниш;</p> <p>Гапириш: Шахсий маълумотлар, оиласи, мактаби, ўрганадиган фанлари ҳақида диалог ва монолог нутқда ўзига ишонқирамасдан, иккиланиб фикрларини оғзаки ифодалай олиш;</p> <p>Ўқиши: Ўрганаётган мавзуларига тегишли бўлган қисқа матнларни, содда ҳикояларни ўқигандан мазмунни ўртача тушуниш, содда хатларни ўқиса ўртача тушуниш ва матн маъносини тушунгандигини гапириб беришда қийналиш.</p> <p>Ёзув: Ўзининг яқин инсонларига шахсий хатларни, қисқа хабарларни, табрикларни грамматик ва орфографик ҳатолар билан ёза олиш;</p>	<p>Коммуникатив вазиятларда дарак, инкор, сўроқ гапларни нутқида қўллашда айrim ҳатоликларга йўл қўйиш; ўқиган матнлардаги мавзуга оид лисоний бирликлар маъносини тушуниш ва ишлата олишда бироз қийинчилик сезиш;; грамматик ходисаларни ўрганиб оғзаки фикрларини ифодалашда ҳатоликлар билан гапириш;</p>
Қуий (3 баҳо) (55-70%)	<p>Тинглаб-тушуниш: Кундалик, ижтимоий ҳаётга оид мавзуларга мүлжалланган матнларни бироз тушуниш; таълимга, маданиятга оид мавзулардаги сұхбатлар мазмунини тушунишга қийналиш;</p> <p>Гапириш: Шахсий маълумотлар, оиласи, мактаби, ўрганадиган фанлари ҳақида диалог ва монолог нутқда ўзига ишонмай, фикрларини оғзаки ифодалай олишда иккиланиш;</p> <p>Ўқиши: Ўрганаётган мавзуларига тегишли бўлган қисқа матнларни, содда ҳикояларни ўқигандан мазмунни тушунмаслик, содда хатларни ўқиса қисман тушуниш ва матн маъносини тушунгандигини гапириб бера олмаслик;</p> <p>Ёзув: Ўзининг яқин инсонларига шахсий хатларни, қисқа хабарларни, табрикларни ёза олмаслик;</p>	<p>Коммуникатив вазиятларда дарак, инкор, сўроқ гапларни нутқида қўллашда айrim ҳатоликларга йўл қўйиш; ўқиган матнлардаги мавзуга оид лисоний бирликлар маъносини тушуниш ва ишлата олишда бироз қийинчилик сезиш;; грамматик ходисаларни ўрганиб оғзаки фикрларини ифодалашда, ҳатоликлар билан тушунарсиз фикрларни баён қилиш;</p>

Социолингвистик компетенцияни ривожлантириш бўйича баҳолаш мезонлари

Даражалар	Социолингвистик компетенцияни ривожлантириш мезонлари
Юқори даража (5 баҳо) (86-100%)	Ўрганилаётган маданиятга оид мавзуларни тўлиқ тушуна олиш; Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятига оид саломлашиш одобини, хушмуомалали бўлиш этикетини, новербал нутқни ва бошқаларни тўлиқ ўзлаштириш ҳамда тушуниш:
Ўрта даража (4 баҳо) (71-85 %)	Ўрганилаётган маданиятга оид мавзуларни ўртача тушуна олиш; Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятига оид саломлашиш одобини, хушмуомалали бўлиш этикетини, новербал нутқни ва бошқаларни ўртача ўзлаштириш ҳамда тушуниш:
Қўйи (3 баҳо) (55-70%)	Ўрганилаётган маданиятга оид мавзуларни унчалик тушунмаслик; Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятига оид саломлашиш одобини, хушмуомалали бўлиш этикетини, новербал нутқни ва бошқаларни ўзлаштиришда ҳамда тушунишда кўп ҳато қилиш:

Эксперимент босқичда қўлланилган мақбул усуллар ва машқлар, ўқувчиларнинг ДТС.да қайд қилинган компетенцияларни ривожлантиришни ҳамда интерференция ҳолатларини бартараф қилишни назарда тутади. Интерференцион қийинчиликлар ўқув предметининг лингводидактик хусусиятлари билан боғлиқ лингвистик, социолингвистик, компетенцияларни эгаллашда юз берадиган қийинчиликларни ўз ичига олади. Улар қисқача изоҳланса, қийинчилик интерференция сабабли, ҳатолар қийинчилик туфайли содир бўлади. Қўлланилган лингвотехнологиялар ва машқлар қийинчиликларни енгиш ва ҳатоларни олдини олишга мўлжалланди.

Тажриба-синов амалга оширилган муддатларда 5-7 синфларда инглиз тилини мавжуд дарслклар асосида ўқитишида ўқувчиларда юзага келган интерференцион қийинчиликлар ва нутқий, имловий ҳатолар қуйидаги жадвалда тавсифланади (21-жадвалга қаранг).

**5-7 синфларда мавжуд дарсликлар асосида инглиз тилини ўқитишида
ўқувчиларда юзага келган интерференцион қийинчиликлар**

Синфлар, Дарсликлар	Интерференцион қийинчиликлар таснифи.
5-синфлар. “New Fly High 5”	Unit 1. All about me” кичик мавзуларини ўзлаштиришда мультимедиал ўқув ресурс материалларини ўзлаштиришда ва тушунишда, “Unit 2. At home and at work” касбга оид лисоний бирликларни эгаллашда, “Unit 3. What do you look like” лексик компетенцияга оид геометрик фигуранларнинг номларини ўрганишда, “Unit 5. I like English do you?” мактаб ҳақида оғзаки нутқий мулоқот қилишда, “Unit 6. In the classroom” мавзуларида синф хонасини оғзаки тасвирлашда, “Unit 8. Things I like” туғилган кунни нишонлаш ҳақида норасмий хат ёзишда, “Unit 10. Wildlife” ўзи яшаётган ўлқада мавжуд ёввойи ҳайвонлар ҳақида оғзаки ва ёзма маълумот беришда, “Unit 12. What’s the weather like?” йил фасллари ҳақида нутқий мулоқот қилишда, “Unit 13. Spring holidays” байрамларни тасвирлашда керакли лисоний бирликларни танлашда қийинчиликлар юзага келди
6-синфлар. “Teens’ English 6”	“Unit 1. Work and family” мавзуларида касбларга оид лисоний бирликларни эгаллашда, “Unit 2. Houses and homes” мавзуларда лексик компетенцияни эгаллашда, “Unit 4. At the market” мавзуларида тинглаб-тушунишга оид малакаларни эгаллашда, “Unit 5. Birthday” мавзуларида яқин қариндошига ёки дўстига туғилган кунни қандай нишонлаганни оғзаки ва ёзма маълумот беришда, “Unit 8. At the table” мавзуларида матнларни ўқишида, “Unit 10. Geography and pollution” мавзуларида матнларни ўқишида, “Unit 12. The world of fairy tales” эртак қаҳрамонлари ҳақида оғзаки ва ёзма матн тузишда ва тушунганини оғзаки гапириб беришда қийинчиликлар кузатилди.
7-синфлар. “Teens’ English 7”	Ҳар бир бўлимда “Home reading” уйда ўқиш учун матнлар қайд этилган. Бирок, матнларни тушунишда машқлар мавжуд эмаслиги учун ўқувчиларда қийинчиликлар аниқланди.

Лингводидактикада узоқ даврлардан маъқул топилган технологиялар ўқувчини пассив индивиддан фаол субъектга айлантиради, дарс жараёнини абстракт тушунчадан жонли мушоҳадага йўналтиради. Машқлар (шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи) мақсад ва вазифаларига кўра, нутқий, рецептив, репродуктив, диалог/монолог нутқа оид, механик (онг иштирокисиз) ижодий, бажариш шартига кўра оғзаки ва ёзма, таржима, индивидуал/жуфт/жўр бўлиб бажариладиганларга ажратилади [46].

Аниқланган интерференцион қийинчиликлар ва нутқий, имловий ҳатоларни бартараф қилиш учун тажриба гурухларида лингвистик компетенцияни ривожланганлигини текширувчи лингвотехнологиялардан (*Define It, Drawing Dictation (Playful Pictures), Run to the Board, Memory Story, Board Race, Pictuanary Race*), кундалик ҳаётга оид мавзуларга тегишли ўқиш нутқ фаолиятига оид матн ўқиши мустаҳкамловчи “*Pre/While/Post reading exercises*” машқларидан фойдаланилди. 7-синфларда ҳар бир бўлим мавзуларига тегишли “Home reading”га мўлжалланган матнлар мавжуд, бироқ, ўқувчиларда матнни тушунишда қийинчиликлар кузатилганига гувоҳ бўлдик. Интерференция вазиятларини бартараф қилиш мақсадида, ҳар бир матнга тегишли “*Pre/While/Post reading exercises*” машқлари тадқиқот доирасида ишлаб чиқилди (**25-и洛ва**). Мазкур машқларни ўқитувчилар қўшимча матнни ўқиганни назорат қилиш учун тажриба гурухларида қўллаганда, ўқувчиларнинг матнларни ўзлаштириш кўрсатгичи назорат гуруҳидагилардан юқори эканлигига гувоҳ бўлдик.

Юқоридаги ўқиш малакасини ривожлантиришга қўшимча ТГда аудитив малакаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди ҳамда “*Listen and choose the correct statement; Listen and write the words under the correct picture; Listen and Number. Put the sections in order; Listen and check the correct picture; Listen to the dialogue. Then ask and answer with your friend; Listen to the first dialog again and fill in the blanks; Listen and choose the best response; Listen to the first dialogue and fill in the blanks; Listen and answer the following questions; Listen and circle (the best, worst) food/dress/subject at school/health problems/sport from each person’s ideas*

” мисолли машқ намуналаридан фойдаланилди. Хусусан, тадқиқот учун яратилган мультимедиал ўқув ресурси 5-6 синфларга мўлжалланган “**Communicative English**” мавзули “**5TH-Form/6TH-FORM – LESSONS, SONGS, VOCABULARY AND GRAMMAR**” бўлими материалларидан (**28-29-иловалар**) ҳамда 7-синфларга мўлжалланган “**Communicative English 2**” мавзули мультимедиал ўқув дастуридан (**26-27-иловалар**) фойдаланилди. Сўнгра, саволномалар орқали нутқий ва тил компетенцияларининг тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлик даражаси текширилди, ўқувчилар жавоблари қўйида статистик таҳлил қилинди (22-23-24-жадвалларга қаранг).

22-жадвал

5-синф ўқувчиларининг лингвистик (нутқий) компетенциянинг ривожланганлиги бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлик кўрсаткичлари

№	Тажриба гуруҳи (116 та)				Назорат гуруҳи (115 та)			
	Ўқув-чилар-	Юқори	Ўрта	Қуий	Ўқув-чилар	Юқори	Ўрта	Қуий
Тошкент шаҳар Якксарой туманидаги 127, 144-умумий ўрта таълим мактаблари								
1	34	12 (35%)	14 (41%)	8 (24%)	35	12 (34%)	15 (43%)	8 (23%)
Жиззах шаҳар 1, Жиззах вилояти 29-умумий ўрта таълим мактаблари								
2	42	11 (26%)	16 (38%)	15 (36%)	41	10 (24%)	16 (39%)	15 (37%)
Хоразм вилояти Урганч шаҳар 1, 5-умумий ўрта таълим мактаблари								
3	40	14 (35%)	15 (38%)	11 (27%)	39	12 (30%)	14 (36%)	13 (33%)

23-жадвал

6-синф ўқувчиларининг лингвистик (нутқий) компетенциянинг ривожланганлиги бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлик кўрсаткичлари

№	Тажриба гуруҳи (116 та)				Назорат гуруҳи (114 та)			
	Ўқув-чилар-	Юқори	Ўрта	Қуий	Ўқув-чилар	Юқори	Ўрта	Қуий
Тошкент шаҳар Якксарой туманидаги 127, 144-умумий ўрта таълим мактаблари								
1	35	11 (31%)	14 (40%)	10 (29%)	33	12 (36%)	15 (45%)	6 (18%)
Жиззах шаҳар 1, Жиззах вилояти 29-умумий ўрта таълим мактаблари								
2	43	10 (23%)	17 (40%)	15 (35%)	41	10 (24%)	16 (39%)	15 (37%)
Хоразм вилояти Урганч шаҳар 1, 5-умумий ўрта таълим мактаблари								
3	38	12 (32%)	15 (39%)	11 (29%)	40	13 (33%)	14 (35%)	13 (33%)

24-жадвал

7-синф ўқувчиларининг лингвистик (нутқий) компетенциянинг ривожланганлиги бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлик кўрсаткичлари

№	Тажриба гуруҳи (114 та)				Назорат гуруҳи (115 та)			
	Ўқув-чилар-	Юқори	Ўрта	Қуий		Юқори	Ўрта	Қуий
Тошкент шаҳар Якксарой туманидаги 127, 144-умумий ўрта таълим мактаблари								
1	33	11 (33%)	12 (36%)	10 (31%)	34	12 (35%)	13 (38%)	9(26%)
Жиззах шаҳар 1, Жиззах вилояти 29-умумий ўрта таълим мактаблари								
2	38	10 (26%)	17 (45%)	11 (29%)	40	10 (25%)	16 (40%)	14 (35%)
Хоразм вилояти Урганч шаҳар 1, 5-умумий ўрта таълим мактаблари								
3	43	13 (28%)	16 (37%)	14 (35%)	41	13 (32%)	14 (34%)	14(34%)
	114	34 (29%)	45 (39%)	35 (30%)	115	35 (30,4%)	43 (37,3%)	37 (32,2%)

Күйидаги жадвалда ўқувчиларнинг тажриба-синовдан кейинги лингвистик (нұтқий) компетенцияларнинг үзлаштириш күрсатгичлари үсиши фоизларда акс этади (25-Жадвалға қаранг).

25-жадвал

Лингвистик (нұтқий) компетенциянинг ривожлантириш үсиши

Лингвистик (нұтқий) компетенциянинг ривожлантириш үсиши			
	Юқори (5)	Үрта (4)	Күйи (3)
НГ	30,2%	38,7%	31,1%
ТГ	30,3%	39,4%	30,3%

НГ 5-7 синф ўқувчиларининг нұтқий компетенциянинг эгаллаганлик даражаси қуйидагича: 30,2 % (юқори), 38,7 % (үрта), 31,1 % (күйи), ТГ ўқувчиларининг күрсатгичи 30,3 % (юқори), 39,4 % (үрта), 30,3 % (күйи) фоизларни ташкил қилды.

5-7 синф ўқувчиларининг тил компетенциясынинг ривожланғанлиги бүйіча тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлық даражасини текшириш учун “Board Race, Pictuanary Race, Lip Reading, Opinion/Running Dictations, Word by Word Story, Sleep and Wake Up” мавзуу релевант технологиялар орқали, (**Communicative English**) **“5TH-Form/6TH-FORM – VOCABULARY AND GRAMMAR”** бўлими материалларидан фойдаланилди. Лингвистик компетенция таркибидаги тил компетенциянинг НГ ва ТГ ўқувчиларининг үзлаштириш самарадорлиги қуйидагича (26-жадвалға қаранг):

26-жадвал

5-7 синф ўқувчиларининг тил компетенциясини ривожланғанлиги бүйіча тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлық күрсаткичлари

№	Тажриба гурӯҳи (344та)				Назорат гурӯҳи (346 та)			
	Ўқув-чилар-	Юқори	Үрта	Күйи	Ўқув-чилар	Юқори	Үрта	Күйи
5-синфлар								
1	35	18	14	3	34	13	11	10
2	41	21	17	3	42	16	14	12
3	39	20	16	3	40	14	14	12
	115	59	47	9	116	43	39	34
6-синфлар								
4	33	17	13	3	35	13	12	10
5	40	21	16	3	38	14	13	11
6	41	21	17	3	43	16	15	12
	114	59	46	9	116	43	40	33

№	Тажриба гурухи (344та)				Назорат гурухи (346 та)			
	Ўқув-чилар-	Юқори	Ўрта	Қуий	Ўқув-чилар	Юқори	Ўрта	Қуий
7-синфлар								
7	34	18	13	3	33	12	11	10
8	40	21	16	3	38	14	13	11
9	41	21	17	3	43	16	15	12
	115	60	46	9	114	42	39	33

Қуидаги жадвалда ўқувчиларнинг тажриба-синовдан кейинги тил компетенциясининг ривожланганлиги ўзлаштириш ўсиши фоизларда акс этади (27-жадвалга қаранг).

27-жадвал

Тил компетенциясининг ривожлантириш ўсиши

Тил компетенциясининг ривожлантириш ўсиши			
	Юқори (5)	Ўрта (4)	Қуий (3)
НГ	37	34,1	28,9
ТГ	51,7	40,4	7,9

НГ 5-7 синф ўқувчиларининг тил компетенциясининг эгаллаганлик даражаси қуидагича: 37 % (юқори), 34,1 % (ўрта), 28,9 % (қуий), ТГ ўқувчиларининг кўрсатгичи 51,7 % (юқори), 40,4 % (ўрта), 7,9 % (қуий) фоизларни ташкил қилди.

Тажриба-синов жараёнида социолингвистик компетенциянинг ривожланганлик даражасида қуидаги ўқув мериалларидан фойдаланилди. Мультимедиал ўқув ресурс материалларига асосий эътибор қаратилди. Хусусан, турли мамлакатлар маданиятини акс эттирувчи “Cinderella, The Crow and An Old woman, Five little ducks, Elephant and The Ant, The Loyal Mongoose, Goldilocks and The 3 bears, The Jackal who saved the lion” мавзули эртаклар, “LESSONS” бўлимидан “Daily activities, Wild animals life, Exotic animals in the world, The time, Talking about jobs, Interesting facts abot 7 continents, Weather and climate in the world, Countries and nationalities” материаллари орқали ўқувчиларнинг социолингвистик компетенцияни эгаллаганлик даражаси текширилди. Булар мультимедиал ўқув ресурс материалларида қўлланилган лугавий ибораларнинг мулоқот жараёнида қўллай олиш малакасини назорат қилиш мақсадида оғзаки диалоглар тузиш топшириқлари орқали назорат қилинди. Шунингдек, савонномаларга мазкур компетенциянинг тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлик даражасини текшириш учун ҳам саволлар киритилди (28-жадвалга қаранг).

28-жадвал

5-7 синф ўқувчиларининг социолингвистик компетенциянинг ривожланганлиги бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги самарадорлик кўрсаткичлари

№	Тажриба гурӯҳи (344та)				Назорат гурӯҳи (346 та)			
	Ўқувчила-	Юқори	Ўрта	Қуи	Ўқувчила-	Юқори	Ўрта	Қуи
5-синфлар								
1	35	17	13	5	34	12	12	10
2	41	20	15	6	42	15	14	13
3	39	19	14	6	40	14	14	12
	115	56	42	17	116	41	40	35
6-синфлар								
4	33	16	11	6	35	12	12	11
5	40	20	15	5	38	13	13	12
6	41	20	15	6	43	15	15	13
	114	56	41	17	116	40	40	36
7-синфлар								
7	34	17	13	4	33	12	11	10
8	40	20	15	5	38	13	13	12
9	41	20	16	5	43	15	14	14
	115	57	44	14	114	40	38	36

Қуидаги жадвалда ўқувчиларнинг тажриба-синовдан кейинги Соцолингвистик компетенциянинг ривожлантириш ўсишлари фоизларда акс этади (29-жадвалга қаранг).

29-жадвал

Соцолингвистик компетенциянинг ривожлантириш бўйича ўшиш фоизи

Соцолингвистик компетенциянинг ривожлантириш ўшиши			
	Юқори (5)	Ўрта (4)	Қуи (3)
НГ	35	34,1	30,9
ТГ	49,1	36,9	14

НГ 5-7 синф ўқувчиларининг соцолингвистик компетенциянинг эгаллаганлик даражаси қуидагича: 35 % (юқори), 34,1 % (ўрта), 30,9 % (қуи), ТГ ўқувчиларининг кўрсатгичи 49,1 % (юқори), 36,9 % (ўрта), 14 % (қуи) фоизларни ташкил қилди.

5-7 синф ўқувчиларида лингвистик (нутқий, тил) соцолингвистик компетенцияларни ривожланганлиги самарадорлик даражаларини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат

синфларидаги ўртача ўзлаштиришларини **Стьюент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи** ёрдамида таҳлил этдик.

Масаланинг қисқача моҳияти қўйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Биринчиси тажриба синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Қўйидаги жадваллар асосида 5-7 синф ўқувчиларида лингвистик (нутқий, тил), социолингвистик компетенцияларнинг ривожланганлиги бўйича тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланади.

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда $X_i n_i$ лар ва шу каби назорат синфидагисини эса $Y_j m_j$ лар орқали белгилаб олиб, қўйидаги статистик гурухланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори даражани 3 балл билан, ўрта даражани эса 2 балл билан ва қуий даражани 1 балл билан белгилаймиз.

Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигида:

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 179; & 138; & 27; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 344$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 128; & 118; & 100; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 346$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигида:


Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 169; & 127; & 48; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 344$$


Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 121; & 118; & 107; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 346$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қўйидагича кўринишни олади:



2-расм. Лингвистик (нұтқий, тил) компетенцияның ривожланғанлигіда



3-расм. Социолингвистик компетенцияның ривожланғанлигіда

Статистик таҳлил үтказиши қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва n_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик әхтимоллық формулалари $p_i = \frac{n}{n_i}$ ва $q_j = \frac{m}{m_j}$ асосида ҳисоблаймиз.

Лингвистик (нұтқий, тил) компетенцияларнинг ривожланғанлигіда:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,52; & 0,40; & 0,08; \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 0,37; & 0,34; & 0,29; \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Социолингвистик компетенцияның ривожланғанлигіда:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,49; & 0,37; & 0,14; \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 0,35; & 0,34; & 0,31; \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни тажриба ва назорат синфидағи натижалар бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуидаги натижаларни берди: Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,52 \cdot 3 + 0,40 \cdot 2 + 0,08 \cdot 1 = 1,56 + 0,8 + 0,08 = 2,44$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{2,44}{3} \cdot 100 \% = 81,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,37 \cdot 3 + 0,34 \cdot 2 + 0,29 \cdot 1 = 1,11 + 0,68 + 0,29 = 2,08$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y} \% = \frac{2,08}{3} \cdot 100 \% = 69,3\%$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,49 \cdot 3 + 0,37 \cdot 2 + 0,14 \cdot 1 = 1,47 + 0,74 + 0,14 = 2,35$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{2,35}{3} \cdot 100 \% = 78,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,35 \cdot 3 + 0,34 \cdot 2 + 0,31 \cdot 1 = 1,05 + 0,68 + 0,31 = 2,04$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y} \% = \frac{2,04}{3} \cdot 100 \% = 68\%$$

Демак, лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига тажриба синфидағи ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштиришлари назорат синфидағидан $(81,3 - 69,3)\% = 12\%$ га кўтарилигани аниқланди. Бу эса ўз навбатида $\frac{81,3\%}{69,3\%} = 1,17$ баробар ортиқлигини билдиради. Худди шунингдек,

социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига тажриба синфидағи ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштиришлари назорат синфидағидан $(78,3 - 68)\% = 10,3\%$ га юқори эканлигини анлатади. Бу эса ўз навбатида $\frac{78,3\%}{68\%} = 1,15$ баробар ортиқлигини билдиради.

Ўзлаштиришни аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадратик ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз. Ўртача квадратик хатолик лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,52 \cdot 3^2 + 0,4 \cdot 2^2 + 0,08 \cdot 1^2 - 2,44^2 = 0,52 \cdot 9 + 0,4 \cdot 4 + 0,08 \cdot 1 - 5,9536 = \\ = 4,68 + 1,6 + 0,08 - 5,9536 = 6,36 - 5,9536 = 0,4064$$

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,37 \cdot 3^2 + 0,34 \cdot 2^2 + 0,29 \cdot 1^2 - 2,08^2 = 0,37 \cdot 9 + 0,34 \cdot 4 + 0,29 \cdot 1 - 4,3264 = \\ = 3,33 + 1,36 + 0,29 - 4,3264 = 4,98 - 4,3264 = 0,6536$$

Үртача квадратик хатолик социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,49 \cdot 3^2 + 0,37 \cdot 2^2 + 0,14 \cdot 1^2 - 2,35^2 = 0,49 \cdot 9 + 0,37 \cdot 4 + 0,14 \cdot 1 - 5,5225 = \\ = 4,41 + 1,48 + 0,14 - 5,5225 = 6,03 - 5,5225 = 0,5075$$

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,35 \cdot 3^2 + 0,34 \cdot 2^2 + 0,31 \cdot 1^2 - 2,04^2 = 0,35 \cdot 9 + 0,34 \cdot 4 + 0,31 \cdot 1 - 4,1616 = \\ = 3,15 + 1,36 + 0,31 - 4,1616 = 4,82 - 4,1616 = 0,6584$$

Стандарт хатоликлар эса лингвистик (нүтқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:

$$S_x = \sqrt{0,4064} = 0,64. \quad S_y = \sqrt{0,6536} = 0,81.$$

Бундан, тажриба синфи стандарт хатолиги назорат синфи кўрсаткичларга нисбатан кичик бўлди, яъни $0,64 < 0,81$. Буни янада аниқроқ қўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффициентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100 \% = \frac{0,64 \cdot 100 \%}{\sqrt{344} \cdot 2,44} = \frac{64 \%}{18,5 \cdot 2,44} = \frac{64 \%}{45,14} = 1,42 \% \approx 1\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100 \% = \frac{0,81 \cdot 100 \%}{\sqrt{346} \cdot 2,08} = \frac{81 \%}{18,6 \cdot 2,08} = \frac{81 \%}{38,69} = 2,09 \% \approx 2\%$$

Демак, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги назорат синфидаги билан бир бирликка фарқ қиласа экан.

Стандарт хатоликлар социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$S_x = \sqrt{0,5075} = 0,71. \quad S_y = \sqrt{0,6584} = 0,81.$$

Бундан, тажриба синфи стандарт хатолиги назорат синфи кўрсаткичларга нисбатан кичик бўлди, яъни $0,64 < 0,81$. Буни янада аниқроқ қўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини

биз вариация коэффициентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100 \% = \frac{0,71 \cdot 100 \%}{\sqrt{344} \cdot 2,35} = \frac{71 \%}{18,5 \cdot 2,35} = \frac{71 \%}{43,48} = 1,63 \% \approx 2 \%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100 \% = \frac{0,81 \cdot 100 \%}{\sqrt{346} \cdot 2,04} = \frac{81 \%}{18,6 \cdot 2,04} = \frac{81 \%}{37,94} = 2,13 \% \approx 2 \%$$

Демак, бу ерда тажриба синфидағи ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги назорат синфидағи билан бир хил экан.

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашигини ҳисобга олиб Стыюдентнинг танланма мезони асосида нолинчи гипотезани текширамиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисоблашни бажарамиз: Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,44 - 2,08}{\sqrt{\frac{0,4064}{344} + \frac{0,6536}{346}}} = \frac{0,36}{\sqrt{0,0012 + 0,0019}} = \frac{0,36}{\sqrt{0,0031}} = \frac{0,36}{0,056} = 6,43$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,35 - 2,04}{\sqrt{\frac{0,5075}{344} + \frac{0,6584}{346}}} = \frac{0,31}{\sqrt{0,0015 + 0,0019}} = \frac{0,31}{\sqrt{0,0034}} = \frac{0,31}{0,058} = 5,34$$

Стыюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз: Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:

$$\begin{aligned} K_{x,y} &= \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m} \right)^2}{\left(\frac{S_x^2}{n} \right)^2 + \left(\frac{S_y^2}{m} \right)^2} = \frac{\left(\frac{0,4064}{344} + \frac{0,6536}{346} \right)^2}{\left(\frac{0,4064}{344} \right)^2 + \left(\frac{0,6536}{346} \right)^2} = \frac{(0,0012 + 0,0019)^2}{(0,0012)^2 + (0,0019)^2} = \\ &= \frac{(0,0031)^2}{\frac{0,00000144}{343} + \frac{0,0000036}{345}} = \frac{0,0000096}{\frac{0,000000042}{343} + \frac{0,00000011}{345}} = \frac{0,0000096}{\frac{0,000000152}{343}} = 632,24 \end{aligned}$$

оциолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$\begin{aligned}
K_{x,y} &= \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,5075}{344} + \frac{0,6584}{346}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,5075}{344}\right)^2}{343} + \frac{\left(\frac{0,6584}{346}\right)^2}{345}} = \frac{(0,0015 + 0,0019)^2}{\frac{(0,0015)^2}{343} + \frac{(0,0019)^2}{345}} = \\
&= \frac{(0,0034)^2}{\frac{0,0000023}{343} + \frac{0,0000036}{345}} = \frac{0,000012}{0,000000066 + 0,000000011} = \frac{0,000012}{0,0000000176} = 656,82
\end{aligned}$$

ушбу эхтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси лингвистик (нуткий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига: $k = 632,24$ га социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига: $k = 656,82$ га тенг. Стыюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

ўкувчиларда:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(632,24) = t_{0,975}(632,24) = 1,96$$

Бундан кўриниб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан. Бундан Стыюдентнинг танланма мезони:

$$T_{x,y} = 6,43 > 1,96 \text{ га тенг.}$$

социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(656,82) = t_{0,975}(656,82) = 1,96$$

Бундан кўриниб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан. Бундан Стыюдентнинг танланма мезони:

$$T_{x,y} = 5,34 > 1,96 \text{ га тенг.}$$

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % ишончлилик билан айтиш мумкинки, тажриба-синов синфларидағи ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат синфларидағи ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди ва улар ҳеч қачон устма-уст тушмайди.

Энди тажриба-синов синфларидағи ва назорат синфларидағи таълим услуги хилма-хил бўлган яъни фаразимизга зид бўлган ҳолни кўрамиз.

$$K_0: F_x = F_y$$

Бунда иккита бош тўплам тақсимотини тақсимлаш бир-бирига тўғри келади.

Берилган α қийматдорлик даражасида H_1 : - бош түплам нормал тақсимланган деган гипотезани текшириш учун аввал назарий частоталарни кейин эса Пирсоннинг мувофиқлик критерийси - Хи-квадрат бўйича (1) ва (2) тизимлар асосида қўйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$X_{n,m}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i,j=1}^3 \frac{(nm_j - mn_i)^2}{m_j + n_i} = \sum_{i,j=1}^3 \frac{(m_j - n_i)^2}{m_j + n_i}.$$

Формула асосида $X_{n,m}^2$:

Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигида:

$$\begin{aligned} X_{n,m}^2 &= \frac{(179 - 128)^2}{179 + 128} + \frac{(138 - 118)^2}{138 + 118} + \frac{(27 - 100)^2}{27 + 100} = \frac{2601}{307} + \frac{400}{256} + \frac{5329}{127} = \\ &= 8,47 + 1,56 + 41,96 = 51,99 \end{aligned}$$

га тенг.

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигида:

$$\begin{aligned} X_{n,m}^2 &= \frac{(169 - 121)^2}{169 + 121} + \frac{(127 - 118)^2}{127 + 118} + \frac{(48 - 107)^2}{48 + 107} = \frac{2304}{290} + \frac{81}{245} + \frac{3481}{155} = \\ &= 7,94 + 0,33 + 22,46 = 30,73 \end{aligned}$$

га тенг.

Ушбу мезон бўйича озодлик даражалари $v = 3 - 1 = 2$ га тенг, Хи-квадрат тақсимотининг жадвали бўйича критик нуқтани топамиз. $p = 0,95$ учун ишончлилик эҳтимоли

$$t_{0,95}(V) = t_{0,95}(2) = 6 \text{ га тенг.}$$

Бир томонлама критерий нолинчи гипотезани икки томонлама критерийга қараганда “қатъият билан” рад этгани учун ўнг томонлама критик соҳа қурамиз. Ўнг томонлама критик соҳа қўйидагига тенг.

Лингвистик (нутқий, тил) компетенцияларнинг ривожланганлигида:

$$X_{n,m}^2 = 51,99 > 6 = t_{0,95}$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигида:

$$X_{n,m}^2 = 30,73 > 6 = t_{0,95}$$

Бундан Хи-квадрат тақсимот қритик нуқтадан катта бўлгани учун нолинчи гипотеза рад этилди.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли интервални топамиз:

Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигида:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,64}{\sqrt{344}} = 1,96 \cdot \frac{0,64}{18,5} = \frac{1,2544}{18,5} \approx 0,07$$

$$\Delta_y = t_{\gamma} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,81}{\sqrt{346}} = 1,96 \cdot \frac{0,81}{18,6} = \frac{1,5876}{18,6} \approx 0,09$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

$$\Delta_x = t_{\gamma} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,71}{\sqrt{344}} = 1,96 \cdot \frac{0,71}{18,5} = \frac{1,3916}{18,5} \approx 0,08$$

$$\Delta_y = t_{\gamma} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,81}{\sqrt{346}} = 1,96 \cdot \frac{0,81}{18,6} = \frac{1,5876}{18,6} \approx 0,09$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига тажриба синфи учун:

$$2,44 - 0,07 \leq a_x \leq 2,44 + 0,07 \quad 2,37 \leq a_x \leq 2,51$$

Назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,08 - 0,09 \leq a_y \leq 2,08 + 0,09 \quad 1,99 \leq a_y \leq 2,17$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига тажриба синфида учун:


$$2,35 - 0,08 \leq a_x \leq 2,35 + 0,08 \quad 2,27 \leq a_x \leq 2,43$$

Тажриба боши учун ишончли интервал:


$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,04 - 0,09 \leq a_y \leq 2,04 + 0,09 \quad 1,95 \leq a_y \leq 2,13$$

Буни геометрик тасвирлассак лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:



Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:



Бундан $x=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мүмкінки, тажрибадан кейинги ўртача баҳолар күрсаткичи тажрибадан олдинги ўртача баҳолардан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпты. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат күрсатгичларини ҳисоблаймиз. Лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлигига:

Маълумки, $\bar{X}=2,44$; $\bar{Y}=2,08$; $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,09$; га тенг.

Бундан сифат күрсатгичлари:

$$K_{yc\delta} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,44 - 0,07}{2,08 + 0,09} = \frac{2,37}{2,17} = 1,09 > 1;$$

$$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,44 - 0,07) - (2,08 - 0,09) = 2,37 - 1,99 = 0,38 > 0;$$

Социолингвистик компетенциянинг ривожланганлигига:

Маълумки, $\bar{X}=2,35$; $\bar{Y}=2,04$; $\Delta_x = 0,08$; $\Delta_y = 0,09$; га тенг.

Бундан сифат күрсатгичлари:

$$K_{yc\delta} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,35 - 0,08}{2,04 + 0,09} = \frac{2,27}{2,13} = 1,07 > 1;$$

$$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,35 - 0,08) - (2,04 - 0,09) = 2,27 - 1,95 = 0,32 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мүмкін. Бундан маълумки, ТГ лингвистик (нутқий, тил) компетенциянинг ривожланганлиги ўртача ўзлаштириши НГ ўзлаштиришдан **1,17 барабар юқори** ҳамда **12% га ошганлиги** аниқланди. Шунингдек, социолингвистик компетенциянинг ривожланганлиги ТГда **10,3% га юқори** ҳамда НГ ўқувчиларининг ўртача ўзлаштиришларидан **1,15 баравар юқори** эканлиги аниқланди. Демак, 5-7 синф ўқувчиларида лингвистик, социолингвистик компетенцияларни ривожланганлигининг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлиллардан яққол маълум бўлди. Шундай қилиб, тажриба-синов жараёнларида таклиф қилинган қўшимча машқлар ва технологиялар амалиётга тадбиқ қилинди.

Амалга оширилган экспериментал натижаларга кўра, қўйидаги хуносавий тавсиялар умумлаштирилди:

1. Ўзбекистонда таълим 7 та тилда олиб борилиши туфайли, чет тил дарсликлари, уларнинг барчаси учун қўлланилиши қўзда тутилган. Дарсликларда бошқа миллат ўқувчиларининг ўзбек тилидан ташқари она тилиси инобатга олинмаган. Айрим лексик бирликлар ўқувчиларнинг она тили билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, инглиз тилида, “*I speak Uzbek/Qarakalpaq/ Tadgic/ Russian and etc*” ёки “*My mother is a Russian/ Tadgic/ Qaraqalpaq/ teacher*”. Шу тарзда инглиз тили дарслиги бўйича шуғулладиган 7 та тилдаги мактаблар ўқувчиларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган бўламиз.
2. Ўқувчи шахсини интернационализм руҳида тарбиялаш учун дарсликларда уларнинг она тилисини инобатга олиб мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, машғулотлар ва тўгаракларда нафақат инглиз тилида сўзлашувчи аҳоли, балки Ўзбекистонда истиқомат қиласиган қозоқ, қирғиз, туркман, рус, тожик, қорақалпоқ миллатларининг урф-одатлари билан боғлиқ анъаналарни ҳам эътиборга олиш тавсия қилинади.
3. 7-синфдан бошлаб ҳикоя жанрларида ўқув материалларини ўқиш ва улар ҳакида ўқувчининг фикр юритишига эътибор бериш ҳамда уларни машқларда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.
4. Ўқиши нутқий фаолиятини ривожлантириш учун дарсликларга ўқувчининг танқидий тафаккурини ривожлантирадиган, унинг идрок кўламини кенгайтирадиган ва диққатини оширадиган коммуникатив-когнитив/кумулятив мазмунга эга матнларни танлаш тавсия қилинади. Буларнинг барчаси чет тилни амалий ўрганишга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.
5. Дарсликларда дастурий талабларга биноан, социолингвистик компетенцияни ифодаловчи маълумотлар чекланган тарзда тақдим қилинган. Шунинг учун муаллим дарслик мавзуларида берилган ўқув материалининг мураккаблиги/осонлиги ҳамда ўқувчиларнинг когнитив даражасига таяниб, қўшимча ўқув материаллардан фойдаланиши маъқул.
6. Ўқувчиларда компетенцияларни ривожлантиришда, ўргатилган лугавий ибораларни мулоқот жараёнида тўғри қўллай олиш малакасига эътибор қаратилиши лозим. Хусусан, монологик ҳамда диологик нутқ намуналаридан фойдаланиш тавсия қилинади.
7. Дискурс компетенцияни ривожлантиришда тилнинг экспрессив (оғзаки ва ёзма ифодалаш), референтив (хаётый тажриба асосида йиғилиб

бориладиган сўзлар), фатик (сўзловчининг нутқий билимдонлиги) жиҳатларини инобатга олиб ўргатиш мақсадга мувофиқ.

8. Бўлимларда ўрганиладиган когнитив ўқув материалларини умумий тушунтириш принципига биноан, ўқувчилар инглиз тилини ўрганиш жараёнида эгаллаган билимларини ўzlари таҳлил қила олишларига имконият бериш мақсадга мувофиқ;

9. Ўқувчиларнинг ёшига мос аутентик матнлардан фойдаланиш принципига биноан, дарслкларда қўшимча социолингвистик мазмундаги аутентик матнларни танлаш лозим. Матнларга кундалик ҳаёт билан боғлиқ “*Vocabulary relating to general life*” лисоний бирликларни киритиш тавсия қилинади.

10. 5-6 синф ўқувчиларига мустақил ишларни ташкил қилишда проект иши билан бирга, турли ҳажмдаги матнларни ўқиб, тушунганни гапириб бериш топшириқларини бериш, матнларни ўқишида лексик бирликларни мустаҳкамловчи қўшимча машқларни ишлаб чиқишига эътибор қаратиш лозим.

11. Тинглаб-тушуниш машқларини бажаришда тил соҳибини тушунганликни ва англаганликни кучайтириш, аудитив идрок ҳамда ўқувчиларнинг лисоний тажрибасини актуализациялашни ривожлантириш лозим. Бунинг учун ўқувчиларда кундалик ҳаёт билан боғлиқ аудитив монологлар, диалогларни тинглашда уларнинг мазмунини тушунишга эътибор қаратиш ва маъносини хотирасида сақлаб қолиш қўникмаларини мустаҳкамлаш лозим.

12. Социолингвистик компетенцияни ривожлантириш учун ўзга мамлакатлар маданиятини ўргатувчи маданий стереотиплардан ҳамда мультимедиал ўқув ресурслардан фойдаланиш ҳамда ўқувчиларга маънавий қадриятлар, миллий урф-одатлар ва маданий меросимизни, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини ўзлаштириш орқали сингдириш тавсия қилинади.

13. Онлайн дарслар орқали инглиз тили ўқитишида уйга вазифаларни овозларни ёзиш орқали бажариш, дўстлар фаоллиги орқали ўрганиш “Buddy learning”, қисқа видео ва презентациялар тайёрлаш, яхши ўқитиши мухим ва мультимедиали ўқув материалларидан фойдаланиш принципларига риоя қилиш тавсия қилинади.

14. Инглиз тили дарсларида интегратив ёндашув орқали компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган технологиялардан фойдаланиш ҳамда

қўлланилган усуллар ўқувчиларнинг интерференция туфайли содир қилган ҳатоларини бартараф қилишга хизмат қилиши лозим.

15. Инглиз тилини ўрганиш жараёнида қўлланилган машқлар ўқувчини ўзини англашига, содир қилган ҳатоларни аниқлашига ва бартараф этишига, ўз-ўзига ишониш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Инглиз тилини ўрганиш ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ташкил қилиниши лозим.

16. Инглиз тилини ўқитишни самарали ташкил қилиш учун, икки тилли таржима машқларидан фойдаланиш мумкин, грамматик қоидаларни тушунтиришда алгоритмик қоидалардан фойдаланиш тавсия қилинади.

17. Инглиз тилини ўқитишда белгиланган компетенцияларни самарали эгаллаш учун ўқувчиларга, дарслик мавзулари доирасида лисоний минимумлар орқали тил компетенциясига оид тилнинг лексикаси, грамматикаси, талаффузи бўйича ўқиб ва тинглаб-тушуниш орқали машқлар бажаришга ёрдам бериш тавсия қилинади.

18. Коммуникант ёки реципиент мақомига эга ўқувчи, нутқни содир этганда ёки идрок этган пайтда нутқий компетенциясини намоён этади. Шунинг учун коммуникатив малакани амалга оширишда ўқувчининг эркин нутқ фаолияти юритиши учун, кичик бўлган грамматик, лексик, талаффуз ва имловий компетенцияларни ўзлаштирганлигига эътибор қаратиш тавсия қилинади.

19. Дарслик ўқув материалларида социолингвистик компетенция қўйидаги машқлар системасига сингдирилиши таклиф қилинади: ўқувчиларда инглиз тили материаллари асосида олган билимларини амалиётга татбиқ қилиш кўникумасини шакллантирадиган машқлар ҳамда малакани шакллантиришга йўналтирилган машқлар. Яъни социомаданий стереотиплар билан уйғунлашган аниқ мулоқот вазиятларида билим ва кўникумаларни ифодалай олиш малакаси ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ.

20. Тадқиқот обьекти тарзида танланган синфларда самарали инглиз тилини ўқитиш учун дарсликлар мазмунидаги машқлар талабини ҳамда лисоний бирликлар таркибини қайта кўриб чиқиш тавсия қилинади.

УЧИНЧИ БОБ БҮЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари тадқиқотчи томонидан белгиланган талаблар асосида ташкил қилинди. Педагогик тажриба-синов ишларини самарали ташкил қилиш мақсадида тажриба-синов объектларидағи үқитувчиларга тадқиқот иши юзасидан анкета саволномалар билан мурожаат қилинди. Үқитувчиларнинг анкета сўровномаларга берган жавоблари таҳлил қилинди ва умумлаштирилди.

Ўқувчиларга инглиз тилини билиш даражасини аниқлаш учун дарсликлар асосида ишлаб чиқилган саволлар билан мурожаат қилинди ҳамда жавоблар статистик таҳлил қилинди, умумлаштирилди. Булар орқали умумтаълим муассасаларда 5-7 синфларда инглиз тилини үқитилиш ҳолати бўйича дастлабки срез натижалар олишга эришилди.

2. Тажриба-синов ишлари учун ҳар бир синфларда турли худудларда (ТГ) тажриба гуруҳи ҳамда (НГ) назорат гурухлари танланди. Тажриба материали учун яратилган услубий қўлланмадан самарали технологиялар, машқлар ҳамда мультимедиал үқув ресурслардан фойдаланилди. ТГ ва НГ синфларда ўқувчиларнинг ўртacha ўзлаштиришлари натижаларни Стъюдент ва Пирсон хи квадрат математик статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари ваколатли муассасалар томонидан расмий маълумотномалар ва далолатномаларда ўз исботини топган.

3. Тадқиқот иши доирасида белгиланган, аниқлаштирилган принциплар асосида танланган технологиялар ҳамда машқлар орқали тажриба гуруҳи ўқувчиларида лингвистик (нутқий, тил) ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришга эришилди. Назорат гуруҳи ўқувчиларида ҳам инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш сезилди, бироқ тажриба гуруҳи ўқувчиларининг фаоллиги, билим даражасининг ортганлиги, уларда ўзга мамлакатлар маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш, коммуникацияга киришиш жараёнида керакли тил воситаларини танлаш, фикрларини узвий ва эркин ифодалай олиш малакалари шаклланганлиги кузатилди. Хусусан, эксперимент ишларининг амалий натижаларини инобатга олган тарзда, умумий ўрта таълим мактабларида 5-7 синфларда инглиз тилини үқитишда компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСАЛАР

Умумий ўрта таълим 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича амалга оширилган тадқиқотда қуидаги натижаларга эришилди.

1. Тадқиқот мавзусига оид дастурий хужжатлар, CEFR малака талаблари, компетенциявий ёндашувга оид республикамиздаги ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг компетенциявий ёндашув бўйича педагогика, психология ва чет тил ўқитиши методикасига оид илмий-назарий ғоялари ҳамда амалдаги дарслклар ўкув материаллари ўрганилди, тегишли илмий хулосалар чиқарилди. Олиб борилган танқидий таҳлиллар, изланишлар белгиланган синфларда инглиз тилини ўқитиши/ўргатиши мақсадга мувофиқ ишлаб чиқилмагани, муаммога тегишли методик қўлланмаларнинг етарли эмаслиги ҳамда мультимедиал ўкув ресурс материалларининг мазмунан пухта яратилмаганлигини кўрсатди.

2. Чет тил ўқитиши методикасидаги лингвистик, психологик, педагогик, методик принциплар аниқланиб, 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишида компетенцияларни ривожлантирувчи принциплар белгиланди. Мазкур принциплар асосида ўқувчиларда инглиз тилини ўқитишида лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Фикримизча, талаб қилинган компетенцияларни ривожлантиришга тегишли муаммолар аниқланди, назарий ва тажриба-синов ишлари орқали амалий натижаларга эришилди.

3. 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишининг замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-методик асослари ишлаб чиқилди. Чунончи, чет тил ўкув предметининг лингводидактик мақоми аниқланди ва унинг ўзига хос хусусиятлари назарий асослаб берилди. Бир сўз билан айтганда, белгиланган синфларда инглиз тилини самарали ўқитишига асос бўладиган тизим такомиллаштирилди. Инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг тил тажрибаси ортиб бориши ва айрим грамматик ҳодисаларнинг интерференция келтириб чиқариши туфайли грамматик қоида беришга тўғри келади. Асосан, чет тил ўргатилганда, грамматик ҳодисаларнинг бир-бири билан ўхшаш жиҳатлари бўлганлиги учун алгоритмик қоидалар орқали ўқувчиларнинг тил компетенцияси янада ривожлантирилди.

4. 5-синфларда амалдаги дарслк мажмуаси орқали ўзи ҳақида, оила, мактаб, кундалик фаолият, ёқтирган машғулотлари, ҳайвонот дунёси, йил фасллари, байрамлар мавзуларини ўқитишида интерференцион

қийинчиликлар аниқланди. Ушбу қийинчиликларни аниқлашда ўкув материалини ҳаёт билан боғлаш, проксимал ривожланиш, ўрганиладиган мавзуни тахмин қилиш, ўқувчининг ижобий эмоционал характер хусусиятларига таяниб руҳлантириш/рағбатлантириш, ўқувчининг автоном хусусиятларини ривожлантириш ҳамда ёш хусусиятларига оид релевант ўқитиш усулларини танлаш, яхши ўқитиш муҳим каби дидактик, психологик принципларга таянилди.

5. 6-7 синф ўқувчилариға амалдаги дарсликлар орқали инглиз тилини ўқитишида белгиланган компетенцияларни ривожлантиришга тўсқинлик қиласидиган интерференция ҳолатлари аниқланди. Мазкур қийинчиликлар ҳамда ўқувчиларнинг йўл қўйган хатоларининг олдини олишда (танқидий) фикрлашга ўргатиш, самимий, хушмуомала бўлиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, ўқувчиларнинг тили ўрганилаётган мамлакатлардаги тенгдошлари ҳаётида эмоционал муаммоларни қандай енгишларини ўрганиш, шахсий ва индивидуал қизиқишларини инобатга олиш, ўқувчиларнинг ўзига ишончини ривожлантириш, инглиз тилини ўқитишида билиш психик жараёнларини (сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, диққат) инобатга олиш, аутентик матнларга мувофиқ машқлар бажариш каби лингвистик, психологик, методик принципларга таянилди.

6. 5-7 синфларда қўлланган ўқиши ва аудитив малакаларни ривожлантирувчи машқлар, лингводидактикада узоқ даврлардан бери маъқул топилган муқобил технологиялар ўқувчиларни пассив индивиддан фаол субъектга айлантиради, дарс жараёнини абстракт тушунчадан жонли мушоҳадага йўналтиради. Машқлар (шакллантирувчи, ривожлантирувчи, такомиллаштирувчи) мақсад ва вазифалариға кўра, 7-синфларга тегишли уйда ўқишига мўлжалланган матнларни ўқиганини тушуниш ва мустаҳкамлаш учун матнолди, матнни ўқиши жараёнида ҳамда матнни ўқигандан кейин бажариладиган машқлар ишлаб чиқилди.

7. Айни дамда трансформация қилинган. яъни янгиланган когнитив интеллектуал технологияларни (Cognitive-Intelligence technologies) инглиз тилини ўқитишида қўллаш талаб қилингани учун амалдаги инглиз тилини ўқитиш жараёнини автоматлаштиришга ёрдамчи “C sharp” дастурли мультимедиал ўкув ресурслар. ишлаб чиқилди. Ўзининг лингводидактик мөхиятига биноан, амалдаги ўқитувчи китобида қайд қилинмаган релевант “Define It, Drawing Dictation (Playful Pictures), Run to the Board, Memory Story, Board Race, Pictuanary Race, Lip Reading, Opinion/Running Dictations, Word by Word Story, Sleep and Wake Up” технологиялар самарадорлиги исботланди ва

амалиётга татбиқ қилинди. Бу эса, ўқувчиларнинг CEFR малака талаблари бўйича яратилган давлат таълим стандартида кўрсатилган компетенцияларни муваффақиятли эгаллашларига хизмат қилди.

8. Жаҳон чет тил ўқитиш тажрибасида маълум ва машҳур методлар батафсил муҳокама қилинди. Ўзбекистон шароитида коммуникатив ёндашувга асосланган 2 та: коммуникатив-когнитив ва коммуникатив-кумулятив метод татбиқ қилинди. Коммуникатив-когнитив ёндашув орқали нутқий, тил, компетенциялар, коммуникатив-кумулятив метод асосида социолингвистик компетенцияни ривожлантиришга эътибор қаратилди. Коммуникатив-когнитив метод ёрдамида бирор мавзу доирасида фикр баён этиш, ўзга шахс фикрини идрок этиш ҳамда умумий билим олиш амали бажарилди. Коммуникатив-кумулятив метод ёрдамида эса, аниқ маданиятга оид мавзулар ва нутқий вазиятлар доирасида мулоқот қилиш етакчи амалий мақсад қилиб белгиланди. Ушбу методлар асосида умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчилариға инглиз тилини ўқитишнинг мазмуни, тузилмаси ва методик тизими ислоҳ қилинди.

9. Ўқувчиларга белгиланган синфларда инглиз тилини кундалик ҳаёт, ижтимоий ҳаёт, таълим ва маданиятга оид мавзулар орқали ўқитишда, дунёни англаш ва жаҳон маданий манзарасини тадқиқ қилишга оид ўқув материаллари тажриба-синов учун тайёрланди ва амалиётга жорий қилинди. Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари Стъюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди ҳамда тажриба групхларида инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш методикаси самарадор экани аниқлаштирилган баҳолаш мезонлари натижаларига асосан ўз исботини топди.

10. Лингвистик ҳамда социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қиласидиган ишлаб чиқилган машқлар, танланган релевант усуллар умумий ўрта таълим тизими 5-7 синфларда инглиз тилини ўқитишни илмий-методик жиҳатдан бойитишга ижобий таъсир қилди. Шунингдек, инглиз тилини ўқитишда юзага келган интерференцион қийинчиликларни бартараф қилиш ва хатоларнинг олдини олишга асос бўлди. Булар ўқувчиларнинг билиш қобилиятлари, билишга қизиқишини долзарблаштирилди. Натижада, ўзига ишонган, янгиланаётган Ўзбекистон учун ўзининг шахсий позициясига эга бўлган, келажакда жамиятда ўз ўрнини аниқ белгилай оладиган коммуникант ва когнезант шахси шаклланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2014. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги Қонуни. – Т.: Шарқ, 1998. – 23 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 42.
4. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон Қарори. – Халқ сўзи. – №240 (5660). – Т.: 2012.
5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5712-сон. 2019, 29 апрель. <http://www.lex.uz/docs/4312785>
7. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандарти. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури (I-IX синфлар). Жалолов Ж. ва бошқалар. “Xalq ta’limi” ilmiy-metodik jurnal. – № 4-сон (may-iyun) – 2013. –Б. 144.
8. Мирзияев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5712-сон. 2015, 29 апрель. <http://www.lex.uz/docs/4312785>
9. Мирзияев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017, 7 февраль.
10. Мирзияев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 12 (792) сон. 2017. –Б. 167-169.
12. Народное слова. 24 августа 2019 года, N 174 (7373). Видео селекторное совещание по вопросам развития системы народного образования,

повышения квалификации педагогов и их авторитета в обществе, духовно-нравственного воспитания молодого поколения.

13. Умумий ўрта таълим 5-синфлари учун дарслик. New Fly High 5. Светлана Хан ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон. 2017.
14. Умумий ўрта таълим 6-7 синфлари учун дарслик. Teens' English. Светлана Хан ва бошқа муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон. 2018. 2019.
15. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment. Language Policy Unit. Strasbourg. – 2010. –274 p. Electron Resource: www.coe.int/lang-CEFR

Монография, илмий мақола, патент ва илмий тўпламлар

16. Абакумова Н.Н., Малкова И.Ю. Компетентностный подход в образовании: Организация и диагностика. – Томск: 2007. –С.368.
17. Абдувалиева О.В. Методика обучения модальным глаголам английского языка на базе компьютерный технологий. Автореф.дисс.... . кан.пед.наук. – Т.: 2009. –С.28.
18. Азизханова Р.А. Обучение экспрессивной устной английской речи учащихся 7-8 классов лезгинской школы в условиях билингвализма. Авторефер.дисс.... . кан.пед.наук. – Махачкала: 2006. –С.28.
19. Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). — СПб.: Златоуст, 1999. –С.472.
20. Алмазова Н.И. Формирование межкультурной компетенции при обучении иностранному языку в экономическом вузе. Автореф.дисс.... . док.пед.наук. – Санкт-Петербург.: –2003. – С.43.
21. Атлуханова Ш.С. Методика обучения предлогам английского языка в 5-7 классах лезгинской школы. Автореф.дисс.... .кан.пед.наук. –Махачкала:, 2005. С-30.
22. Ахмедова Л.Т. Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка в образовательном процессе Республики Узбекистан. УзГУМЯ, 2014. –С.73.
23. Ахмедова Л.Т., Жалолов Ж.Ж., Нормуродова В.И., Набиева К.Н. Чет тил фани ўқув дастури. –Т.: 2013. –Б.18.
24. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблема школьного учебника. — М.: Русский язык, 1977. –С.288.
25. Бим И.Л., Биболетова М.З., Щепилова А.В., Копылова В.В. Иностранный язык в системе школьного филологического образования (концепция) / Иностранные языки в школе. – 2009. – №1. – С.4-8.
26. Божович Е.Д. Развитие языковой компетенции школьников: проблемы и подходы // Вопр. психол. –М.: 1998. № 4. –С.70-78.

27. Бельский В. Ю. Принцип народности в системе социально-философских взглядов К.Д.Ушинского. –М.: 2002. <http://elib.gnpbu.ru/sections/0100/ushinskij/>
28. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура (Book review: Vereshyagin E.M., Kostomarov V.G., Language and culture). В сб.: Иностр. Языки в высш.школе, вып. 11. –Москва: 2015. – С.294.
29. Вахобов М.М. Компетенцияй ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш – замонавий таълим парадигмаси сифатида. Илмий-методик журнал. Замонавий таълим / Современное образование. –Т: 2016. № 10. – Б. 3-10.
30. Выгодский Л.С. Вопросы детской психологии. –М.: Перспектива. – 2018. –С.224.
31. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика–Пресс. 1996. –С.536.
32. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. 2006. –М.: Академ А. –С.335.
33. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам. – М.: АРКТИ – ГЛОССА. 2000. – С.165.
34. Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа. –М.: 2004. –С.239.
35. Голепкова Н.Ю. Формирование социальной компетенции учащихся на уроках иностранного языка. Электрон ресурс. <https://www.rgph.vsu.ru/tu/science/publications/docs/innov-tekh1>
36. Демченкова С.А. Основные подходы к трактовке понятие «Компетенция», «Компетентность» зарубежом и их содержательное наполнение. Вестник ТГПУ. 2011. 13(115). –С.243. Электрон ресурс. <https://cyberleninka.ru/article/v/>
37. Дж.Равен. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. / Пер.с анг. – М.: Когито – центр. 2002. –С.88.
38. Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях языкового контактирования: Дисс. ...д-ра.филол.наук. – Т.: 2016. –С.266.
39. Джусупов М.Ж. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане//Русский язык за рубежом. – Специальный выпуск. Москва, 2017. –С.50-57.
40. Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Т.: Фан, 1991. –С.240.
41. Долгих Е.В. Формирование ключевых компетенций учащихся педагогическим коллективом в соответствии с требованиями модернизации образования. Электрон ресурс: <https://urok.1sept.ru/>

42. Дранишникова К.Е. Развитие коммуникативных способностей младших школьников на уроках английского языка.// Журнал: Иностранные языки в школе. –М.: 2013. №5. –С.202-205. Электрон ресурс. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-kommunikativnyh-sposobnostey>.
43. Ёкубов И. “Амалий инглиз тили методикаси”. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т.: 2004. Б –223.
44. Елизарова Г.В. Культура и обучения иностранным языкам. «Каро», Санкт-Петербург. 2005. – С.352.
45. Жалолов Ж. Современный дидактический статус учебного предмета “иностранный язык”. “ТДПУ илмий ахборотномалари” журнали. № 1. 2014. – Б.88.
46. Ж.Жалолов Ж. Чет тил ўқитиши методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. “Ўқитувчи” нашриётматбаа ижодий уйи. – Т.: 2012. –Б.429
47. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиши замонавий методикасига бир назар// Актуальные проблемы филологии: Материалы региональной научной конференции. –Наманган: 2009. – С.25–28.
48. Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. –М., 2003. № 5. –С. 34-42.
49. Зимняя И.А. Лингвопсихология речевой деятельности. –М.: 2001. –С. 432.
50. Икромхонова Ф.И. Инглиз тилидан коммуникатив–когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти (нолисоний олий ўқув юртлари мисолида). П.ф.н. дар.олиш учун Дис.... –Т: 2012. –Б.156.
